

**Таҳририят кенгаши:**

**Х.Б.Юнусов** – СамДВМЧБУ ректори,  
профессор (раис)  
**Ж.А.Азимов** – ЎзР ФА академиги (аъзо)  
**Б.Т.Норқобилов** – Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш қўмитаси  
раиси (аъзо)  
**А.И.Ятусевич** – РФА академиги (аъзо)  
**Е.Д.Джавадов** – РФА академиги (аъзо)  
**Ю.А.Юлдашбаев** – РФА академиги (аъзо)  
**Д.А.Девришов** – РФА мухбир аъзоси (аъзо)  
**С.В.Шабунин** – РФА академиги (аъзо)  
**К.В.Племишов** – РФА мухбир аъзоси (аъзо)  
**С.В.Позябин** – профессор (аъзо)  
**Ш.А.Жабборов** – профессор (аъзо)

**Таҳрир хайъати:**

**Х.Салимов** – профессор  
**Қ.Норбоев** – профессор  
**А.Даминов** – профессор  
**Р.Б.Давлатов** – профессор  
**Б.Бакиров** – профессор  
**Б.М.Эшбурiev** – профессор  
**Н.Б.Дилмуродов** – профессор  
**Ф.Акрамова** – б.ф.д., профессор  
**Б.А.Элмуродов** – профессор  
**А.Г.Гафуров** – профессор  
**Н.Э.Юлдашев** – профессор  
**Х.Б.Нижёзов** – профессор  
**Б.Д.Нарзиёв** – профессор  
**Р.Ф.Рўзиқулов** – профессор  
**А.А.Белко** – ВДВМА доценти  
**Д.И.Федотов** – ВДВМА доценти  
**Х.К.Базаров** – доцент  
**Ш.Х.Қурбонов** – доцент  
**Ж.Б.Юлчиев** – доцент  
**О.Э.Ачилов** – в.ф.ф.д. (PhD)

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:**

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

**Муҳаррир:**

Дилшод Юлдашев

**Дизайнер:**

Хусан САФАРАЛИЕВ

**Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:**

Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш қўмитаси

**Муассислар:**

Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш қўмитаси,  
“AGROZOOVETSERVIS”

масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2018 йил  
2 февралда 0284-рақам билан рўйхатга олинган

Журнал 2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

**Манзил:** 100070, Тошкент шаҳри,  
Усмон Носир, 22.

**Таҳририят манзили:** 100022, Тошкент шаҳри,  
Қушбеги кўчаси, 22-уй

Тел.: 99 307-01-68,

Фақат телеграмм учун 97 770-22-35.

**E-mail:** zooveterinariya@mail.ru  
www.Vetmed.uz

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV TA‘LIM, FAN VA  
INNOVATSIYAR VAZIRLIGI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VETERINARIYA VA  
CHORVACHILIKNI  
RIVOJLANTIRISH QO‘MITASI**

**SAMARQAND DAVLAT  
VETERINARIYA MEDITSINASI,  
CHORVACHILIK VA  
BIOTEXNOLOGIYALAR  
UNIVERSITETI**



O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan fan arbobi,  
veterinariya fanlari doktori, professor  
X.Z.Ibragimov tavalludining 105 yilligiga  
bag‘ishlangan

**“YANGI O‘ZBEKISTONDA  
VETERINARIYA TERAPIYASINING  
YUTUQLARI VA ISTIQBOLDAGI  
VAZIFALARI”**

mavzusida

**XALQARO ILMIIY-AMALIIY  
KONFERENSIYA**

**15-16 dekabr**

**Samarqand-2023**

**Editorial council**

**Kh.B.Yunusov** – rector of Samarkand state university of veterinary medicine, animal husbandry and biotechnology professor (chairman)  
**J.A.Azimov** – UzAS academician (member)  
**B.T. Norkobilov** – Chairman of the Veterinary and Animal Husbandry Development Committee (member)  
**A.I.Yatusevich** – RAS academician (member)  
**E.D.Djavadov** – RAS academician (member)  
**Y.A.Yuldashbaev** – RAS academician (member)  
**D.A. Devrishov** – RAS correspondent member (member)  
**C.V. Shabunin** – RAS academician (member)  
**K.V.Plemishov** – RAS correspondent member (member)  
**S.V.Pozyabin** – professor (member)  
**Sh.A.Jabborov** – professor (member)

**Editorial board**

**C.Salimov** – professor  
**K.Norboev** – professor  
**A.Daminov** – professor  
**R.B. Davlatov** – professor  
**B.Bakirov** – professor  
**B.M. Eshburiev** – professor  
**N.B.Dilmurodov** – professor  
**F.Akramova** – doctor of biology – professor  
**B.A.Elmurodov** – professor  
**A.G.Gafurov** – professor  
**N.E.Yuldashev** – professor  
**Kh.B.Niyazov** – professor  
**B.D.Narziev** – professor  
**R.F.Ruzikulov** – professor  
**A.A.Belko** – associate professor of VSAVM  
**D.I.Fedotov** – associate professor of VSAVM  
**Kh.K.Bazarov** – associate professor  
**Sh.Kh.Kurbanov** – associate professor  
**J.B.Yulchiev** – associate professor  
**O.E.Achilov** – doctor of veterinary (PhD)

**Acting Chief Editor:**

Abdunabi ALIKULOV

**Editors:**

Dilshod YOLDOSHEV

**Designer:**

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

**Initiator and leader of the project:**

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan

**Founders:**

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan, “AGROZOOVETSERVIS” Co., Ltd.

**Registered in Uzbekistan Press and News agency by 0284**

**Address:** 22, Usmon Nosir, Tashkent, 100070.

Editorial address: 4, Kushbegi, 22. Tashkent, 100022

Tel.: 99 307-01-68,

☎ 97 770-22-35

**E-mail:** zooveterinariya@mail.ru

www.Vetmed.uz

**circulation: Index: 1162**

**COMMITTEE OF VETERINARY AND  
LIVESTOCK DEVELOPMENT OF THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**



**SAMARKAND STATE UNIVERSITY  
OF VETERINARY MEDICINE,  
LIVESTOCK  
AND BIOTECHNOLOGIES**

**International scientific and practical  
conference dedicated to the 105th  
anniversary of the birth of the Honored  
Scientist of Uzbekistan, Doctor of Veterinary  
Sciences, Professor Kh.Z.Ibragimov  
on the topic of:  
«ACHIEVEMENTS AND PROSPECTS FOR  
THE DEVELOPMENT OF VETERINARY  
THERAPY IN THE NEW  
UZBEKISTAN»**

**December 15 th-16th**



**Samarkand-2023**

## UMRI ILM-FAN VA MA'RIFATGA BAXSHIDA USTOZ



O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi, veterinariya fanlari doktori, professor Hakim Zohidovich Ibrohimov hayot bo'lganlarida hozir 105 yoshni qarshi olgan bo'lar edilar.

Ustoz Hakim Zohidovich Ibrohimov iqtidorli pedagog va tarbiyachi, veterinariya patologiyasi, terapiyasi, diagnostikasi, shuningdek, patanatomiya va toksikologiya yo'nalishlari bo'yicha nafaqat O'zbekiston Respublikasida, balki sobiq ittifoq, qolaversa, dunyo miqyosidagi yirik olimlardan biri hisoblangan.

Hakim Zohidovich Ibrohimov veterinariya ilm-fanining umumiy yo'nalishlarini tadqiq etish muammolariga bosh-qosh bo'lish bilan birgalikda qishloq xo'jalik hayvonlarining xavfli oziqaviy zaharlanishlari hisoblangan "Trixodesmotoksikoz" va "Ustilagotoksikoz" kasalliklariga qarshi samarali kurash choralarini ishlab chiqdi va amaliyotga joriy etdi. Respublikamiz sharoitidagi mahsuldor hayvonlarda modda almashinuvi buzilishlarining o'ziga xos xususiyatlarini tadqiq etdi va bunday buzilishlarga ertachi tashxis qo'yish usuli hamda guruhli profilaktika chora-tadbirlarini ishlab chiqdi.

H.Z.Ibrohimov 1917-yilning 6-yanvarida Toshkent viloyati, Parkent (oldingi Orjenikidze) tumani, G'isht-ko'prik qishlog'ida oddiy dehqon oilasida tavallud topgan.

1931-yilda Toshkent paxtachilik texnikumi qoshida ochilgan 6 oylik oliy o'quv yurtlariga tayyorlash kursini tamomlab, shu texnikumga o'qishga kirdi (oliy o'quv yurtiga kirish uchun yoshi yetmaganligi uchun, chunki H.Z.Ibrohimov o'sha vaqtda 14 yoshda edi).

1934-yilda paxtachilik texnikumini tamomlab, shu yili Samarqand shahridagi O'zbekiston Davlat qishloq xo'jalik institutining (hozirgi Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti) "Veterinariya" fakultetiga o'qishga kirdi va 1939 yilda mazkur oliygohni tugatdi.

H.Z.Ibrohimov yosh mutaxassis sifatida Yer ishlari komissarligining veterinariya boshqarmasida 6 oy ishlagandan so'ng, O'zbekiston Davlat qishloq xo'jalik instituti rektorining taklifiga binoan shu institutning qishloq xo'jalik hayvonlari "Normal anatomiya" kafedrasiga assistent lavozimiga ishga kirdi.

1939-yilning noyabr oyidan to 1941-yil iyun oyigacha ishchi dehqon Armiyasi safida xizmat qildi va shu davr ichida finlar bilan bo'lgan jangda ishtirok etdi.

H.Z.Ibrohimov Ulug' Vatan urushining birinchi kunlaridan to nemis fashistlari ustidan g'alaba qozonilguniga qadar artileriya qismlarida katta vetvrach, o'qchi diviziyalari veterinariya lazareti boshlig'i lavozimlarida ishladi. Leningrad qamalida to'liq qatnashdi, Berlingacha yetib bordi, fashist gazandalarining uyasi hisoblangan Reyxstagni olishda mardonavor jang qildi.

H.Z.Ibrohimov Ulug' Vatan urushi g'alabasidan so'ng 1947-yilning sentyabr oyidan boshlab Samarqand qishloq xo'jalik institutining "Terapiya va klinik diagnostika" kafedrasida assistent, keyin ko'p o'tmasdan dotsent vazifasida, uning iziga, 26 yil mobaynida kafedra professori va kafedra mudiri, shuningdek, veterinariya fakulteti dekani, klinik metodik komissiya raisi, Ulug' Vatan urushi veteranlari kengashining raisi va boshqa qator lavozimlarda ishladi.

H.Z.Ibrohimov 1949-yilda, respublikada xizmat ko'rsatgan fan arbobi, professor N.V.Badanin rahbarligida nomzodlik dissertatsiyasini, 1967-yilda esa "Qishloq xo'jalik hayvonlarining ustilatoksikoz kasalligi" mavzusidagi doktorlik dissertatsiyasini himoya qildi va tez orada professor ilmiy unvoniga sazovor bo'ldi.

Professor Hakim Zohidovich Ibrohimov o'zidagi zukko ilmiy salohiyat va ishlab chiqarishga ko'rsatayotgan samarali ilmiy - amaliy yordami tufayli tez orada respublika rahbariyatining e'tiboriga tushdi va 1978-yilda ilmiy

sohada erishgan e'tiborga molik alohida yutuqlari va ilmiy-pedagogik kadrlar tayyorlashdagi xizmatlari uchun O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi faxriy unvoni bilan taqdirlandi.

Professor Hakim Zohidovich Ibrohimovning 1954-1964-yillarda nafaqat respublikamiz sharoitidagi, balki butun Markaziy Osiyo hududlaridagi otlarda ommaviy shaklda uchraydigan, chorvadorlar orasida "Suyloq" deb yuritiladigan va otlarning 100 % o'limiga sabab bo'ladigan kasalligiga qarshi kurash chora-tadbirlarini ishlab chiqqanligi, ushbu kasallik sababchisining "Kampir chopon" o'simligi ekanligining aniqlanishi olim tomonidan erishilgan yutuqlarning eng asosiylaridan biri bo'ldi.

H.Z.Ibrohimov tomonidan 1965-yilda ushbu kasallikka qishloq xo'jalik hayvonlarining alohida kasalligi sifatida "Trixodesmotoksikoz" nomi berildi. Kasallik bo'yicha ma'lumotlar darslik va o'quv qo'llanmalarga kiritildi.

H.Z.Ibrohimov tomonidan 1956-1965-yillarda Samarqand viloyati va keyinroq Qashqadaryo viloyatlarida cho'chqalar orasida nafas olishi tezlashishi natijasida o'layogan noma'lum kasallik paytida cho'chqalar ratsionidagi arpa donining qorakuya zamburug'i bilan 3-10 %gacha zararlanganligi, paydo bo'lgan kasallikning esa "Ustilagotoksikoz" ekanligi aniqlandi.

Shunday qilib, Respublikamiz qishloq xo'jalik hayvonlari orasida ommaviy kasallik shaklida uchrab kelayotgan har ikki kasallik, ya'ni "Trixodesmotoksikoz" va "Ustilagotoksikoz" kasalliklari H.Z.Ibrohimov ilmiy rahbarligida tugatilgan.

H.Z.Ibrohimovning hayvonlarning oziqalardan zaharlanish sohasida bajarilgan ilmiy ishlari katta olimlar, sobiq ittifoqqa mashhur fitotoksikolog, professor I.A.Gusin va O'zbekiston fanlar akademiyasi akademigi S.Yu. Yunusovlar tomonidan munosib baholangan.

H.Z.Ibrohimov ilmiy ishlarining yana bir yo'nalishi – qishloq xo'jalik hayvonlarining modda almashinuvi buzilishi kasalliklari hisoblanadi. Olim tomonidan ushbu kasalliklarning aksariat holatlarda yashirin (subklinik) shaklda kechishi aniqlangan. Ularning ertachi tashxis usullari va guruhli profilaktika chora-tadbirlari ishlab chiqilgan.

Professor H.Z.Ibrohimov Rossiya Federatsiyasida xizmat ko'rsatgan fan arbobi, yirik dunyoviy olim, professor I.G.Sharabrin bilan hamkorlikda mahsuldor hayvonlarni kompleks dispanserlash ta'limotini yaratdi va takomillashtirdi.

H.Z.Ibrohimov o'z shogirdlari professor Q.Norboyev, professor B.Bakirov, dotsentlar M.S.Habiyev, M.B.Safarov, E.F.Muxtorov, A.D.Raxmonov va boshqalar bilan ko'p yillik ilmiy-tadqiqot ishlari natijalariga asoslangan holda O'zbekiston sharoitidagi qoramol, cho'chqa, qo'y va echkilarning klinik statusi va modda almashinuvi darajalarining kartogrammalarini ishlab chiqdi. Alimentar osteodistrofiya, Toksik gepatodistrofiya, Ustilagotoksikoz, Trixodesmotoksikoz va boshqa ko'pgina kasalliklarga qarshi kurash tizimini ishlab chiqdi va amaliyotga joriy etdi.

Professor H.Z.Ibrohimov ilmiy sohada o'zi tomonidan hamda shogirdlari bilan birgalikda erishilgan yutuqlar bo'yicha ma'lumotlarni sobiq ittifoq miqyosidagi sohaning mashhur olimlari Rossiya Federatsiyasida xizmat ko'rsatgan fan arbobi, professor I.G.Sharabrin, K.I.Skryabin nomidagi Moskva veterinariya akademiyasining rektori, professor V.M.Danilevskiy va boshqa bir qator yirik olimlar bilan hammualliflikda chop etilgan "Vnutrenniye nezarazno'ye bolezni selskoxozyaystvenno'x jivotno'x" (Moskva, 1991. Uchebnik) darsligining "Kormovo'ye toksikozo'" bo'limiga kiritishga muvaffaq bo'lgan.

H.Z.Ibrohimov 250 dan ortiq ilmiy ishlar, shu jumladan, 2 ta darslik, 4 ta monografiya, 3 ta o'quv qo'llanma va 10 dan ortiq yo'riqnoma, uslubiy qo'llanma, tavsiya va yuzlab ko'rsatmalar chop etishga muvassar bo'lgan yirik olimdan biri edilar.

1965-yilda H.Z.Ibrohimov Respublikada chorva mollarini sog'lomlashtirish sohasidagi ko'p yillik xizmatlari uchun Sobiq Ittifoq qishloq xo'jalik vazirligi tomonidan "Qishloq xo'jalik a'lochisi" medali bilan mukofotlangan.

1977 yilda Hukumatimizning "O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan fan arbobi" faxriy unvoniga sazovor bo'lgan.

Professor H.Z.Ibrohimov ilmiy-ijodiy faoliyatining o'ziga xos asosiy xususiyatlaridan biri – ustoz H.Z.Ibrohimov shogirdni sinchiklab tanlagan, shogirdlarini ilm-fanga nisbatan sodiq qilib tarbiyalagan, ularning o'z ilmiy salohiyatini oshirib borishda tinimsiz shug'ullanadigan mehnatsevar tadqiqodchi bo'lib shakllanishlarining, qolaversa, faoliyatlarida shaffoflik tamoyillarini egallashlarida ularga erinmasdan g'amxo'rlik qiladigan va o'z navbatida, ularga nisbatan doimiy tarzda o'ta adolatli talabchan munosabatda bo'ladigan o'ta odil ustoz siymosidagi buyuk olim darajasiga erisha olgan.

O‘z davrida hukumatimizning rahbarlik lavozimlarida faoliyat ko‘rsatgan taniqli insonlardan O‘zbekiston Respublikasi Oliy Soveti Prezidiumining raisi, professor N.M.Matchonov, O‘zbekiston Respublikasi Ministrlar Sovetining raisi (hozirgi bosh vazir lavozimi) N.Xudoyberdiyev, Samarqand qishloq xo‘jalik institutiga 16 yil davomida rektorlik qilgan taniqli olim, professor R.X.Xayitov, akademik I.X.Irgashev, akademik M.A.Aminjonov, professor D.X.Narziyev, professor M.Parmonov, professor A.D.Dushanov, professor N.D.Davlatov va o‘z davrida sohaning yetakchi namoyondalari hisoblangan boshqa ko‘pchilik olim-pedagog va murabbiylar ustoz Hakim Zohidovich Ibrohimovdan beminnat saboq va oliyjanob tarbiya olganlar.

Bugungi kunda esa bevosita ustoz H.Z.Ibrohimov rahbarligida nomzodlik va doktorlik dissertatsiyalarini himoya qilgan olimlar, professor Q.N.Norboyev, professor B.Bakirov va dotsent M.B.Safarovlar, qolaversa, bugungi kunda veterinariya fanlari nomzodi, dotsent N.B.Ro‘ziqulov rahbarlik qilib kelayotgan “Ichki yukumsiz kasalliklar” kafedrasining ahil jamoasi o‘zlarining ustoz H.Z.Ibrohimov an‘analariga sodiq ekanliklarini yanada yaqqolroq va faolroq namoyon qilish bilan hamohang ravishda universitetimiz rahbariyati tomonidan har tomonlama yetuk veterinariya mutaxassislarini tayyorlash borasida rejalashtirilgan barcha ilmiy-pedagogik va ma‘naviy-ma‘rifiy ishlarning bekamu-ko‘st bajarilishida o‘zlarining munosib hissalarini qo‘shib kelmoqdalar.

“Ichki yukumsiz kasalliklar” kafedra xorijiy hamkorlikni yo‘lga qo‘yish va yanada rivojlantirish borasida Universitetdagi yetakchi kafedralardan biri hisoblanadi. Xususan, professor H.Z.Ibrohimov an‘analarini davom ettirgan holda kafedra tomonidan Tenneze davlat universiteti, Minnesota universiteti, Porto universiteti, Piza universiteti, Padova universiteti, Nitra qishloq xo‘jalik universiteti, Tartu amaliy bilimlar universiteti, Latviya biofanlar va texnologiyalar universiteti, Rossiya xalqlar do‘stligi universiteti, Qozoq milliy agrar tadqiqotlar universiteti, M.Auezov nomidagi Janubiy Qozog‘iston universiteti, Vitebsk davlat veterinariya meditsinasi akademiyasi, O‘sh davlat universiteti, K.I.Skryabin nomidagi Qirg‘iz milliy agrar universiteti, Qirg‘iz-Turk Manas universiteti, Turkmaniston qishloq xo‘jalik instituti va boshqa shu kabi dunyoning yirik oliygohlari bilan ilmiy-pedagogik va hamkorlik aloqalari yo‘lga qo‘yilgan.

Ustozning hayot yo‘li va unda erishilgan har bir yutuq ustozning har bir shogirdi uchun, veterinariya sohasining har bir mutaxassisi, har bir olim va ijodkori uchun, qolaversa, ustozni tanigan har bir chorvador uchun so‘zsiz, ibrat yo‘li bo‘lib xizmat qiladi.



*Q.Norboyev, v.f.d., professor*



*B.Bakirov, v.f.d., professor*



*M.Safarov, v.f.n., dotsent*



*N.Ro'ziqulov, v.f.n., dotsent*

## ТЕРАПЕВТИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРОТИВОМАСТИТНЫХ ПРЕПАРАТОВ В ЛЕЧЕНИИ СУБКЛИНИЧЕСКОЙ И КЛИНИЧЕСКОЙ ФОРМ МАСТИТА ДОЙНЫХ КОРОВ

**Аннотация.** В статье представлены результаты сравнения нескольких ветеринарных противомаститных препаратов «Мастьет Форте» и «Мамикур» в лечении субклинического и клинического маститов. В ходе опыта были применены две схемы лечения. Коров 1-ой и 3-ей опытных групп лечили по традиционной для данного хозяйства схеме: интрацистернальное введение препарата «Мастьет Форте», а для лечения коров 2-ой и 4-ой опытных групп интрацистернально вводили «Мамикур». Эффективность терапии оценивали по клиническим признакам, по реакции на Кенотест и гематологическим показателям. Установлено, что применение препарата «Мамикур» в качестве монотерапии серозно-катарального клинического и субклинического маститов у коров хорошо переносится и дает положительный эффект при интрацистернальном введении в объеме одного шприца-дозатора трехкратно с интервалом 12 часов.

**Summary.** The article presents the results of a comparison of several veterinary anti-mastitis drugs "Mastiet Forte" and "Mamikur" in the treatment of subclinical and clinical mastitis. During the experiment, two treatment regimens were used. Cows of the 1st and 3rd experimental groups were treated according to the traditional scheme for this farm: intracisternal administration of the drug "Mastiet Forte", and for the treatment of cows of the 2nd and 4th experimental groups, "Mamikur" was administered intracisternally. The effectiveness of therapy was assessed by clinical signs, response to Kenotest and hematological parameters. It has been established that the use of the drug "Mamikur" as monotherapy for serous-catarhal clinical and subclinical mastitis in cows is well tolerated and gives a positive effect when administered intracisternally in the volume of one dispensing syringe three times with an interval of 12 hours.

**Ключевые слова:** корова, молочная железа, субклинический мастит, клинический мастит, противомаститный препарат, гематологические показатели, Кенотест.

**Введение.** В структуре болезней коров высокий удельный вес продолжает занимать мастит, имеющий повсеместное распространение и наносящий большой экономический ущерб от снижения продуктивности (10-32 % годового удоя), качества молока, вынужденной выбраковки коров (8-12 %) недополучения приплода [1, 2, 3, 4]. В этиологии мастита ведущую роль играют микробные агенты, которые определяют особенности проявления и течения заболевания. У коров, больных маститом в молоке всегда обнаруживаются патогенные стафи-

лококки, стрептококки, E.coli и др., которые обладают определенной устойчивостью к антимикробным препаратам и создают источник инфекции в молочной железе [5, 6, 7, 8, 9, 10, 11]. Своевременные лечебно-профилактические мероприятия способны снизить уровень заболеваемости молочного стада и избежать экономических потерь от данного заболевания [12].

**Материалы и методы исследования.** Научно-исследовательская работа проводилась на базе МТФ животноводческого комплекса в Московской

Таблица 1. Схема опыта

Группа Животных	Количество голов	Форма мастита	Препарат	Доза препарата	Кратность применения	Контролируемые параметры
Опытная №1	10	Субклиническая	Мастьет Форте	8 г	Каждые 12 часов до отрицательной пробы Кенотест	Гематологическое исследование (до и после лечения), Кенотест
Опытная №2	10	Субклиническая	Мамикур	8 г	Каждые 12 часов до отрицательной пробы Кенотест	
Опытная № 3	5	Клиническая	Мастьет Форте	8 г	Каждые 12 часов до улучшения клин. признаков	
Опытная №4	5	Клиническая	Мамикур	8 г	Каждые 12 часов до улучшения клин. признаков	

Таблица 2.

**Клинические признаки мастита у коров в опытных группах на начало лечения  
противомаститными препаратами**

Признак	Группа №1	Группа №2	Группа №3	Группа №4
Угнетение	3	4	5	5
Покраснение вымени	0	0	5	5
Уплотнение вымени	0	0	5	5
Отечность вымени	3	4	5	5
Болезненность вымени	0	0	5	5
Повышение местной температуры вымени	0	0	5	4
Реакция на Кенотест	10	10	5	5

области. Объектом исследований служили 30 коров черно-пестрой (голштинизированной) породы живой массой 500-550 кг, с удоем 6-7 тыс/год. Из них 20 голов с признаками субклинической и 10 с клинической серозно-катаральной формой мастита. Состояние молочной железы животных определяли клиническими методами по общепринятой методике (Студенцов А.П. с соавт., 2000).

Схема опыта представлена в таблице 1.

Как видно из таблицы 1:

Коров 1-ой и 3-ей опытных групп лечили интрацестернальным введением препарата «Мастьет Форте» в вымя в объеме одного шприца-дозатора трехкратно с интервалом 12 часов.

Для лечения коров 2-ой и 4-ой опытных групп интрацестернально вводили «Мамикур». Препарат вводят в объеме одного шприца-дозатора трехкратно с интервалом 12 часов.

Курс лечения у коров 1-ой и 2-ой опытных групп с субклинической формой мастита продолжали до отрицательной пробы Кенотест.

Курс лечения у коров 3-ей и 4-ой опытных групп с клинической формой мастита продолжали до улучшения клинических признаков и отрицательного Кенотеста.

Диагностика на субклинический мастит. В связи

с тем, что клинические признаки субклинического мастита были слабо выражены или отсутствовали, диагноз ставили при помощи пробы с Кенотестом в соответствии с инструкцией.

**Диагностика на клинический мастит.** Диагноз на клинический серозно-катаральный мастит у коров ставился на основании хорошо выраженных клинических признаков.

**Результаты исследования.** При клиническом исследовании на мастит до начала лечения были следующие клинические признаки, описанные в таблице 2.

При клиническом исследовании животных на второй день лечения были выявлены следующие клинические признаки, описанные в таблице 3.

На второй день лечения при проведении реакции на Кенотест во 2-ой опытной группе с субклинической формой мастита, где применяли противомаститный препарат «Мамикур», достигли отрицательного результата в 80 % случаев заболевших животных, что на 30 % выше, чем в 1-ой опытной группе, где применяли Мастьет Форте. В данной группе выздоровление наступило в 50 % случаев.

При клиническом исследовании на пятый день лечения были следующие клинические признаки, описанные в таблице 4.

Таблица 3.

**Клинические признаки мастита у коров в опытных группах на второй день лечения  
противомаститными препаратами**

Признак	Группа №1	Группа №2	Группа №3	Группа №4
Угнетение	1	0	5	4
Покраснение вымени	0	0	5	3
Уплотнение вымени	0	0	4	4
Отечность вымени	1	0	4	4
Болезненность вымени	0	0	3	3
Повышение местной температуры вымени	0	0	4	2
Реакция на Кенотест	5	2	5	5

Клинические признаки мастита у коров в опытных группах на пятый день лечения  
противомаститными препаратами

Признак	Группа №1	Группа №2	Группа №3	Группа №4
Угнетение	3	2	2	1
Покраснение вымени	0	0	2	0
Уплотнение вымени	0	0	2	1
Отечность вымени	2	0	2	0
Болезненность вымени	0	0	2	1
Повышение местной температуры вымени	0	0	1	0
Реакция на Кенотест	5	0	2	1

Исходя из данных представленных в таблице 4 наиболее выраженный терапевтический эффект наблюдали в 4-ой опытной группе, где применяли препарат Мамикур. В результате пятидневного курса терапии выздоровление наступило в 90 % случаев, что выше 3-ей опытной группы на 10 %, где применяли препарат Маститет форте. Положительную реакцию на кенотест наблюдали у 2 голов в 3-ей группе и у 1 головы в 4-ой.

**Выводы.** Результаты проведенных исследований, свидетельствуют о том, что ветеринарный препарат «Мамикур», относящийся к группе комбинированных антибактериальных препаратов хорошо переносится лактирующими коровами и обладает терапевтическим эффектом при субклинической и клинической серозно-катаральной форм мастита, что подтверждается клиническим обследованием животных и отрицательной пробой с диагностикумом для определения соматических клеток Кенотест.

#### Список литературы

1. Забашта С. Н. Клинико-фармакологическая оценка эффективности комплексной терапии воспаления молочной железы у коров / С. Н. Забашта, М. В. Назаров, Д. Н. Дзамыхова // Сборник научных трудов. – Краснодар: Общество с ограниченной ответственностью «Издательский Дом - Юг», 2018. – С. 217–220.
2. Назаров М. В. Физиология и патология воспроизводства коров // М. В. Назаров, А. Г. Коцаев, В. А. Казаринов. Монография / Краснодар, ФГБОУ ВО Кубанский ГАУ. 2019–192 с.
3. В. А. Париков, Н. Т. Климов, А. И. Романенко [и др.] Мастит у коров // Ветеринария. – 2000. – № 11. – С. 34-35. – EDN UBEKEZ.
4. А. Г. Шахов, В. Д. Мисайлов, А. Г. Нежданов [и др.] Неотложные задачи профилактики мастита у коров // Ветеринария. – 2005. – № 8. – С. 3-7. – EDN OGMSBX.
5. Белкин, Б. Л. Мастит коров / Б. Л. Белкин, В. Ю. Комаров, В. Б. Андреев. – Саарбрюккен : LAP

LAMBERT, 2015. – 113 с. – ISBN 978-3-659-52669-5. – EDN VWTXTZ.

6. Иванюк, В. П. Влияние биохимических параметров крови глубокоствельных коров на иммунобиохимический статус телят / В. П. Иванюк, Г. Н. Бобкова // Известия Оренбургского государственного аграрного университета. – 2020. – № 5(85). – С. 156-160. – EDN FHJNHP.

7. В. П. Иванюк, Л. Ю. Нестерова, О. В. Ильина, М. Н. Германенко. Фармакотерапия акушерских и гинекологических заболеваний у сельскохозяйственных животных: Учебно-справочное пособие для специалистов ветеринарной медицины, аспирантов, магистрантов научно-исследовательских и учебных учреждений/ Луганск: Государственное образовательное учреждение Луганской Народной Республики «Луганский национальный аграрный университет», 2011. – 90 с. – EDN LWBPEF.

8. Sekiya T.A., Yamaguchi S.B., Iwasa Y. Bovine mastitis and optimal disease management: Dynamic programming analysis // Journal of Theoretical Biology Volume 498, 7 August 2020.

9. Safety and efficacy of a mesenchymal stem cell intramammary therapy in dairy cows with experimentally induced Staphylococcus aureus clinical mastitis / Peralta, O.A.a,bEmail Author, Carrasco, C.a, Vieytes, C.a, Tamayo, J.a, Muñoz, I.a, Sepulveda, S.a, Tadich, T.a, Duchens, M.a, Melendez, P.c, Mella, A.d, Torres, C.G.e // Scientific Reports. 2020. Volume 10, Issue 1, 1 December.

10. Круглова, Ю. С. Применение препарата Маститет-форте в терапии субклинического мастита у дойных коров / Ю. С. Круглова, Р. В. Рогов, И. Г. Рязанов // Ветеринария, зоотехния и биотехнология. – 2020. – № 2. – С. 22-27. – DOI 10.26155/vet.zoo.bio.202002003. – EDN ANDEPW.

11. Rudenko P, Sachivkina N, Vatnikov Y, Shabunin S, Engashev S, Kontsevaya S, Karamyan A, Bokov D, Kuznetsova O, Vasilieva E (2021) Role of microorganisms isolated from cows with mastitis in Moscow region in biofilm formation, Veterinary World, 14(1): P. 40-48.

12. Черненко, В. В. Эффективность разных методов диагностики мастита у коров / В. В. Черненко, М. А. Ткачев, Ю. Н. Черненко // Вестник Брянской государственной сельскохозяйственной академии. – 2019. – № 4(74). – С. 39-42. – EDN PLHFNU.



## BALIQLARDA OQSILLAR ALMASHINUVI BUZILISHLARINI OLDINI OLISH

**Аннотация:** Причиной нарушения белкового обмена у рыб, выращиваемых интенсивным способом, являются неправильная подкормка водоемов, несбалансированность питания рыб. Введение пробиотика иннопровет в корм с целью профилактики нарушений белкового обмена у карповых рыб, а также восстановления белкового обмена в организме рыб снижает показатели смертности у них и улучшает рост и развитие рыб, повышает устойчивость к инфекционным заболеваниям.

**Annotation:** The causes of protein metabolism disorders in fish grown in an intensive way are improper fertilization of water bodies, unbalanced feeding of fish. In order to prevent protein metabolism disorders in carp fish and to reconstruct protein metabolism in the fish body, the mixed administration of the innoprovet probiotic in feed can reduce mortality in them and improve growth and development in fish and increase resistance to infectious diseases.

**Kalit so'zlar:** Probiotik, innoprovet, karp, oqsil, gemoglobin, uglevod, vitaminlar, aminokislotalar, moddalar almashinuvi, anomaliya, distrofiya, nekroz, profilaktika.

**Kirish.** Bugungi kunda xalqimizning baliq va baliq mahsulotlariga bo'lgan talabi yanada ortib bormoqda. Shu bois, Respublikamizda baliqchilikni rivojlantirishga katta ahamiyat qaratilmoqda. Mamlakatimizda baliq yetishtirishning ustuvorligi, oziq-ovqat xavfsizligini mustahkamlagan holda, aholini baliq tarkibidagi yuqori sifatli oqsillar bilan ta'minlash imkonini beradi.

Tahlillarga ko'ra, O'zbekiston uchun baliqni iste'mol qilishning minimal me'yor miqdori bir yilda bir kishi uchun 12 kilogrammni tashkil etadi. Bu ko'rsatkich dunyo miqyosida 1 kishi uchun 16,6 kilogrammdir. Tibbiyot nuqtai nazaridan olib qaraganda ham, odam oziq-ovqat ratsionida baliq mahsulotlari bir yilda o'rtacha 12–16 kg ni tashkil qilmog'i lozim, chunki baliq mahsulotlarining bosh miya faoliyatini yaxshilashda, odam organizmidagi moddalar almashinuvi jarayonida ahamiyati nihoyatda katta. Baliq go'shti tarkibida, qoramol, cho'chqa kabi qishloq xo'jalik hayvonlarinikiga to'g'ri keladigan oqsillar bo'lsada, yangi tutilgan baliq go'shti tarkibidagi oqsilning inson organizmi tomonidan hazmlanish darajasi yuqoridir [1].

**Mavzuning dolzarbligi:** Respublikamizdagi aksariyat baliqchilik xo'jaliklarida asosan intensiv usulda o'stirilayotgan, urchitilayotgan baliqlar orasida, moddalar almashinuvi buzilishlari, asosan oqsillar almashinuvining buzulishlari ko'proq uchramoqda, aksariyat hollarda ushbu kasalliklarga e'tibor berilmayabdi. Bu bir guruh kasalliklar bo'lib, turli xil fiziologik holatning izdan chiqishi va patologoanatomik o'zgarishlar bilan xarakterlanib organizm uchun muhim bo'lgan oqsil moddalarni yetishmasligi oqibatida kelib chiqadi. Bunda turli xil aminokislotalarning organizmga ozuqa orqali yetarli miqdorda kelib tushmasligi yoki organizmda yetarli miqdorda sintez qilmasligi oqibatida paydo bo'ladi, buning sababi baliqlarning ratsionlarida oqsilga

boy tabiiy ozuqalar umuman yo'q yoki yetarli miqdorda yetishmasligidandir. Bu kasallikning diagnostikasi va oldini olishning samarali usullari ishlab chiqilmagan. Bu o'z navbatida baliqchilik xo'jaliklarning iqtisodiy imkoniyatlarini pasaytirib yuborish ehtimoli juda yuqori. Buning oldini olish uchun, Respublikamiz iqlimi va mahalliy sharoitlarini va shuningdek ekologik holatni hisobga olgan holda baliqlarning ratsioniga tirik tabiiy vitamanga, organik, anorganik va mineral moddalarga boy ozuqalarni kiritish bilan amalga oshiriladi. Baliqchilik tarmog'ini intensivlashtirishda bunday imkoniyatlar chegaralanganligi sababli ularning ozuqasiga turli xil vitaminli, oqsilga boy organik, anorganik va mineral moddali qo'shimchalar, premiksalar, drojilar, baliq moyi, ko'k massa, hayvonlarning jigari, ko'k o't va boshqalar kiritiladi. Baliqlarni sun'iy oziqlantirishda oqsillar almashinuvi buzilishini oldini olishda ularning ratsioni tarkibi, tuyimligi va biologik aktiv moddalar bilan balanslangan bo'lishi kerak [1, 2, 5, 7].

Oqsillar almashinuvi buzilganda asosan yosh baliqlarda dastlab ishtaxasini pasayganligini ko'rish mumkin. Kasallik surunkali kechganda uzoq vaqt davomida (1,5 oy yoki bundan ko'p vaqtdan keyin) klinik belgilar namoyon bo'la boshlaydi. Baliqlar o'sish va rivojlanishdan ancha orta qoladi, oqsillar baliq organizmida kamayib yoki ko'payib ketishi mumkin. yetishmasligi karp, daryo va afrika laqqa baliqlarida odatda ishtahani yo'qolishi, ko'z kataraktasi, o'sishdan qolishga olib keladi. Afrika laqqa baliqlarida oqsillarning almashinuvi buzilganda oshqozonda turli xil anomaliyalarga (oshqozon devorining qalinlashishi, oshqozon yarasi va nekroziga) sabab bo'ladi va baliqlarni o'sishdan qolishga olib keladi. Organizmda almashinmaydigan aminokislotalarni ortib ketishi yoki ularni nisbatining buzilishi jigarning yog'li distrofiyasiga olib keladi [3, 8, 10].

Oqsillar yetishmaganda jigar, yurak, buyrak va boshqa hayotiy ahamiyatga ega organlarida distrofik o'zgarishlarni namoyon bo'lishiga olib keladi [4, 11, 13, 14].

Oqsillar almashinuvi buzilishining oldini olishda balanslashmagan ozuqa bilan baliqlarni boqishga yo'l qo'ymaslik kerak. Qishda baliqlarni kam energiya hosil qiliuvchi ozuqa bilan boqish va 5-7 °C suvda saqlash tavsiya etilmaydi. Qish oylarida baliqlarni iliq suvda saqlash va fiziologik holatini va oziqlanishini muntazam ravishda kuzatib borish kerak. Baliqlarni suv harorati 4 °C dan pastga tushganda transplantatsiya qilish tavsiya etilmaydi. Agar oqsil almashinuvi buzilishi sodir bo'lsa, baliqlar to'liq balanslashgan ozuqa bilan ta'minlanadi [9, 10].

Qo'shimcha ravishda yog' (6% gacha) xususan baliq yog'I, o'simlik moylari (makkajuxori boshqalari) yoki fosfatidlardan foydalaniladi. E va A vitaminlari, qo'shimcha stresslar mavjud bo'lganda C vitamini qo'shiladi. Organizmdagi Na va Ca ionlarini muvozanatini tiklash uchun 10 kun davomida ratsionga NaCl va CaCl<sub>2</sub> qo'shiladi (1-2 % miqdorda) [6, 12, 14].

Baliqlarni sun'iy oziqlantirishda gipovitaminolarning oldini olish maqsadida ularning ratsioni tarkibi, to'yimligi va biologik aktiv moddalar bilan balanslangan bo'lishi kerak. Karp turdagi baliqlarda vitaminlarning miqdori kunlik ehtiyoji 1 kg ozuqa hisobida quyidagicha, mg hisobida: vitamin A – 20–2000 H.B, tiamin – 0,15 mg, riboflavin 0,2–10 mg, inozitol – 200–300 mg, vitamin C – 20 mg, vitamin E – 70–100 mg [12, 14].

Hovuz baliqlarini o'stirish me'yorini bilish lozim, shuningdek, ularning zichligini ham tartibga solish, suv havzalaridagi tabiiy ozuqa manbaini (suv o'simliklarini) inobatga olish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Agarda, tabiiy ozuqalar yetishmasa, yangi o'rilgan o'tloq o'simliklar berib sun'iy ozuqaga o'tishini oldini olish. Baliqlar uchun ayniqsa, kunjara va shrotlarni bermaslik (ularning tarkibida zaharli modda bo'lgan gossypol ko'p saqlanadi) lozim [8, 11].

**Olingan natijalar va ularning tahlili.** Ilmiy tajribalar Samarqand viloyati Kattaqo'rg'on tumanidagi "Aminjon Faruxbek" baliqchilik fermer xo'jaligida uch oylik karp baliqlari segoletkalarida amalga oshirildi. Tajribadagi baliqlar tana vazni, qonning biokimyoviy ko'rsatkichlari va ularda patologoanatomik o'zgarishlar tahlil qilinib borildi.

Qondagi gemoglobin miqdori portativ gemoglobinometr (Apel HG-220) yordamida, umumiy oqsil miqdori RNC – refraktometri yordamida aniqlandi.

Baliqlarda oqsillar almashinuvi buzilishining oldini olish maqsadida o'tkazilgan tajribada baliqlar to'rt guruhga bo'linib, bunda 1-guruh tajriba, 2-guruh tajriba 3-guruh tajriba va 4-guruh nazorat guruhlariga ajratilib chiqildi. Tajribalar 90 kun mobaynida olib borildi. Har bir guruhga 500 boshdan baliqlar ajratib olindi.

1-tajriba guruhidagi baliqlarga xo'jalikda mavjud bo'lgan ozuqa tarkibiga "ProBioKorm" universal probiotigi 2,5% miqdorda ozuqaga aralastirgan holda bir kunda uch marotabadan berilib borildi.

2-tajriba guruhidagi baliqlarga xo'jalikda mavjud bo'lgan ozuqa tarkibiga "Baktovit" probiotigi 0,1% miqdorda ozuqaga aralastirilgan holda bir kunda uch mahal berilib borildi.

3-tajriba guruhidagi baliqlarga esa ozuqa tarkibiga "Innoprovet" probiotigi 0,1% miqdorda ozuqaga aralastirib bir kunda uch mahaldan oziqlantirish jarayoni olib borildi.

4-guruh nazorat guruhidagi baliqlarga xo'jalikda mavjud bo'lgan ozuqalardan kuniga uch mahaldan berildi.

Tajriba davomida barcha tajriba va nazorat guruhlarida havza suvini tarkib jihatidan boyitish maqsadida har 15 kunda bir marta o'g'itlash ishlari olib borildi.

Tajriba va nazorat guruhidagi baliqlardan har 30 kunda namuna sifatida 50 tadan ovlanib baliqlarning o'sish va rivojlanishi, ozuqalarni qabul qilishi, qonining biokimyoviy ko'rsatkichlari aniqlandi.

**Olingan natijalar va ularning tahlili.** O'tkazilgan ilmiy tadqiqotlar davrida baliqlarning o'lim ko'rsatkichi aniqlab borildi. Tajriba yakunida tajriba va nazorat guruhidagi baliqlar ovlanib ularning o'sish va rivojlanishi, qonining ayrim biokimyoviy ko'rsatkichlari va baliqlardagi patanatomik o'zgarishlar o'rtasidagi farqlar taqqoslandi.

Natijalarga ko'ra xo'jalikda tashkil etilgan tajriba va nazorat guruhlaridagi baliqlarning o'rtacha tana vazni tajriba boshida o'rtacha 7 kg ni tashkil qilgan bo'lsa bir bosh baliqning o'rtacha tana vazni 140 g dan to'g'ri keldi.

Ilmiy tajribalarimiz so'ngida (90 kundan keyin) o'tkazilgan tekshiruvlar natijasida nazorat guruhida namuna sifatida ovlangan 50 bosh baliqlarning o'rtacha tana vazni 26,2 kg ni tashkil qildi. Bir bosh baliqning o'rtacha tana vazni 524 g dan to'g'ri keldi.

1-tajriba guruhidagi baliqlarning o'rtacha tana vazni 35 kg tashkil qilgan va bir bosh baliqning o'rtacha tana vazni 700g dan to'g'ri keldi.

2-tajriba guruhidagi baliqlarning tana vazni o'rtacha 37 kg tashkil qilgan va bir bosh baliqning o'rtacha tana vazni 740 g dan to'g'ri keldi.

3-tajriba guruhidagi baliqlarning o'rtacha tana vazni 42 kg tashkil qilgan va bir bosh baliqning o'rtacha tana vazni 840 g dan to'g'ri keldi.

O'tkazilgan tajribalar davrida nazorat guruhidagi baliqlar orasida 10% o'lim holati va 60 % baliqlarda o'sish va rivojlanishdan orta qolishi, 13% baliqlarda ichki azolar atrofida yog'ning to'planishi, tana rangining qorayganligi, bosh suyagini egrilanishi, suzgich aparatini sinuvchanlik darajasini ortishi, ko'z olmasining xiralashuvi, terida va ko'z qovog'ida qon quyilishlarning mavjudligi aniqlandi.

1-tajriba guruhidagi baliqlar orasida 8% o'lim holati kuzatildi 34 % baliqlarda o'sish va rivojlanishdan ortda qolish, 4% baliqlarda ichki azolar atrofida yog'ning to'planishi, tana rangining qorayganligi suzgich aparatini sinuvchanlik darajasini ortishi aniqlandi.


2-tajriba guruhidagi baliqlar orasida 9% o'lim holati kuzatildi, 37 % baliqlarda o'sish va rivojlanishdan qolish, 5% baliqlarda ichki azolar atrofida yog'ning to'planishi, tana rangining qorayganligi, ko'z olmasining xiralashuvi, suzgich aparatini sinuvchanlik darajasini ortishi aniqlandi.

3-tajriba guruhidagi baliqlar orasida 3% o'lim qayd etildi, 20% baliqlarda o'sish va rivojlanishdan qolish kuzatildi va oqsillar almashinuvi buzilishiga xos klinik va patanatomik o'zgarishlar 2% baliqlarda aniqlandi.

Tajriba va nazorat guruhlaridagi baliqlarning qonidagi ayrim biokimyoviy ko'rsatkichlari tekshirildi.

Tajriba boshida nazorat guruhidagi karp baliqlarida tajribalarning boshida umumiy oqsil miqdori o'rtacha 21,2±1,02 g/l, gemogloblin – 66,27±3,43 g/l, 1-tajriba guruhidagi karp baliqlarida esa umumiy oqsil o'rtacha – 21,2±1,24 g/l, gemogloblin – 67,01±3,25 g/l, 2-tajriba guruhidagi karp baliqlarida esa umumiy oqsil o'rtacha – 20,93±1,23 g/l, gemogloblin – 69,9±3,45 g/l, 3-tajriba guruhidagi karp baliqlarida esa umumiy oqsil o'rtacha – 20,88±1,17 g/l, gemogloblin – 67,91±3,185 g/l ni tashkil qildi.

Tajribaning oxirida nazorat guruhidagi baliqlar qonida umumiy oqsil miqdori o'rtacha 28,33±1,83 g/l, gemogloblin – 67,99±3,88 g/l, 1-tajriba guruhidagi karp baliqlarida esa umumiy oqsil – 37,59±2,2 g/l, gemogloblin – 73,33±3,99 g/l, 2-tajriba guruhidagi karp baliqlarida esa umumiy oqsil – 34,97±2,1 g/l, gemogloblin – 71,78±3,98 g/l, 3-tajriba guruhidagi karp baliqlarida esa umumiy oqsil – 39,8±2,5 g/l, gemogloblin – 74,67±4,15 g/l ni tashkil qildi.



**1-rasm. Tajribadagi baliqlarning gematologik ko'rsatkichlari**

O'tkazilgan tajribalar natijasida nazorat va tajriba guruhlardagi baliqlarni klinik va gematologik ko'rsatkichlarini taqqoslaganimizda 3- tajriba guruhida sezilarli darajada boshqa guruhlariga nisbatan yuqori ekanligi aniqlandi.

Innoprovit probiotigini baliqlarda oqsillar almashinuvi buzilishi kasalliklarini oldini olishda samaradorligi yuqori ekanligi ilmiy tajribalarda aniqlandi.

**Xulosalar.** Karp zotiga mansub baliqlarda oqsillar almashinuvi buzilishlarini profilaktika qilish hamda moddalar almashinuvini qayta tiklash maqsadida qo'llanilgan Innoprovit probiotigini ozuqaga aralastirgan holda berish baliqlar o'lim ko'rsatkichlarini, oqsillar almashinuvi buzilishiga xos klinik va patanatomik belgilarining kamayishini ta'minlaydi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

- Aslonova, M. A., Toshmurodov, S. S., & Eshburiyev, S. B. (2023). SUV TARKIBI VA MUHITINI O'ZGARTIRUVCHI OMILLAR TA'SIRIDA BALIQLARDA KELIB CHIQADIGAN KASALLIKLAR. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 16(4), 59-66.
- Eshburiyev, S. B., Qarshiyev, U. T., & Yusupova, Z. (2022). Prophylaxis of mineral metabolism disorders in rabbits. *Agrobiotexnologiya va veterinariya tibbiyoti ilmiy jurnali*, 399-402.
- Sobir, E. (2016). Etiopathogenesis and symptoms of vitamin-mineral metabolism violation in cows. *International Journal of Applied Research*, 2(6), 265-267.
- Karshiev, U. T., Eshburiyev, S. B., & Yusupova, Z. M. Etiopathogenesis of Calcium-Phosphorus Metabolism in Rabbits. *International Journal of Current Science Research and Review. ISSN*, 2581-8341.
- Daminov, A. S., Nasimov, S. N., Gerasimchik, V. A., Eshburiyev, S. B., & Qurbonov, F. I. (2022). Baliq kasalliklari.
- Eshburiyev, S. B., Kasimov, S. J., & Aslonova, M. A. (2023). Causes and symptoms of protein metabolism disorders in fish. In Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences (Vol. 2, No. 1, pp. 55-63).
- Габеева А.Р. «Хозяйственно- биологические особенности зеркального карпа» Владикавказ. Диссертация 2018.
- Norboev, K. N., Rakhmonov, U. A., Ruzikulov, N. B., & Eshburiyev, S. B. (2022). Effectiveness of Vitaprem and Probiotic Bio-3s in Group-Prophylaxis of Hens' Hypovitaminoses. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 9(11), 308-314.
- Абрамов В.Ф., Н.Б. Ананева "Болезни рыб и пчёл", Тираспол 2015.
- Вавилова Н.И. "ИХТИОПАТОЛОГИЯ" Методическое пособие по выполнению лабораторных работ Саратов 2016.
- Хусенов С.К., Д.С. Ниязов. "Баликчилик" Тошкент – 2013 й.
- Головина Н.А., Ю.А.Стрелков, В.Н.Воронин. "Ихтиопатология" 2003.
- Eshburiyev S. B., Qasimov S. J SPREAD OF DISEASES OF METABOLISM DISORDERS IN FISH «ПЕРСПЕКТИВНЫЕ ЗАДАЧИ РАЗРАБОТКИ И ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ВЕТЕРИНАРИИ И ЖИВОТНОВОДСТВЕ» международная научно-практическая конференция 14-15 октябрь/ 2022.
- Eshburiyev Sobir Bakhtiyorovich, Kasimov Saifiddin Jahongir Ugli (2023). DIAGNOSIS OF PROTEIN METABOLISM DISORDERS IN FISH American Journal Of Agriculture And Horticulture Innovations (ISSN – 2771-2559) VOLUME 03 ISSUE 05 Pages: 04-12.

## TUXUMNING SIFATIGA VETERINARIYA SANITARIYA JIHATDAN BAHO BERISH

**Аннотация:** В данной статье приведены литературные данные о качественных показателях яиц кур мясного направления в птицеводческих хозяйствах и приусадебных хозяйствах.

**Annotation:** This article provides literature information on quality indicators of eggs of poultry farms and domestic chickens in the direction of eggs, meat-eggs.

**Kalit soʻzlari:** parrandachilik, tuxum, oqsil, sariq, poʻchoq, diametr, shtangensirkul, indeks, ovoskop va inkubator.

**Mavzuning dolzarbligi.** Respublikada parrandachilikni yanada rivojlantirish va har tomonlama qoʻllab-quvvatlash, sohaga ilgʻor texnologiyalar va innovatsion ishlanmalarni joriy etish, parranda mahsulotlarini qayta ishlashni chuqurlashtirish, ularning turlari va eksport koʻlamini kengaytirish maqsadida Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2018-yilning 13-noyabrda “Parrandachilikni yanada rivojlantirish boʻyicha qoʻshimcha chora-tadbirlar” toʻgʻrisidagi PQ-4015-son qarori qabul qilinib, qarorda parrandachilikni yanada rivojlantirishning ustuvor vazifalari belgilab berilgan [1].

Respublikada, parrandachilikni rivojlantirish, ishlab chiqarishga intensiv texnologiyani keng joriy yetish boʻyicha keyingi yillarda olib borilayotgan ishlab chiqarish hajmlari sezilarli darajada koʻpayib, ichki isteʼmol bozorlarida parrandachilik mahsulotlari narx-navolarining barqarorligi taʼminlanmoqda.

*Oziq-ovqat xavfsizligini barqaror taʼminlashda parrandachilikni rivojlantirish alohida ahamiyatga egadir. Parrandachilik chorvachilikning tez daromad beradigan sohalaridan biri boʻlib, aholini parhez goʻsht va tuxum mahsulotlari bilan taʼminlash imkonini beradi. Parrandachilikni yetti xazinaning biri, deb bejiz aytishmagan [2].*

**Muommoning oʻrganilganlik darajasi.** Tuxumning sifati kompleks belgilar boʻyicha baholanadi. Bu belgilardan asosiy lari: tuxumning vazni, shakli, uni tashkil qilgan qismlarining bir-biriga nisbati, oqsil va sarigʻining balandligi, poʻchogʻining qalinligi hamda pishiqligi. Tuxumning sifati aniqlash uchun quyidagi usullardan foydalaniladi: tashqi koʻrinishini koʻzdan kechirish, ogʻirligini tortish, kattaligini oʻlchash, nur manbai (ovoskop) da yoritib koʻrish va tuxumni yorib koʻrish [3].

Tuxumning tashqi koʻrinishini koʻzdan kechirishda uning shakli va poʻchogʻining xolatiga ahamiyat beriladi. Tuxumning shakli, katta-kichikligi, diametrlarining oʻzaro nisbati yoki % da ifodalanadigan indeks

bilan taʼriflanadi. Toʻgʻri shakldagi tuxum choʻzinchoq boʻlib, aylanasining katta va kichik radiuslari 1,32 nisbatga ega boʻlib, shaklining indeksi 76 % ni tashkil qiladi. Haddan tashqari choʻziq tuxumning diametrlari nisbati 2 ga teng boʻlib, shaklining indeksi 50 % ga yaqin keladi. Aylana shaklidagi tuxum diametrlarining nisbati 1 ga yaqinlar boʻlib, shaklining indeksi 50 % ga yaqin keladi. Aylana metrlarining nisbatini aniqlash uchun shtangensirkul bilan tuxumning katta va kichik diametrlari oʻlchanadi va ularning nisbati hisoblab chiqariladi [3].

Tuxum shaklining indeksini aniqlash uchun maxsus asbob-indeksomer IM — 1 dan foydalaniladi.

Oʻrganiladigan tuxum ish maydonchasiga - asbobning laganchasiga oʻrnatilib, asbobning xarakatsiz tayanch qismiga qistiriladi. Tuxumning diametral maydoni xarakatsiz tayanchlardan biriga tegib turishi va boshqasiga nisbatan tik turishi kerak. Tuxumni bir qoʻl bilan xarakatsiz tayanchga tekizib ushlab turib, ikkinchi qoʻl bilan asboblarning xarakatli tayanchlari tuxumga tekizdiriladi va indeks koʻrsatkichlari aniqlanadi. Zaruriyat boʻlganda shu asbobning xarakatchan tayanchlari yaqinida joylashgan koʻrsatkichlar bilan tuxumning katta va kichik diametrlarini xam oʻlchasa boʻladi.

Tuxum poʻchogʻi toza va silliq chatnamagan, oʻsinqisiz va chuqurchasiz boʻladi. Poʻchogʻining tiniq rangi mutsin pardasining buzulmaganligidan va tuxumning nisbatan yangiligidan darak beradi. Notoʻgʻri shakldagi, poʻchogʻi shikastlangan yoki kirlangan, shu bilan birga ikkita sariqlikka ega boʻlgan tuxum inkubatorida ochirish uchun yaroqsizdir. Yuqorida koʻrsatilgan nuqsonlar birgina inkubatsiyaga yaroqsizligina emas, baʼlki oziq-ovqat sifatida isteʼmol qilishda tovar sifatini xam yomonlashtiradi. Shu sababli parrandachilik xoʻjaliklarida shakli va poʻchogʻining rangi bir xil, sirti toza, tekis va sinmagan tuxum yetishtirishga xarakat qilinadi [3].

Tuxumning vazni 0,1 g aniqlikda ishlaydigan VLTK — 500 tipidagi tarozilarda tortib aniqlanadi. Inkubatsi-

ya uchun parrandaning turi, zoti yoki liniyasiga xarakterli vazndagi tuxumlar tanlanadi. Mayda va haddan tashqari yirik tuxumlar inkubatsiya uchun yaramaydi. Inkubatsiyaga yaroqli tuxumlar ulardan ochib chiqadigan jo'jalardan foydalanish maqsadlariga qarab kichik vazni turlicha bo'lishi mumkin.

Tuxumlarni nur manbai (ovoskop) da yoritib, ularning po'chog'ida ko'z bilan ko'rinmaydigan nuqsonlar aniqlanadi. Tuxumning uchli qismi qo'l bilan ushlanib, o'tmas tomoni nur manbaiga tutuladi. Bu xolda tuxum po'chog'ining butunligi, rangining bir tekisligi, havo bo'shlig'ining joylashishi, tuxum sarig'ining rangi va tuxumni tashkil etuvchi qismlarning xolatiga alohida ahamiyat beriladi. Nur manbaida ko'rilgan tuxum po'chog'ida nozik chiziqli yoriq aniqlanishi mumkin, bu tuxumning inkubatsiya uchun yaroqsizligini bildiradi.

Tuxum po'chog'i sifatini tasvirlovchi ko'rsatkich uning mramorligi hisoblanadi. Tuxum po'chog'i yoritilganda uning yuzasida qoramtir va yorug' qismlarning birin-ketin joylashganligi ko'rinadi. Bu tuxum po'chog'ida organik moddalarning bir tekisda joylashmaganligi natijasidir. Tuxum po'chog'i ning bu qismlari turlicha namlikka ega bo'lib, turlicha soya beradi. Po'chog'i mramorli tuxumlar xam ularni inkubatsiya uchun yaroqsizligini ko'rsatadi. Ovoskop orqali ko'rilganda odatda tuxumning o'tmas oxirida havo bo'shlig'i dumaloq qoramtir dog' ko'rinishida ko'zga tashlanadi. Agar u tuxumning o'rta yoki uch qismida tursa bunday tuxumlar nuqsonli hisoblanib inkubatsiya uchun yaramaydi [3].

Tuxumlarda ko'p uchraydigan nuqsonlardan yana biri havo bo'shlig'ining po'choq ostiga ko'tarilishi bo'lib, tuxumni aylantirganda u ham aylanaveradi. Bu xol po'choq osti va oqsil usti pardalarining buzulishi natijasida yuzaga keladi [4].

Havo bo'shlig'ining kattaligi (diametri va balandligi) tuxumni saqlash muxlatiga bog'liq bo'lib, yangi tug'ulgan tuxumda havo bo'shlig'i bo'lmaydi. Tuxumni saqlash davrida uning ichidagi moddalarning bug'lanishi natijasida havo bo'shlig'i kattalashadi. Yangi tuxumda uning balandligi 3 mm, diametri 17 mm bo'ladi. Ikki xaftadan ortiq saqlangan tuxumda havo bo'shlig'ining balandligi 7 mm va diametri 25—30 mm gacha kattalashadi. Ovoskopda ko'rilganda havo bo'shlig'ining chegarasini qalam bilan chizib, uning balandligi va diametri ni shtangensirkul bilan o'lchash mumkin.

Havo bo'shlig'ining balandligini shtangensirkulning markaziy o'qini chegarasiga yetkazib, shtangensirkulning chetini esa markazi darajasida ushlab aniqlash mumkin. Havo bo'shlig'ining balandligi va diametri ni esa kartonga yopishtirilgan millimetrlig qog'ozdan yasa-

lgan maxsus trafaret yordamida aniqlasa bo'ladi [3].

**Аннотация.** В статье изучена эффективность использования антгельминтиков при лечении цестодоз у коз с использованием препарата Албен-праз Китайского и Монизен Российского производства.

**Summary.** The article studied the effectiveness of the use of anthelmintics in the treatment of cestodiasis in goats using the drug Alben-praz of China production and Monizen of Russian production.

**Калит сўзлар:** *Moniezia expansa*, *Moniezia benedeni*, *Moniezia autumnalia*, цестод, гельминт, мониезия, сколекс, бўгин, албендазол, монезин.

**Мавзунинг долзарблиги.** Жуда кўпчилик хорижий ва маҳаллий адабиётларда, ҳатто олий таълим муассасалари учун яратилган паразитология фани дарсликларидида кўзи ва улоқларни яйлов шароитида *M.expansa* билан баҳор ва ёзда, *M.benedeni* билан эса, асосан, кузда зарарланиши кўрсатилган. Бизларнинг кўп йиллик тадқиқотларимизда эса бундай эпизоотологик ҳолат кузатилмади, ҳар бир тур мониезияларни ҳар бир мавсумида учратиш мумкин, чунки Ўзбекистон шароитида кўпчилик орибатид каналари турлари, юкорида кўрсатилгандек, ҳар иккала мониезиялар учун оралик хўжайин ҳисобланади ва улар бир хил экологик шароитда яшашга ва кўпайишга мослашган. Мониезиозга асосан 1,0-1,5 ёшгача бўлган ёш кўзи, улоқлар чалинади. Барча мониезиялар турлари билан ҳайвонларни йилнинг барча мавсумларида зарарланганлиги кузатилади.

Мониезиоз кўзгатувчиларидан *M.expansa*, *M.benedeni* барча МДХ ҳудудида тарқалган, аммо улар Марказий Осиё давлатларининг барча минтақаларида кўпроқ учрайди. Бизларнинг тадқиқотларимизда мониезиозга (*M.expansa*) носоғлом бўлган хўжаликларда унга чалиниш ёш кўйларда 60 фоизгача, эчкиларда 32 фоизгача кўтарилади. Мониезиоз билан зарарланган 5 ойлик улоқларнинг ичагида 5,5 м гача узунликдаги мониезиялар топилди, улар туфайли Қашқадарё вилояти шароитида нобуд бўлган улоқларнинг ингичка ичагида 28 нусхагача вояга етган ва етмаган мониезияларнинг паразитлик қилиши аниқланди.

Эндигина туғилган улоқлар яшил ўтлар билан озикаланишга ўтиши билан, яъни тахминан 3 ҳафталигидан бошлаб мониезиозга чалина бошлайди, шунга кўра ёши икки ойдан ошиши билан уларнинг тезаги билан мониезияларни етилган

бўгинлари ажралиб туша бошлайди, уч-тўрт ойлик улоқларда у кўпроқ кузатилади. Мониезиозга она сутига тўймаган улоқлар бир ҳафта-10 кундан сўнг ўтлашга мажбур, она сутига тўйиб юрган улоқлар анча кеч яйлов ўтидан фойдалана бошлайди. Шунга кўра мониезиоз илк бор -2 -3 ойлик улоқларда учрайди. [1;2]

Мониезиознинг клиник белгиларининг ифодаланиши ҳайвонлар ёшига, кўзгатувчиларнинг турига, сонига боғлиқ ва у барча ҳолатларда, ичакнинг ҳажми тор бўлганлиги сабабли ёш кўзи ва улоқларда оғир кечади. Катта ёшдаги ҳайвонлар унга кам чалинади ва уларда касаллик енгил кечади. Ҳайвон тезагида мониезийнинг етук бўгинлари кўринишидан 10-15 кун аввал касал эчкиларда лоҳасланиш, ланжлик, ориқлаш, иштаҳасизланиш белгилари бўлади. Бундай ҳолатда тезак суюқлашиб, шиллик билан қопланган бўлади. 10-15 кун вақт ўтиши билан эса клиник белгилар янада ёрқин ифодаланиб, улоқларнинг ичи ўтади, кучсизланиб ўзоқ ётади. Уларнинг тезаги суюқлашиб, қорамтир ер рангида бўлади ва шиллик, қон аралаш ажралиб, танасининг орқа қисми, дум атрофини ва сонининг ички юзасини ифлослантиради. Агарда инвазия интенсивлик юкори бўлса эчкилар ичаги деворининг ёрилиб кетиши яъни перитонит рўй беради. Мониезиозни бундай ҳолатларда кечишида ташқи кўринишдаги соғлом кўринган кўзи ва улоқ ҳам бир неча соат ичида нобуд бўлиб қолади. [3;4]

Юкоридагиларни инобатга олиб мониезиоз касаллигини олдини олиш ва даволашда кўплаб антгельминтиklar синаб кўрилган ва амалиётга тавсия этилган. Уларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Ўзбекистон ҳудудига хусусий ветеринария дорихоналари орқали мониезиоз ва бошқа ичак цестодозларига қарши қўлланиладиган турли

фирмаларда ишлаб чиқилган дори воситалари келтирилмоқда. Мониезиозга қарши таркибида празеквантел сақловчи антгельминтик дори воситалирини қўллаш яхши самара беради. Бундай антгельминтиklarга бронтел плюс (1 мл таркибида 50 мг клозантель, 50 мг празиквантел), албен-праз (1 мл таркибида 50 мг албендазол, 50 мг празиквантел), ивер-праз (1 мл таркибида 2 мг ивермектин 50 мг празиквантел), Монизен (1 мл таркибида 40 мг празиквантел 1,7 мг ивермектин) монезол (1 мл таркибида 2 мг ивермектин, 40 мг празиквантел) ва бошқалар киради. [4;5]

Кейинги йиллардаги бизларнинг тадқиқотларимиз бўйича эчкиларда мониезиоз ва авителлиноз *Moniezia expansa*, *Moniezia benedeni*, *Avitellina centripunctata* лар учраб эчкичилик хўжалиklarига катта иктисодий зарар келтирмоқда. Шуларни эътиборга олган ҳолда уларга қарши курашни кучайтириш, янги такомиллашган усулларни ишлаб чиқиш давр талаби ҳисобланади. [6]

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Эчкиларни ичак цестодозларини даволаш, уларни олдини олишни такомиллаштириш бўйича тажрибалар ўтказилди. Дала тажрибалари Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманидаги “Хайдар Қурбон Хайит” эчкичиликка мослашган чорва фермер хўжалигида олиб борилди. Тадқиқот учун табиий зарарланган 30 бош эчкилар ажратиб олиниб аналог қоидаларига асосан 3- гуруҳга бўлинди. 1- гуруҳдаги мониезиоз билан зарарланган эчкиларга Хитойда ишлаб чиқарилган албен-праз (1 мл таркибида 50 мг альбендазол, 50 мг празиквантел) суспензиясидан 10 кг тирик вазнига 1 мл ичирилди. 2 – гуруҳдаги эчкиларга Россияда ишлаб чиқарилган монизен суспензияси (1мл таркибида 40 мг празиквантел, 1,7 мг ивермектин) дан ҳар бир эчкининг 10 кг тирик оғирлигига 1мл дан оғиз орқали ичирилди. 3-гуруҳ назорат гуруҳи ҳисобланиб бу гуруҳга антгельминтик дори воси-

талири берилмади улоқлар кунлик рацион асосида озиклантириб борилди.

**Тадқиқот натижалари.** Эчкиларнинг ичак цестодозларида антгельминтиklarни самарадорлиги аниқлаш мақсадида антгельминтик дори воситалари берилгандан 24 соат ўтгандан сўнг тажрибадаги эчкиларга халта боғла-ниб тезак намуналари йиғиб олиниб гельминтокопрологик текширув усуллари-дан кетма-кет ювиш ва Фюллеборн усулларида текширувдан ўтказилди.

Эчкиларнинг ичак цестодозларига қарши албен-праз, монизен антгельминтиklarини самарадорлигини ўрганиш натижалари 1- жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики биринчи гуруҳ албен-праз антгельмин-тиги берилган эчкиларда 24 соат ўтгандан сўнг 10 соат давомида халта боғлаб, йиғилган тезаклари текширилди. Биринчи тажриба гуруҳидаги эчкиларнинг йиғилган тезак намуналари текширилганда 9 бош эчкиларнинг тезак намуналарида ичак цестодозларининг бўғинлари топилмади, 1 бош эчкида *Moniezia expansa* кўзгатувчисининг бўғинлари борлиги аниқланди. Албен-праз антгельминтигининг самарадорлиги 90 фоизни ташкил этди. 2-гуруҳдаги монизен суспензияси берилган эчкиларда ичак цестодозлари кўзгатувчиларининг бўғинлари ва тухумлари топилмади. Монизен антгельминтигининг самарадорлиги 100 фоизни ташкил этди. Назорат гуруҳидаги 10 эчкилар 24 соат ўтгандан сўнг 1 фоизли мис купороси билан гельминтсизлантириб халта боғлаб йиғилган тезак намуналари текширилганда эчкиларнинг барчасидан мониезияларнинг ажралиб тушганлигини гувоҳи бўлдик.

**Хулоса.** Антгельминтик дори воситаларидан Хитойда ишлаб чиқарилган албен-праз препаратининг цестодларга таъсир этиш самарадорлиги 90 фоизни, Россияда ишлаб чиқарилган монизен препарати эчкиларнинг ичак цестодозларига

1-жадвал.

Эчкиларнинг ичак цестодозларида антгельминтиklarнинг самарадорлигини ўрганиш натижалари

Гуруҳлар	Ҳайвон бош сони	Дори номи	Қўлланилиш дозаси	Дорининг гельминтларга таъсири	Дорининг самарадорлиги, фоизда
1-гуруҳ	10	Албен-праз	10 кг тана оғирлигига 1 мл миқдорида	9 бош эчкида мониезия кўзгатувчиларининг бўғинлари ва тухумлари топилмади	90 %
2-гуруҳ	10	Монизен	10 кг тана оғирлигига 1 мл миқдорида	Ичак цестодозларининг бўғинлари ва тухумлари топилмади	100 %



**“Хайдар Қурбон Хайит” эчкичиликка мослашган чорва фермер хўжалигида эчкиларни  
гельминтсизлантириш жараёни**

қарши қўлланилганида 100 фоиз самара бериши аниқланди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Салимов Б., Тайлоқов Т., Қурбонов Ш. **Йирик ва майда шохли ҳайвонларнинг ичак цестодозларини ўрганишнинг аҳамияти.** // Гельминтологиянинг долзарб муаммолари. Термиз, 2014. 48 б.
2. Б.Салимов., Тайлоқов., Қурбонов Ш. **О Распространении кишечных цестод овец и крупного рогатого скота в условиях Узбекистана.** // “Regional innovation systems in agriculture” СамҚХИ 2015.С.294.
3. Б.Салимов., Тайлоқов., Қурбонов Ш. **Кўйларнинг ичак цестодозлари кўзга тувчилари тўғри-сида баъзи янги маълумотлар.** // “Ҳайвонлар ва пар-

рандаларда ўта хавfli касалликларнинг тарқалиши ва уларга қарши курашиш чоралари” мавзусидаги бешинчи халқаро конференция маърузалари материаллари тўплами. ВИТИ, Самарқанд, 2016. 362-365 б.

4. Тайлоқов Т.И. **Эчкиларнинг ичак цестодозларини даволашда антгельминтикларни синондан ўтказиш.** // Ветеринария медицинаси журнали. Тошкент, 2018. №12. -Б. 18-20.
5. Юнусов Х.Б., Тайлоқов Т.И. **Эчкилар мониезиозини даволашда антгельминтикли минерал туз-ли яламани қўллаш.** // Ветеринария медицинаси. Тошкент, 2022 йил №8. -Б. 12-13.
6. Юнусов Х.Б., Тайлоқов Т.И. **Тоғ ва тоғолди худудларида эчкилар мониезиозини тарқалиши.** // Ветеринария медицинаси. Тошкент, 2022. №9. -Б. 12-13.

## ВОЗРАСТНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ ДИАМЕТРА МЫШЕЧНЫХ ВОЛОКОН (МКМ) МЫШЦ ЗАДНИХ КОНЕЧНОСТЕЙ У КАРАКУЛЬСКИХ ОВЕЦ В ПОСТНАТАЛЬНОМ ОНТОГЕНЕЗЕ

**Summary.** It has been established that as Karakul sheep bred in the foothills of Uzbekistan grow older, the diameter of the muscle fibers increases. There is a direct relationship between the degree of their cross-section and the rate of mass growth.

**Аннотация.** О'zbekistonning tog' oldi hududlarida urchitilayotgan qorako'l qo'ylarining yoshi ulg'aygan sari mushak tolalarining diametri kattalashishi aniqlangan. Mushak tolalarining ko'ndalang kesimi darajasi va massasi o'sishi tezligi o'rtasida to'g'ridan-to'g'ri bog'liqlik mavjud.

**Калит so'zlar.** Qorako'l qo'ylari, yashash sharoiti, postnatal ontogenez, orqa oyoqlar muskullarining mikrotuzilishi, tola diametri, nisbiy o'lchamlar, funksional o'zgarishlar.

**Введение.** Каракулеводство является одной из ведущих отраслей животноводства в Узбекистане. Ареал обитания каракульских овец довольно широк, их выращивают в пустынных, степных, предгорных и горных условиях. Поэтому большое практическое значение имеет выяснение закономерностей индивидуального развития животных этой породы в различных зонах размножения.

Поскольку опорно-двигательный аппарат животных выполняет ряд жизненно важных функций и является показателем экстерьера, к нему обращено пристальное внимание многих учёных. Так, опорно-двигательный аппарат каракульских овец изучали профессор Д.Х. Нарзиев и его ученики [1, 2, 4, 5, 6, 7, 8]. Их исследования посвящены выяснению общих и частных закономерностей развития скелета и мышц, вопросов сравнительной анатомии каракульских овец, влияния условий содержания и кормления на строение и развитие опорно-двигательного аппарата каракульских овец.

**Цель исследования.** Исследование возрастных изменений диаметра мышечных волокон свободных тазовых ног (мкм) у каракульских овец, выращиваемых в предгорьях Узбекистана.


**Материал и методика.** Материалом для исследований были служили ярочки и каракульские овцы ферм Кушрабадского района Самаркандской области, содержащихся в одинаковых условиях кормления и содержания. Животные были разделены на 3 возрастные группы по 5 голов (6, 18 месяцев и 4 года). Все исследованные животные были чёрной масти, умеренной упитанности и крепкого телосложения.

Для гистологического исследования мышц брали образцы из двуглавой мышцы бедра, полуперепончатой мышцы, латеральной головки четырехглавой мышцы и латеральной головки икроножной мышцы. Гистологические исследования проводили согласно методическим указаниям Г. А. Попковой (1974). Определяли диаметр мышечных волокон.

**Результаты исследования.** По результатам исследования выяснилось, что средний диаметр мышечных волокон двуглавой мышцы бедра в период постнатального онтогенеза (от 6 мес до 4 лет) составил 54,71 мкм в 6 месячном возрасте, а к концу обследования увеличился до 69,41 мкм (в 1,27 раза). Наибольшее увеличение диаметра волокон наблюдалось с 18 мес до 4 лет ( $K = 1,34$ ), а наименьшее - с 6 до 18 мес ( $K = 0,95$ ) (табл. 1, рисунок 1).

В постнатальном онтогенезе средний диаметр волокон полуперепончатой мышцы увеличился с 49, 67 мкм до 69,41 мкм. В отличие от двуглавой мышцы бедра, диаметр ее волокон увеличился во всех возрастных группах. Например, с 6 до 18 месяцев он увеличивалась до 53,87 мкм, с 18 месяцев до 4 лет - до 69,41 мкм. Диаметр волокон увеличивался с наибольшим ускорением от 18 месяцев до 4 лет ( $K = 1,29$ ), а с наименьшим ускорением - с 6 до 18 месяцев ( $K = 1,08$ ) (табл. 1, рисунок 1).

Средний диаметр волокон латеральной головки четырехглавой мышцы бедра увеличился с 53,24 мкм до 72,03 мкм (в 1,35 раза) от 6 месяцев до 4 лет. По сравнению со всеми остальными мышцами наибольшая скорость увеличения диаметра в ней наблюдалась от 6 до 18 месяцев ( $K = 1,26$ ). С 18 месяцев до 4 лет темп роста был невысоким ( $K = 1,08$ ) (табл. 1, рисунок 1).



**Рис 1. Возрастные изменения среднего диаметра волокон мышц задних конечностей**

В постнатальном онтогенезе средний диаметр волокон латеральной головки икроножной мышцы увеличился с 55,13 мкм до 71,19 мкм (в 1,29 раза). Последовательность изменения скорости роста диаметра волокон в разном возрасте аналогична таковой для двуглавой мышцы бедра. Например, в период 6-18 мес жизни животного диаметр волокон уменьшался с 55,13 мкм до 53,66 мкм (0,97 раза), а с 18 мес до 4 лет увеличивался до 71,19 мкм (K = 1,33 выше, чем темпы роста за весь период (табл. 1, рис. 1).

**Таблица 1.**

**Возрастные изменения диаметра (мкм) волокон мышц задних конечностей**

Мышцы	6-мес mkm	18-мес		4-лет		За весь период, K
		mkm	K	mkm	K	
Двуглавая м. бедра	54,71	51,77	0,95	69,41	1,34	1,27
Полуперепончатая м.	49,67	57,87	1,08	69,41	1,29	1,40
Четырёхглавая м. бедра, латеральная головка	53,24	66,89	1,26	72,03	1,08	1,35
Икроножная м., латеральная головка	55,13	53,66	0,97	71,19	1,33	1,29

**Выводы.**

1. С увеличением возраста каракульских овец увеличивается и средний диаметр волокон мышц задних конечностей.

2. Хотя средний диаметр волокон полуперепончатой мышцы у 6-месячных ягнят ниже, чем у других мышц, она имеет наибольшую скорость роста в постнатальном онтогенезе.

3. Низкая скорость роста диаметра (K) мышц задних конечностей у каракульских овец, наблюдается в середине постнатального онтогенеза, за исключением латеральной головки четырехглавой мышцы бедра.

**Список использованной литературы**

1. Омбаев А.М. Селекция и генофонд каракульских овец. Монография. Алматы, Бастау, 2003.
2. Таштемиров Р.М. Возрастные изменения скелета и мышц тазовой конечности каракульских овец предгорной зоны Узбекистана. автореф. дис.... к. вет. н./РМ Таштемирова/ Самарканд. 1983.
3. Таштемиров Р.М. Некоторые аспекты возрастных изменений массы и линейных размеров костей свободной тазовой конечности каракульских овец предгорной зоны Узбекистана. Современные проблемы и перспективы исследований в анатомии и гистологии животных: материалы Международной научно-практической конференции, посвященной памяти профессора Д.Х. Нарзиева, Витебск, 31 октября - 1 ноября 2019 г. - Витебск : ВГАВМ, 2019. Стр.37-40.
4. Tashtemirov R. M. Age changes in the linear sizes of the bones of the pelvic limb sheep of the karakul breed. ANNALS OF FOREST RESEARCH. 65(1). 2022/11/11. 2782-2791.
5. Таштемиров Р.М., Хайдарова С.А. Возрастные изменения массы мышц тазовой конечности в онтогенезе у каракульских овец предгорной зоны узбекистана. - Современное состояние, традиции и ..., Уфа, 12–14 марта 2019 года. стр. 131-135.
6. Haydarova S.A., Narziev B.D., Tashtemirov R.M. Dynamics of X-Ray Status After Osteosynthesis in Dog Fractures of Injury Bones. Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science 3 (8), 126-130.
7. Haydarova, S. A., Narziev, B. D., & Tashtemirov, R. M. (2022). Dynamics of X-Ray Status After Osteosynthesis in Dog Fractures of Injury Bones. *Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science*, 3(8), 126-130.
8. Tashtemirov, R. M. (2022). Teri kasalliklarini davolashda qo‘llanadigan o‘simlik dori vositalarining tavsifi (Adabiyot malumotlari asosida). *Vestnik Veterinariyi va Jivotnovodstva*, 2(1).
9. Tashtemirov, R. M., & Esanboyeva, G. (2023). UDK: 619: 636.2: 617.3: 616 QORAMOLLARDA YIRINGLI PODADERMATITNING ETIOPATOGENEZI VA UNI DAVOLASH. *Novosti obrazovaniya: issledovanie v XXI veke*, 1(10), 548-550.

10. Tashtemirov, R. M. (2022). ZOTLI QORAMOLLARDA PODODERMATITLARNI KELITIRIB CHIQUARUVCHI OB'Yektiv OMILLAR. *Agrobiotexnologiya va veterinariya tibbiyoti ilmiy jurnali*, 445-448.
11. Таштемиров, Р., Даулетбаев, Н., & Мирзайев, С. (2022). РАСПРОСТРАНЕНИЕ БОЛЕЗНЕЙ КОПЫТЕЦ У КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА В НЕКОТОРЫХ ЖИВОТНОВОДЧЕСКИХ ХОЗЯЙСТВАХ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ. *Евразийский журнал медицинских и естественных наук*, 2(13), 45-49.
12. Seypullaev, A. K., & Dauletbaev, N. P. (2022). IRI SHAXLÍ MALLARDÍN TUYAQ KESELLIKLERINIŇ ETIOPATOGENEZI. In *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 21, pp. 104-109).
13. Tashtemirov, R. M. (2022). Qoraqalpog'iston respublikasi ayrim qoramolchilik xo'jaliklarida tuyuq kasalliklarining uchrash darajasi. *Agrobiotexnologiya va veterinariya tibbiyoti ilmiy jurnali*, 205-207.
14. Таштемиров, Р., & Бакриддинов, Г. (2021). Итлардаги тери касалликларини доривор ўсимлик препаратлари билан даволаш ва олдини олиш тамойиллари. *Естественные науки: теория и практика*, 1(1), 14-18.
15. Tashtemirov, R. M. Dauletbaev N.P. HÁR TÚRLI TÁBIYIY SHARAYATTAĒI TÚYETAWIQLAR POSTNATAL ONTOGENEZINDE AYAQ SUYEKLERINIŇ MORFOMETRIK QÁSIYETLERI. *UNIVERSAL JOURNAL OF ACADEMIC AN MULTIDISCIPLINARY RESEARCH* 1 (6), 68-71.
16. Tashtemirov, R. M. Dauletbaev N.P. HÁR TÚRLI TÁBIYIY SHARAYATTAĒI TÚYETAWIQLAR POSTNATAL ONTOGENEZINDE AYAQ SUYEKLERINIŇ MORFOMETRIK QÁSIYETLERI. *Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences*, 1 (6), 48-52.
17. Tashtemirov R.M., GF Esanboyeva. QORAMOLLARDA YIRINGLI PODADERMATITNI KASALLIGINI DAVOLASH. *GOLDEN BRAIN* 1 (13), 73-77.
18. Tashtemirov R.M., GF Esanboyeva. QORAMOLLARDA YIRINGLI PODODERMATIT KASALLIGINING ETIOPATOGENEZI. *Новости образования: исследование в XXI веке* 1 (10), 673-676.
19. Таштемиров Р.М. Даулетбаев Н.Р. Распространение болезней копытцев у крупного рогатого скота в некоторых животноводческих хозяйствах Самаркандской области. *Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences*, 2 (13), 45-49.
20. Ravshanov M.A. Tashtemirov R.M. ИТЛАРДА СУЯК СИНИШИДА КОНДАГИ БИОКИМЁВИЙ ЎГАРИШЛАР. «O'ZBEKISTONDA INNOVATION ILMIY TADQIQOTLAR VA METODLAR» MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA 2-SON KO'P TARMOQLI ILMIY MASOFAVIY KONFERENSIYA MATERIALLARI. TOSHKENT – 2020. 97-100.
21. Tashtemirov R. M., Haydarova S.A., Pardayev E. Otlarda pay kasalliklarini davolashning zamonaviy usullari (adabiyotlar sharxi). "Veterinariya meditsinasi" jurnali, №10, 2023 y. 18-19.

YOSH HAYVONLARDA D – GIPOVITAMINOZNING DIAGNOSTIKASI,  
DAVOLASH VA OLDINI OLISH BO‘YICHA ILMYIY ADABIYOTLAR TAHLILI

**Аннотация.** В статье приведен анализ материалов научной литературы по диагностике, лечению и профилактике гиповитаминоза - Д у молодняка.

**Summary.** The article describes the analysis of scientific literature on the diagnosis, treatment and prevention of hypovitaminosis D in young animals.

**Kalit so‘zlar.** Buzoq. Modda almashinuvi. D - gipovitaminoz. Raxit. Mineral moddalar: Kalsiy - fosfor almashinuvi. Kobal't xlorid, temir sulfat, mis sulfat tuzlari. Fosfosan. Vitaminlar.

**Mavzuning dolzarbligi.** Respublikamizda chorvachilikni jadal rivojlantirish asosida aholining chorvachilik mahsulotlariga bo‘lgan talabini qondirishni yanada yaxshilashga qaratilgan agrar islohatlarning amalga oshirilishida, xususan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan 2017-yil 16-martda qabul qilingan PQ-4841-sonli «Chorvachilikda iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi qarorining ijrosini ta‘minlashda, shuningdek, ichki bozorni sifatli va yetarli miqdordagi chorvachilik mahsulotlari bilan to‘ldirish va oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlashda yosh chorva mollarining modda almashinuvi buzilishi kasalliklari asosiy to‘siqlardan biri hisoblanadi.

Shu bilan bir qatorda, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-yanvardagi «Chorvachilik tarmog‘ini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PQ-4576-sonli qarorida chorva mollari bosh sonini yanada ko‘paytirish, ularning mahsuldorlik va zot ko‘rsatkichlarini yaxshilash, parrandachilik, yilqichilik, quyonchilik, baliqchilik va asalarichilik tarmoqlarini rivojlantirish kabi dolzarb vazifalar bilan birgalikda veterinariya ilm-fani va amaliyoti mutaxassislari zimmasiga Yangi O‘zbekistonda yosh chorva mollarining modda almashinuvi buzilishi kasalliklariga qarshi kurash tizimini yanada takomillashtirish vazifasini ham yuklaydi.

Modda almashinuvi (metabolizm) – tiriklik uchun zarur moddalarning tashqi muhitdan organizmga tushishi, hazmlanishi, o‘zlashtirilishi va hosil bo‘lgan so‘ngi mahsulotlar (metabolitlar)ning tashqi muhitga chiqarilishini o‘z ichiga oluvchi murakkab fiziologik jarayon bo‘lib, bu jarayon hayvon organizmida oqsillar, uglevodlar, lipidlar, mineral moddalar va vitaminlar almashinuvi shaklida namoyon bo‘ladi. Ushbu jarayonlarning buzilishi qator metabolizm kasalliklariga sabab bo‘ladi (B.Bakirov, 2015).

Keyingi yillarda olib borilayotgan ilmiy tadqiqot natijalarining ko‘rsatishicha, bugungi kunda, modda almashinuvi kasalliklari chetdan olib kelinib, Respublikamizning turli geokologik va oziqlantirish sharoitlarida parvarishlanayotgan zotli sigirlar, g‘unojinlar va buzoqlarning 50-70 foizgachasini har xil shakllarda qamrab olgan bo‘lib, ularning o‘ziga xos eng asosiy xususiyatlaridan biri fermadagi aksariyat hayvonlarning qamrab olinishi va mazkur patologiyaning uzoq muddatlar davomida (bir necha oylab va hatto yillab) yashirin tarzda kechishi hisoblanadi. Bunday metabolizm patologiyasi paytida hayvonlarda surunkali oriqlash, mahsuldorlikning keskin pasayishi, pushtdorlikning yomonlashishi, fermada alimentar distrofiya, yo‘ldosh tutilishi va tug‘ruq yarim falaji kabi kasalliklarning tez-tez uchrab turishi, hayotchanligi past, ayrim hollarda esa tug‘ruq anamaliyalariga beriluvchan bolaning tug‘ilishi yoki tug‘ilgan bolaning dispepsiya, bronxopnevmoniya va raxit kabi qator kasalliklar bilan kasallanish darajasining ko‘payishi kuzatiladi va natijada xo‘jaliklarning katta iqtisodiy zarar ko‘rishiga sabab bo‘ladi (Ro‘ziqulov N.B., 2021).

**D gipovitaminoz (Raxit, Rachitis)** - yosh hayvonlarda D vitaminining yetishmasligi oqibatida paydo bo‘ladigan hamda kalsiy - fosfor almashinuvi hamda suyak hosil bo‘lishining buzilishlari va gavda suyaklari deformatsiyasi bilan o‘tadigan kasallik.

D gipovitaminozga tashxis qo‘yishda xarakterli klinik belgilari, rentgenoskopik va biokimyoviy tekshirish natijalari e‘tiborga olinadi.

Sog‘lom buzoqlar qon zardobidagi ishqoriy fosfataza fermentining maksimal faolligi 5 – 6 birlik/100 ml, cho‘chqa bolalarida esa 7 birlik/100 ml ni tashkil etadi. Raxit paytida esa bu ko‘rsatkich bir necha marta ortadi.

Raxitning dastlabki bosqichlarida qon zardobidagi umumiy kalsiy miqdori me‘yorida 10 – 12,5 mg/100

ml oʻrniga 6 – 9 mg/100 ml gacha, anorganik fosfor miqdori meʼyoridagi 5 – 8 mg/100 ml oʻrniga 2,5 – 4 mg/100 ml gacha kamayadi.

Raxitning subklinik va klinik yengil bosqichlariga ertachi tashxis qoʻyish uchun qonning biokimyoviy koʻrsatkichlaridan limon kislotasi va A vitamin miqdorlari, ishqoriy fosfataza faolligi, kalsiy va uning fraksiyalari aniqlanadi (T.N.Derezina, 2005).

Kalsiy-fosfor almashinuvi buzilishlarini baholashda qondagi umumiy, ayniqsa, ionlangan kalsiy hamda anorganik fosfor miqdorlari, oqsilsiz kalsiy darajasi va rentgenologik tekshirish natijalari eʼtiborga olinadi (V.I. Petrov, 2001).

Raxitga ertachi tashxis qoʻyishda qonni biokimyoviy tekshirishlardan oʻtkazish orqali undagi limon kislotasi va A vitamini miqdorlari, ishqoriy fosfataza faolligi, umumiy kalsiy va uning fraksiyalari hamda anorganik fosfor miqdorlari aniqlanadi. Kasallikning ogʻirlik darajasini aniqlash uchun qondagi eritrotsitlar, leykotsitlar va gemoglobin miqdorlari, leykoformula aniqlanadi. Kasallik etiopatogenezigiga baho berish uchun qonning mikroelement tarkibi aniqlanadi.

Kasallikning subklinik shaklida qon zardobidagi limon kislotasining miqdori 25,8 foizga, A vitamini - 26,8 foizga, yengil shaklida ushbu koʻrsatkichlarning mos holda 53,4 va 39,1 foizga, oʻrtacha shaklida - 61,1-52,2 foizga, ogʻir shaklida - 50,3 va 82,1 foizga pasayishi kuzatiladi.

Qon zardobidagi temir miqdori kasallikning subklinik shaklida sogʻlom joʻjalardagiga qaraganda 1,7 foizga, mis miqdori - 10,7 foizga oshadi, kobalt, rux va marganes miqdorlari - aksincha, mos holda, 9,1, 3,6 va 11,7 foizga kamayadi. Kasallikning ogʻir shaklida temir miqdorining 18,6 foizga, misning - 9,9 foizga, kobaltning - 31,9 foizga, ruxning 19,6 foizga va marganesning 23,4 foizga kamayishi kuzatiladi (V.V.Derkachev, 2002).

Kasallikni davolashda ratsionga D vitamining boy oziqalar kiritiladi. Hayvonlarni quyosh nurlarida yoyratish tashkil etiladi. Qishlov davrida molxonalar sunʼiy lampalar bilan taʼminlanadi.

D vitamin saqlovchi preparatlar sifatida D vitamin yugʻli eritmasi (0,125 - 0,5 %), uning spirtli eritmasi (0,5 %), suvda eriydigan xolekalsiferol (lipovid), trivit, tetravit, tetramag, multivit va baliq yogʻi tavsiya etiladi.

Parenteral usullar bilan yuborilganda xolekalsiferolning dozasi 100 – 150 XB/kg ni tashkil etishi lozim. Ogʻiz orqali qoʻllanilganda bu miqdor buzoqlar uchun oʻrtacha 200 – 250 XB/kg, 6 oylikgacha toylar uchun 10000 – 20000, 6 oylikdan katta toylar uchun 20000 - 50000, choʻchqa bolalari va qoʻzilar uchun 5000 –

10000, it bolalari uchun 500 – 1000 XB/kg ni tashkil etishi lozim.

Vitaminoterapiyadan tashqari, mineral moddalar manbalari sifatida suyak uni, goʻsht – suyak uni, suyak kuli, oziqaviy presipitat va monokalsiyfosfat tavsiya etiladi. Fitin preparatini 1 tabletkadan (0,25 g)dan kuniga 2 martadan sutga aralashtirilgan holda 60 kun davomida ichirish lozim.

Ratsionga fosforli qoʻshimchalardan kobalt xlorid, temir sulfat, mis sulfat kabi mikroelement tuzlari premiks holida kiritiladi. Fosfosan preparati (0,1 - 0,4 ml/kg dozada vena qon tomiriga yoki ichirish uchun) tavsiya etiladi.

E.V.Nazdracheva (2004)ning taʼkidlashicha, Rossiya Federatsiyasining Kemerova viloyati hududida joylashgan Pegass konlaridan qazib olingan tabiiy seolitni kuniga 15 g dan berish buzoqlarning raxitdan sogʻayishiga ijobiy taʼsir koʻrsatadi. Xususan, gormonal status, klinik, morfologik hamda biokimyoviy koʻrsatkichlar boʻyicha sezilarli oʻzgarishlarning roʻy berishiga olib keladi.

Shartli sogʻlom choʻchqa bolalari ratsioniga 10 g/o.b. miqdorida Tarasov konlaridan qazib olinadigan bentonit gilmoyasini qoʻshish 120 kun davomida sutkali oʻsishni 567 grammgacha yetkazadi, togʻay hamda suyak toʻqimasi oʻsishini faollashtiradi (T.N.Derezina, 2005).

V.V.Derkachev (2002) tomonidan joʻjalarda raxitni davolash uchun quyidagi kompleks davolash sxemasi tavsiya etiladi:

- omixta yemga aralashtirilgan holda trivit (10 kg omixta yemga 25 ml) va glyukoza (10 kg ga 30 gramm) berish;

- uch marta (joʻja ochib chiqishining ikkinchi kuni, 11 kunlikdan 20 kunlikgacha; 31 kunlikdan 40 kunlikgacha) ultrabinafsha nurlar bilan yoritish seanslarini oʻtkazish (bunda yoritish dozasi sutkasiga 0,20-0,25 Z vch/m<sup>3</sup> ni va seansning davom etishi 1 soatni tashkil etadi).

Kasallikning oldini olishda bugʻoz hayvonlar ratsioniga D<sub>2</sub> vitamining boy oziqalar kiritiladi. Qish – bahor fasllarida bunday oziqalar tanqis boʻlganligi tufayli ratsionga D vitamin preparatlaridan Videin - D<sub>3</sub>, Mikrovit - D<sub>3</sub>, Prosol - 500, Lutovit - D<sub>3</sub> kabi mikrogranullangan preparatlar va D vitaminining quruq achitqili konsentratlari kiritiladi.

Tugʻishiga 2 oy qolgan bugʻoz hayvonlarga har 10 kunda bir martadan trivit, tetravit yoki tetramag kabi kompleks vitaminli preparatlar inʼyeksiya qilinadi.

Bugʻoz sigir va buzoqlar rejali ravishda dispanser koʻrigidan oʻtkazilib, aniqlangan kamchiliklarni tugatish, hayvonlarni saqlash va parvarishlash sharoitla-



rini optimallashtirish choralari ko‘riladi. Zarurat tug‘ilganda oziqaviy bo‘r, diammoniyfosfat, trikalsiyfosfat va boshqa mikroelementli va vitaminli qo‘shimcha aralashmalar ishlatiladi.

Yosh hayvonlar saqlanadigan molxonalar ultrabinafsha nurlar tarqatuvchi lampalar bilan ta‘minlanadi.

**Xulosa** qilib aytganda, o‘rganilgan ilmiy adabiyot ma‘lumotlarining tahlili shuni ko‘rsatdiki, D - gipovitaminoz yosh hayvonlar orasida ko‘p uchraydigan kasalliklardan biri hisoblanadi va xo‘jaliklarga katta iqtisodiy zarar yetkazadi. Bunday holat, tabiiyki, yosh hayvonlarda D - gipovitaminozni ertachi aniqlash, mahalliy xom-ashyolardan foydalangan holda samarali davolash va oldini olish usullarini takomillashtirishni taqoza etadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги «Чорвачиликда иктисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4841-сонли Қарори.

2. О‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 29 yanvardagi «Chorvachilik tarmog‘ini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PQ-4576-sonli Qarori.

3. Ro‘ziqulov N.B. Yosh hayvonlar va parrandalar terapiyasi. Darslik. Toshkent, “Fan ziyosi”, 2021. – B. 212.

4. Бакиров Б. Ҳайвонларнинг ички юқумсиз касалликлари. Ўқув қўлланма. Самарқанд: “Насимов” ХК, 2015. – Б. 416.

5. Norboyev Q.N., Bakirov B.B., Eshbo‘riyev B.M. Hayvonlarning ichki yuqumsiz kasalliklari. Darslik. Samarqand, SamDU tahririy-nashriyot bo‘limi, 2020. – B. 435.

6. Практикум по внутренним болезням животных / Под общ. ред. Щербакова Г.Г., Яшина А.В., Курдеко А.П., Мурзагулова К.Х.: Учебник. — СПб.: Издательство «Лань», 2021. – С. 543.

7. Петрянкин Ф.П., Петрова О.Ю. Болезни молодняка животных: Учебной пособие для СПО. – Санкт-Петербург: Лань, 2021. – С. 352.

8. Наздрачева Е.В. Рахит телят: клинико-морфологический, биохими-ческий и гормональный статус: Автореф. дис. ... канд. вет. наук. – Барнаул: 2004. - 14 с.

9. Дерезина Т.Н. Рахит у поросят: Автореф. дисс. ... докт. вет. наук. – Персиановский: 2005. – 30 с.

10. Деркачев В.В. Эффективность лечебно-профилактического действия витамина д и его сочетания с другими препаратами при рахите у циплят-бройлеров: Автореф. дисс. ... вет. вет. наук. – Персиановский: 2002. – 18 с.

11. Петров В.И. Влияние Д-витаминной недостаточности на резистентность и некоторые показатели обмена веществ у циплят: Автореф. дис. ... канд. вет. наук. – Саратов: 2001. - 16 с.

12. Bradford P.Smith, David C. Van Metre, Nicola Pusterla. Large Animal Internal Medicine. Sixth Edition. ELSEVIER. Printed in the United States of America, 2020 by. - P. 1874.

## BRONXOPNEVMONIYA BILAN KASALLANGAN QO‘ZILARNI RENTGENOLOGIK TEKSHIRISH NATIJALARI

**Аннотация.** В статье описаны результаты рентгенологического исследования грудной клетки (области легких) ягнят, больных бронхопневмонией.

**Summary.** The article describes the results of an X-ray examination of the chest (lung area) of lambs with bronchopneumonia.

**Kalit so‘zlar:** Qo‘zilar. Respirator kasalliklar. Bronxopnevmoniya. Rentgenogramma. O‘pka maydoni. O‘pka cho‘qqisi va ildiz atrofi. Qorayishlar. Infiltratli soylanish. Bronx devori.

**Mavzuning dolzarbligi.** Respublikamizda chorvachilikni jadal rivojlantirish asosida aholining chorvachilik mahsulotlariga bo‘lgan talabini qondirishni yanada yaxshilashga qaratilgan agrar islohatlarning amalga oshirilishida, xususan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan 2017-yil 16-martda qabul qilingan PQ-4841-sonli «Chorvachilikda iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi qarorining ijrosini ta‘minlashda, shuningdek, ichki bozorni sifatli va yetarli miqdordagi chorvachilik mahsulotlari bilan to‘ldirish va oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlashda yosh chorva mollarining respirator kasalliklari asosiy to‘siqlardan biri hisoblanadi.

Shu bilan bir qatorda, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-yanvardagi «Chorvachilik tarmog‘ini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PQ-4576-sonli qarorida chorva mollari bosh sonini yanada ko‘paytirish, ularning mahsuldorlik va zot ko‘rsatkichlarini yaxshilash, parrandachilik, yilqichilik, quyonchilik, baliqchilik va asalarichilik tarmoqlarini rivojlantirish kabi dolzarb vazifalar bilan birgalikda veterinariya ilm-fani va amaliyoti mutaxassislari zimmasiga Yangi O‘zbekistonda hayvonlar kasalliklariga qarshi kurash tizimini yanada takomillashtirish vazifasini ham yuklaydi.

Keyingi qator yillarda olib borilgan kuzatish natijalarining ko‘rsatishicha, yosh hayvonlar orasida uchrayotgan respirator kasalliklarga qo‘yilgan tashxis ko‘p hollarda davolash jarayonida o‘z isbotini to‘liq topmayapdi, davolash tadbirlari ko‘zlangan natijani namoyon qilmayapdi va kasal qo‘zilar orasida majburan so‘yilish hollari bilan birgalikda xarom o‘lish hollari ham kuza-tilmoqda (B.B.Bakirov, 2015; N.B.Ro‘ziqulov, 2021).

Yuqorida bayon etilgan ma‘lumotlardan ko‘rinib turibdiki, Respublikamizning qo‘ychilikka ixtisoslashgan fermer xo‘jaliklari sharoitlarida parvarishlanayotgan qo‘zilar orasida uchraydigan respirator kasalliklarning

turlari, tarqalishi va sabablarini aniqlash, ularning har bir turi yoki assotsiatsiyasining kechish xususiyatlarini ilmiy monitoring qilish, zamonaviy antibakterial hamda umumiy patogenetik davolash vositalari yoki ular kombinatsiyalaridan tashkil topgan davolash usullarining kasallik patogeneziga ta‘sirini o‘rganishga va shu orqali yosh hayvonlar respirator kasalliklarining samarali davolash hamda oldini olish chora-tadbirlarini ishlab chiqishga qaratilgan tadqiqotlar dolzarb ilmiy tadqiqotlar hisoblanadi.

**Tadqiqotlar ob‘yekti va uslublari.** Tajribalar 2021-2023 yillar davomida Qashqadaryo viloyatining Kitob tumanidagi «Qilichbek shoir» fermer xo‘jaligining qo‘ychilik otarida olib borildi. Laboratoriya tekshirishlari «Ichki yuqumsiz kasalliklar» kafedrasida qoshidagi «Veterinariya gematologiyasi» o‘quv laboratoriyasida o‘tkazildi.

Klinik tekshirishlar orqali qo‘zilarning tana harorati, puls va nafas soni, umumiy ahvoli, yo‘tal va ishtahasi aniqlandi.

Qonda eritrotsitlar va leykotsitlar soni (Goryayev usuli), gemogloblin (Sali usuli), umumiy oqsil (Refraktometrlil usul) va ishqoriy zahira (Rayevskiy usuli) miqdorlari aniqlandi.

Shuningdek, bronxopnevmoniya bilan kasallangan qo‘zilarning ko‘krak qafasi (o‘pka sohasi) tajriba boshida va tajriba oxirida rentgenologik tekshirishdan o‘tkazildi.



**Tadqiqot natijalari.** Bronxopnevmoniya bilan kasallangan qo‘zilarning rentgenogramma natijasi 1-rasmda keltirilgan.

1-rasm ma‘lumotlaridan ko‘rinib turibdiki, bronxopnevmoniya bilan kasallangan qo‘zilarning rentgenogrammasida o‘ng o‘pka maydoninig yoritilishi o‘ng o‘pka cho‘qqisi va ildiz atrofida susaygan. Qorayishlar cho‘qqi soyasi va ildiz atrofida infiltratli soylanish bilan kuzatildi. Qorayishlar o‘rtacha intensivlikda ildiz sohasini egallagan. Chegarasi noaniq o‘rtacha intensivlikda, ildizga qo‘shilgan. Ildiz kengaygan struktur-

asiz ko‘rinishda. Bronx devorining ko‘ndalang kesimi qalinlashgan. Qon tomirlar surati kuchaygan infiltrativli ko‘rinishda. Sinuslari: Ochiq. Yurak soyasi: Odatdagidek. Xulosa: Bronxopnevmoniya.

Bronxopnevmoniya bilan kasallanib sog‘aygan qo‘zilarning rentgenogramma natijasi 2-rasmda keltirilgan.

2-rasm ma‘lumotlaridan ko‘rinib turibdiki, bronxopnevmoniya bilan kasallanib sog‘aygan qo‘zilarning ko‘krak qafasi rentgenogrammasida o‘pka maydoni yoritilishi nisbatan odatdagidek. O‘ng o‘pka cho‘qqisida va ildiz atrofida infiltrat so‘rilgan. O‘pkada yorug‘lanish hosil bo‘lgan. Qorayishlar o‘tgan. Ildiz kengaygan, strukturasisiz. Bronx devori qalinlashgan. Qon tomirlarda infiltratlar so‘rilgan. 2023 yil 20 yanvardagi tushgan rentgenogramмага qaraganda qoniqarli dinamik o‘zgarish kuzatildi. Sinuslari: Ochiq. Yurak soyasi: Odatdagidek.

	
<b>1-rasm.</b> <b>Bronxopnevmoniya bilan kasallangan qo‘zilarning ko‘krak qafasi rentgenografiyasi</b>	<b>2-rasm.</b> <b>Bronxopnevmoniya bilan kasallanib sog‘aygan qo‘zilarning ko‘krak qafasi rentgenografiyasi</b>

**Xulosa** qilib aytganda, Respublikamizning qo‘ychilik xo‘jaliklarida bronxopnevmoniya kasalligini ertashi aniqlashda qo‘zilarni klinik, ulardan olingan qon namunalarini laborator tekshirishlardan o‘tkazish bilan bir qatorda, ko‘krak qafasi (o‘pka sohasi)ni rentgenologik tekshirishdan o‘tkazish aniq tashxis mezonini bo‘lib hisoblanadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4841-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги «Чорвачилик тarmog‘ini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PQ-4576-sonli Qarori.

3. Ro‘ziqulov N.B. Yosh hayvonlar va parrandalar terapiyasi. Darslik. Toshkent, “Fan ziyosi”, 2021. – B. 212.

4. Бакиров Б. Хайвонларнинг ички юкумсиз касалликлари. Ўқув қўлланма. Самарқанд: “Насимов” ХК, 2015. – Б. 416.

5. Safarov M.B., Safarov M.M. Veterinariya diagnostikasi va rentgenologiyasi. Darslik. Toshkent, Sino-standart, 2019. – B. 502.

6. Norboev Q.N., Bakirov B.B., Eshbo‘riyev V.M. Hayvonlarning ichki yuquqsiz kasalliklari. Darslik. Samarqand, SamDU tahririy-nashriyot bo‘limi, 2020. – B. 435.

7. Практикум по внутренним болезням животных / Под общ. ред. Щербакова Г.Г., Яшина А.В., Курдеко А.П., Мурзагулова К.Х.: Учебник. — СПб.: Издательство «Лань», 2021. – С. 543.

8. Петрянкин Ф.П., Петрова О.Ю. Болезни молодняка животных: Учебной пособие для СПО. – Санкт-Петербург: Лань, 2021. – С. 352.

9. Бакиров Б.Б., Рўзикулов Н.Б. Ёш хайвонлар ва пarrандаларнинг юкумсиз касалликлари. Ўқув услубий қўлланма. Самарқанд, 2018. – Б. 184.

10. Ruzikulov, N. B. (2021). Main causes and development mechanisms of Karakol sheep Ketonuria. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 10(3), 556-559.

11. B.Bakirov, N.B.Ruzikulov, S.S.Asqarov, I.Xudoyqulov. Yosh hayvonlar bronxopnevmoniyasiga qarshi kurash chora-tadbirlari bo‘yicha tavsiyanoma. Samarqand: «Sogdiana ideal print», 2023. – B. 27.

12. Ruzikulov N.B., Oltiboev Sh.E., Khudoykulov I.A. The results of treatment of bronchopneumonia in lambs. Настоящий сборник составлен по материалам V Международной научно-практической конференции «АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБЩЕСТВА, НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ», 2023 г. в г. Пенза. 169-171 стр.

13. Norboev, K. N., Rakhmonov, U. A., Ruzikulov, N. B., & Eshburiev, S. B. (2022). Effectiveness of Vitaprem and Probiotic Bio-3s in Group-Prophylaxis of Hens’ Hypovitaminoses. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 9(11), 308-314.

14. Rakhmonov, U. A., Norboev, K. N., Ruzikulov, N. B., & Eshburiev, S. B. (2021). Results of group-prophylactic treatment of chicken hypovitaminosis. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(8), 243-248.

15. Khayitov, B. N. O., Bakirov, B., & Ruzikulov, N. B. (2021). Scientific Basis for the Treatment and Prevention of Large Abdominal Acidosis in Productive Cows. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 8(9), 442-452.

16. Boboev, O. R., Bakirov, B., Ruzikulov, N. B., & Askarov, S. S. (2021). Peculiarities of metabolic disorders in endemic cows. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2196-2200.

17. Bakirov, B., Daminov, A. S., Ro‘ziqulov, N. B., Toyloqov, T. I., & Saydaliyev, D. (2019). Qurbonov Sh. *Boboev OR, Xo‘djamshukurov A. Hayvonlar kasalliklari. Ma‘lumotnoma. Ikkinchi nashri. Samarqand*, 344-347.

18. Бакиров Б.Б., Рўзикулов Н.Б. Хайвонларнинг ички юкумсиз касалликлари фанидан лаборатория машгулотларни bajarish бўйича услубий қўлланма. Самарқанд: “Ф. Насимов” ХК, 2015. – Б. 68.

19. Ro‘ziqulov N. Ichki yuquqsiz kasalliklar fanidan laboratoriya mashg‘ulotlarini bajarish bo‘yicha uslubiy qo‘llanma. Samarqand: “Sogdiana ideal print” bosmaxona, 2023. – B. 75.

20. Б Бакиров, НБ Рўзикулов, АС Даминов. Хайвонлар касалликлари. Маълумотнома (Ўқув қўлланма) - Самарқанд: “Насимов” ХК, 2017.

## ВЛИЯНИЕ ПРЕПАРАТА ГЕПАВЕКС-200 ПРИ ТОКСИЧЕСКОМ ПОРАЖЕНИИ ПЕЧЕНИ

*Аннотация. В эксперименте изучена гепатопротекторная активность препарата «Гепавекс-200» на модели токсического поражения печени, индуцированного четыреххлористым углеродом (CCL<sub>4</sub>) у крыс. В состав препарата гепавекс-200 входят: сорбитол, карнитин, DL-метионин, холина хлорид, сульфат магния.*

*Annotation. The experiment studied the hepatoprotective activity of the drug Hepavex-200 on a model of toxic liver damage induced by carbon tetrachloride (CCL<sub>4</sub>) in rats. The composition of the drug hepavex-200 includes: sorbitol, carnitine, DL-methionine, choline chloride, magnesium sulfate.*

**Ключевые слова:** гепатопротекторы, токсический гепатит, гепавекс-200, легалон.

• Сорбитол: Важный компонент для пищеварения (гликогенез). Мочегонный эффект за счет увеличения осмотического давления. Очень важный элемент при лечении ацетонемии у КРС. Гепаторенальное очищающее действие и желчегонный эффект.

• Карнитин является производной от аминокислот и основным кофактором метаболизма жирных кислот. Карнитин обладает антигиперлипидемическими свойствами. Карнитин используется для лечения первичной карнитиновой недостаточности и увеличивает панкреатическую секрецию. Карнитин играет важную роль в метаболизме жирных кислот (они преобразуются в клеточную энергию). Оптимизирует использование жирных кислот. Переносит жирные кислоты с длинной цепочкой в митохондрии (клеточный энергетический двигатель) через митохондриальную мембрану.

• DL-метионин: незаменимая в рационе аминокислота. Метионин также увеличивает синтез глутатиона (глутатион и другие серосодержащие пептиды играют важную роль против токсинов). Метионин является липотропным соединением. В ветеринарии обычно используется для регулирования pH мочи.

• Хлорид холина - прекурсор ацетилхолина. Он вовлечен в липидный метаболизм и действует как донор метила в различных других метаболических процессах, играя важную роль в дезинтоксикации печени. Холина хлорид используется в ветеринарии как диетический источник холина (липотропный фактор) для домашней птицы. Важный элемент для предупреждения накопления жира в печени (син-

дром жирной печени). Холина хлорид традиционно рассматривается как вещество витамина В, хотя его функции не оправдывают его классификацию как витамина.

• Сульфат магния: используется как источник магния (необходимый элемент для внутриклеточной деятельности, незаменимый в качестве телесного электролита). Магний является кофактором во многих энзимных системах и участвует в переносе фосфатов (мышечная сократимость и нейротрансмиссия).

Сильное слабительное. Важный холекинетик: стимулирует секрецию желчи, улучшая пищеварение.

**Введение.** Лечение и профилактика заболеваний печени являются одной из актуальных проблем современной ветеринарии.

Этиологическую роль в развитии заболеваний печени могут играть разнообразные факторы, в том числе, гормональные и метаболические нарушения, токсические поражения, вызванные самыми разнообразными веществами (лекарственные: диагностические - рентгеноконтрастные, противогрибковые и противотуберкулезные препараты и др.). В соответствии с современными принципами лечения заболеваний печени, программа комплексной терапии этой патологии соответствует патогенетической терапии, имеющей целью адекватную фармакологическую коррекцию универсальных звеньев патогенеза. В целом, ассортимент лекарственных средств, применяемых в комплексной терапии заболеваний печени и желчевыводящих путей, насчитывает более сотни наименований. Однако среди такого многообразия

препаратов выделяют сравнительно небольшую группу оказывающих избирательное действие на печень - гепатопротекторов.

**Цель исследования.** Изучить и оценить гепатопротекторное действие препарата «Гепавекс-200» на модели токсического поражения печени у животных (гепатит), вызванного *четырёххлористым углеродом*. Сравнить действие нового препарата с известными гепатопротекторами.

**Материалы и методы.** Экспериментальные исследования проводились на 242 белых крысах-самцах. Возраст крыс составил три месяца, масса тела – 160–180 г. Ежедневно на протяжении 20 дней все животные взвешивались и осматривались. Осмотр включал в себя оценку общего состояния и поведения. Препаратами сравнения являлись общепризнанные лекарственные гепатопротекторы природного происхождения «Эссенциале» и «Легалон». Для моделирования токсического гепатита использовали  $CCl_4$ , которые вводили крысам внутривенно через металлический атравматичный зонд в дозе 5,0 мл/кг, 1 раз в день на протяжении 4 дней в смеси с подсолнечным маслом (1:1). Через 10 дней у животных подтвердилось наличие токсического гепатита по морфологической картине печени. С этого времени на протяжении 10 дней всем животным внутривенно вводили 1 раз в сутки: «Гепавекс-200» по 1,5 мл/кг или препараты сравнения: «Эссенциале» из ампул по 1 мл/кг, «Легалон» – по 100 мл/кг. Биохимические и морфологические исследования проводили на 20-й день эксперимента. Об эффективности лечения судили по клинической картине, динамике массы тела и относительной массы печени; содержанию билирубина, трансаминаз, фосфатаз, общего белка сыворотки крови.

Биохимические исследования крови собак проводили на лабораторных анализаторах по стандартным методикам. Биохимические исследования

включали определение ряда показателей, характеризующих морфо- функциональное состояние печени, таких как активность АлАт, АсАт, ЛДГ, и щелочная фосфатаза.

Результаты экспериментов обрабатывали с помощью критерия Стьюдента.

**Результаты и их обсуждение.** В качестве препаратов сравнения использовали известные гепатопротекторы - «Эссенциале форте» на основе фосфолипидов и «Легалон» на основе экстракта расторопши пятнистой, основным компонентом которого является силимарин. Сам силимарин представляет собой смесь 3-х основных изомерных соединений - силибинина, силикристина и силидианина. В «Легалоне» соотношение этих компонентов составляет- 3:1:1. Одним из критериев – была выживаемость животных в эксперименте. К 20 дню эксперимента в группе токсического поражения печени  $CCl_4$ , без лечения погибло 40% животных, а при лечении «Легалоном» -10%. В группах при лечении «Гепавекс-200» и «Эссенциале форте» летальности животных не наблюдалось. Клиническая картина в группах животных без лечения характеризовалась гиподинамией, снижением аппетита, заторможенностью, взъерошенностью шерсти. Наблюдалась некоторая желтушность слизистых оболочек и склер, увеличение размеров печени.

Для изучения гепатопротекторного действия препаратов были проведены биохимические исследования крови у животных в контрольных и опытных группах до лечения, и после лечения на 20-й день (табл.). Биохимические показатели крови животных свидетельствуют о явных нарушениях функции печени. На 20-й день эксперимента в контрольных группах животных, получивших  $CCl_4$ , отмечалось выраженное повышение активности ферментов в среднем АЛТ (в 8,0 раз), АСТ (в 1,6 раза), ЩФ (в 3 раза) и уровня ЛДГ (в 2 раза). Это

**Биохимические показатели крови животных при лечении препаратом «Гепавекс-200», «Эссенциале» и «Легалон» на моделях токсического гепатита,  $M \pm t$**

Показатели	Экспериментальные группы животных				
	Интактные животные	$CCl_4$	$CCl_4$ + Гепавекс-200	$CCl_4$ + «Эссенциале»	$CCl_4$ + «Легалон»
Общ. белок, г/л	64 ± 2,0	41 ± 4,0*	59 ± 5,0	57 ± 2,0*	51 ± 4,0*
Общ. билирубин, мкмоль/л	3 ± 0,3	6,2 ± 0,4*	3,2 ± 0,2	3,1 ± 0,4	4,0 ± 0,1*
АЛТ, Ед/л	0,2 ± 0,03	1,62 ± 0,11*	0,39 ± 0,04*	0,32 ± 0,06*	0,52 ± 0,08*
АСТ, Ед/л	0,6 ± 0,05	0,98 ± 0,12*	0,73 ± 0,06	0,62 ± 0,12	0,66 ± 0,08
ЩФ, Ед/л	0,69 ± 0,1	2,12 ± 0,24*	0,75 ± 0,08	0,76 ± 0,14*	0,88 ± 0,11
Холестерин, ммоль/л	1,72 ± 0,44	1,89 ± 0,36	1,67 ± 0,24	1,68 ± 0,36	1,73 ± 0,22
ЛДГ, моль/ч/л	4,92 ± 0,32	10,76 ± 1,34	6,88 ± 0,36*	5,96 ± 0,42*	7,89 ± 0,47*

\* – статистически достоверное отличие от группы интактных животных ( $p < 0,05$ ).

свидетельствовало о нарушении функционального состояния печени и развитии токсического гепатита.

Так, уровень билирубина в группе с  $CCL_4$  достоверно повысился соответственно до  $6,2 \pm 0,4$  мкмоль/л, т.е. в 2 раза по сравнению с интактными животными ( $3 \pm 0,3$  мкмоль/л). Об этом свидетельствовало также и повышение уровня ЩФ. Показатели белкового обмена в печени резко снижаются - общий белок в 1,6 раза.

При изучении лечебного эффекта препарата «Гепавекс-200» было установлено, что биохимические показатели крови у животных вернулись к норме после лечения. По основным показателям действие «гепавекс-200» превышало действие «Легалона». Так, уровень общего белка в крови после лечения «Гепавекс-200» как в группе с  $CCL_4$  составил  $59 \pm 5,0$  г/л, что было близко к данным показателям в интактной группе животных. Уровень белка при лечении «Легалолом» и «Эссенциале» был несколько ниже, соответственно  $51 \pm 4,0$  г/л и  $57 \pm 2,0$  г/л.

В результате лечения «Гепавекс-200» уровень активности трансаминаз в крови практически полностью восстановился до нормы, достоверно нормализовался также и уровень других ферментов. Явления холестаза исчезли, что можно наблюдать по восстановлению содержания билирубина и щелочной фосфатазы до исходного уровня в крови. Уровень билирубина в крови животных, получавших «Легалон» к концу опыта снижался незначительно. Особенно эффективно идет процесс снижения активности щелочной фосфатазы, которая, как известно, находится на поверхности клеточных мембран и особенно много ее находится в желчных протоках печени. Этот факт указывает на активное участие препаратов «Гепавекс-200» и «Эссенциале» в процессах фосфорилирования на мембранах клеток и его способности регенерировать поврежденные клеточные мембраны. При повреждении печени, уровень холестерина повышается, а после лечения «Гепавекс-200» он не только приходит в норму, но и немного снижается ниже нормы, что может говорить об участии препарата в перераспределении липидов в бислое мембраны клетки. Такую же картину наблюдали в группе с «Эссенциале». В группах животных с «Легалолом» уровень холестерина восстанавливается, но не снижается.

Действие препарата «Гепавекс-200» направлено на стимуляцию репаративно-регенерационных процессов в печени, повышение устойчивости органа за счет мембрано-стабилизирующего, антиоксидантного действия. Под действием препарата проис-

ходит нормализация процессов фосфорилирования и энергообеспечения в поврежденных мембранах. Метаболическое действие «Гепавекс-200» состоит в стимуляции синтеза белка, ускорении регенерации поврежденных гепатоцитов, усилении антиоксидантной системы защиты. Выявленная специфическая активность препарата «Гепавекс-200» позволяет рекомендовать его для дальнейшего изучения в качестве нового высокоэффективного гепатопротекторного средства.

Выводы. «Гепавекс-200» значительно улучшает функциональное и морфологическое состояние печени у животных на модели токсического гепатита, вызванного  $CCL_4$ . Показатели аланин- и аспартатаминотрансфераз в группе животных получавших «Гепавекс-200» были ниже по сравнению с данными экспериментальной группой. В результате проведенных исследований, было установлено, что гепатопротекторное действие «Гепавекс-200», превышает действие известного препарата «Легалон».

#### Список использованной литературы

1. Makay Zheney Zhambul Kaziyev. Real-time fluorescence loop-mediated isothermal amplification assay for direct detection of egg drop syndrome virus BMC Veterinary Research (2018) DOI 10.1186 / s12917-018-1364-9.
2. Shirin Turzhigitova\*, Nurtleu Zamanbekov, Yerganat Korabayev, Zhambul Kaziyev, Almas Tuganbay. Technology for Obtaining Dosage Forms (Tinctures, Extracts) from Local Plant Raw Materials and studying their Toxicity Journal of Pharmaceutical Sciences and Research Vol. 14(2),2021, P.887-894 ISSN 0974-2318 (Scopus). (Q2, percentile 58).
3. Казиев Ж, Оспангали Д. Изменения минерального обмена в костях конечностей кроликов при хронической интоксикации фтором. Сборник материалов XXII Международной научно – практической конференции молодых ученых и студентов «Научная молодежь в аграрной науке: достижения и перспективы» в рамках проведения Года молодежи в РК. 26-27 апрель, 2019 г Алматы.
4. Яковенко Э.П., Григорьев П.Я., Агафонова Н.А. и др. Метаболические заболевания печени: проблемы терапии // Фарматека. – 2003. – № 10. – С. 47–49.

\*\*\*

Gepaveks-200 Considerably improves a functional and morphological condition of a liver at animals on model of the toxic hepatitis caused  $CCL_4$ . Indicators alanin - and AsAT in group of animals receiving Gepaveks-200 Were more low in comparison with given by experimental group. As a result of the spent researches, it has been established, what гепатопротекторное action? Gepaveks-200, exceeds action of a known preparation Legalon.

## QO'YLARDA PASTERELLYOZ KASALLIGINING PATANATOMIYASI

**Аннотация.** В данной статье приведен анализ научных исследований, направленных на определение патанатомический изменение паренхиматозных органов, в том числе легких и пищеварительных органов спонтанно больных пастереллёзом овец.

**Abstract.** In this state, the analysis of scientific research, treatment and identification of pathanatomical changes in parenchymatous organs, and the number of spontaneous and healing organs in patients with pasteurellosis have been determined.

**Kalit so'zlar:** Gemorragik, qon kuyilish, distrofiya, nekroz, atrofiya, yallig'lanish, giperemiya.

**Mavzuning dolzarbligi.** O'zbekiston respublikasi Prezidentining 2022 yil 8-fevraldagi "Chorvachilikni yanada rivojlantirish va ozuqa bazasini mustahkamlash chora-tadbirlari" to'g'risidagi PQ-121 sonida qarorida belgilab berilgan choravachilikda qo'ychilik tarmog'ini rivojlantirishga to'sqinlik qilib kelayotgan qator kasalliklar, xususan qo'ylar paterellyoz kasalligini ilmiy asoslangan diagnostikasiga qaratilgan tadqiqotlar dolzarb hisoblanadi. Qo'ylar pasterellyoz kasalligining patanatomik diagnostikasi kasallakni oldini olish tadbirlarini belgilashda va davolashda muhim ahamiyat kasb etadi.

**Tadqiqotning obe'kti va uslublari.** Ilmiy-tadqiqot ishlari Samarqand viloyatining Urgut tumanidagi qorako'l qo'ylarda iqtisoslashgan fermer xo'jaliklari sharoitidagi qorako'l qo'ylarida olib borildi. Qo'ylarning gavdalari patanatomik usulda yorib ko'rildi va ichki organelaridagi o'zgarishlar makroskopik usulda o'rganildi.

**Tadqiqot natijalarining tahlili.** Patanatomik o'zgarishlarni tabiiy sharoitda o'rganish maqsadida respublikamiz xo'jaliklarida keltirilgan va xo'jaliklarning o'zida yorib ko'rilgan, jami 12 bosh qo'ylar organlarini patanatomik tekshirildi. Qo'ylarning ichki a'zolarida sodir bo'lgan o'zgarishlar va ularning yoshiga qarab hayvonlar bir necha guruhga bo'lib o'rganildi.

Patanatomik o'zgarishlarning muayyan kasallikka xosligi asosan qo'zg'atuvchilarning turi va virulektligiga hamda hayvonlarning yoshiga bog'liqdir.

Tabiiy sharoitda kasallangan va o'lgan **5 - 30 kunlik** qo'zilar gavdasi yorib tekshirilganda juda xarakterli patanatomik o'zgarishlar kuzatildi. Mazkur qo'zilar gavdasi juda ham orriq barcha shilliq va seroz pardalarida nuqtali qon quyulishlar, burun va og'iz bo'shliqlarida yesa ko'piksimon suyuqlik to'plangan Anal teshik atrofi sariq tusli axlat bilan ifloslangan, junlari hurpaygan.

Yorib ko'rilganda teri osti klechatkasi qizargan qon

tomirlar qonga to'lgan, ayrim joylarida qon yig'ilgan, yog' to'qimasi va muskullar yupqalashib, atrofiyaga uchragan. qorin bo'shlig'ida sariq - qizil rangli 150 ml dan ko'proq suyuqlik to'plangan.

**Katta qorin** va ichaklarning ayrim joylari doirasimon shishib, gaz to'plangan. **Katta, to'r va qatqorinlar** yarim suyuq massa bilan to'lgan. Ayrim qo'ylarda qorinning qatlami osonlik bilan ko'chishi, qizarishi, shilliq osti qatlamining ochilishi va turli xil gemorragiyalar ko'riladi. Ko'pincha **shirdon** va **ingichka ichaklar** shilliq pardalarida giperemiya va gemorragik jarayonlar uchraydi. Shuningdek 10 - 15 kun davomida kasallangan qo'zilarining shu a'zolarida yeroziya va yaralar ham ko'proq uchraydi. Taloq kattalashgan, ayrim hollarda ikki martagacha, chetlarida nuqtali va dog'li qon quyulishlar mavjud konsistenmiyasi so'lg'in, ranga qoramtir - olchasimon, qirindi ko'k ajraladi, ba'zi joylari, ayniqsa oldingi qismi shishgan va yumshagan.

**Jigar** kattalashgan, yumshagan, chetlari yumaloqlashgan, kesganda tuzilishi noaniq, ayrim qo'zilarida sarg'ish - qo'ng'ir rangda, oqish nekratik o'choqlar mavjud bo'lib, ular parenximaga chuqur kiradi. O't xalta quyuy to'q yashil rangli o't suyuqligi bilan to'lgan.

**Buyraklar** kattalashgan, lattasimon, tomirlarda qon turg'unligi ko'rinadi, kansulasi osonlik bilan ajraladi, yuzasida nuqtali qon quyulishlar ko'rinadi, kesib ko'rilganda shishgan, qobiq va miya qismlari chegarasi noaniq.

Ko'proq bo'shlig'ida 100 ml gacha qizil yoki sariq tusli suyuqlik to'plangan. Plevrada mayda nuqtali qon quyulishlar mavjud, tomirlar qon bilan to'lgan. Mazkur so'lg'in, qorinchalarda qon to'lgan bo'lib, suyuq to'q rangda, yendokordda nuqtali qon quyulishlar.

**O'pka** shishgan, qon tomirlari turg'un holatda, kansula ostida nuqtali qon quyulishlar, kesib ko'rilganda bronxlard ko'pincha yekksudat to'plangan. Ba'zi joy-

larda nekratik pnevmoniya va plevropnevmoniya rivojlangan.

Ikkinchi guruh (**1 - 6 oylik**) qo'ylarda o'lim birinchi guruhga nisbatan ancha kam, patologoanatomik o'zgarishlari ham farq qiladi. Ko'pincha kasallik surunkali kechib qo'ylar rivojlanishdan qolgan, chunki xurpaygan, ayrimlarida yesa to'kilgan, doimiy ich ketish kuzatiladi. Mazkur klinik belgilari bilan qo'zilar arriqlanib, ayrimlari o'ladi.

Yorib ko'rilganda, teri osti qon tomirlarining barchasi qon bilan to'lgan, teri ajratilganda kurak oldi, bo'yinni pastki qismlari va chotning qontalash bo'lishi, sariq shilimshiq moddaning yig'ilishi kuzatiladi.

Qon yo'q qizil rangda, ivigan, seroz va shilliq pardalarda ko'k sonli dog'simon qon quyulishlar mavjud. Tana muskullari atrofiyaga uchragan. Jag' osti, bronxlardan, o'pka oralig'i, hamda tutqich limfa tugunlari kattalashgan, turg'un holatda, ayrimlarining yuzasida gemorragiyalar rivojlangan, kesganda sersuv - ko'krang va qorin bo'shliqlarida sarg'ish rangda yekksudat to'plangan, katta qorin, qat qorin va to'r qorin quyuuq oziqa bilan to'lgan, ayrima buzoklarda juda tez gaz hosil bo'ladi va qorinlar shishadi, yorganda qatlami osonlik bilan ajraladi.

**Shirdon** shilliq pardalarining qon tomirlari turg'un holatda, ayrim joylarida nuqtasimon, ba'zi qo'ylarda dog'simon qon quyulishlar, yeroziya va yaralar hosil bo'lgan.

**Taloq** kattalashgan, ayrimlarida 2 - 2,5 martagacha kesib ko'rilganda to'q qizil rangda bo'lib, qirindi ko'p ajraladi. Yuza qismda mayda nuqtali qon quyulishlar mavjud.

**Jigar** kattalashgan, qon tomirlari qon bilan to'lgan, konsistensiyasi so'lg'in, ayrim qo'ylarning jigarida ko'p sonli o'choqlar mavjud, kesib ko'rilganda yegli o'choqlar parenximada chuqur kirib borganligi ko'rindi. O't xaltalari ko'pincha kattalashgan, quyuuq cho'ziluvchan o't bilan to'lgan.

**Buyraklar** shishgan, so'lg'in, qon tomirlarida turg'unlik, ayrim joylarida kansula ostida 2 - 3 sm kattalikda infarktga o'xshash oq rangdagi o'choqlar mavjud. Shunday holat ko'pincha 3 - 4 oylik qo'zilar uchraydi. Kesib ko'rilganda buyraklar parenximasi shishgan, qobiq va miya qismi chegarasi bilinmaydi. Gpiyeremiya holatida. Ko'krak bo'shlig'ida 250 ml gacha qizil - sarg'ish rangli suyuqlik to'plangan. koronar va mayda qon tomirlari turg'un holatda, miokard so'lg'in ko'pincha pishirilgan go'shtga o'xshaydi.

**Endokarda** nuqtali, ba'zi qo'ylarda yesa dog'simon qon quyulishlar juda ko'p uchraydi. O'pka shishgan, qon tomirlari qon bilan to'lgan, kesib ko'rilganda branx va olaveolalarda shilimshiq aralash suyuqlik to'lgan. Ayrim qo'ylarning **o'pkasida**, ayniqsa chak bo'lganida, gepatizasiya va jiratik o'choqlar hosil bo'lgan. Ba'zi qo'ylarda krupoz pnevmoniyaning nekrozlanuvchi va yiringli holatga o'tganligi aniqlanadi.

**Ingichka ichaklarda** juda sassiq hidli suyuq massa va gaz to'plangan, ichak devorlari yupqalashgan, o'niki barmoqli va och ichaklarning shilliq pardalarida ko'p sonli no'qtali va dog'simon qon quyulishlar bo'lib, ba'zi bir joylarda yesa yaralar va yeroziyalar hosil bo'lgan. Ichaklarning Peyer tugunlari hamda shishgan, kattalashgan, ayrim qo'ylarda g'unchasimon. Yuqon ichaklarda ham suyuq sassiq hidli massa to'plangan, ko'r va chamber ichak shilliq pardalarida ko'p sonli nuqtali qon quyulishlar mavjud. Ba'zi qo'ylarning yo'g'on ichak shilliq pardalari kataral - gemorragik yalig'laniga uchragan.

#### **Xulosalar.**

1. Pasterellyoz kasalligi fermer xo'jaliklarida qo'ylar orasida keng tarqalgan.

2. Kasalliklarning klinik belgilariga qarab diagnoz qo'yish juda murakkabdir. Shuning uchun epizootologik ma'lumotlar, patologoanatomik o'zgarishlar va bakteriologik tekshirish natijalaridan foydalanish kerak.

3. Pasterellyoz bilan kasallangan qo'ylarda patomorfoloqik o'zgarishlar barcha parenximatuz organlarda qon quyulishlar, o'pkada kataral - fibrinli pnevmoniya va tomirlarning to'laqonligi, shishlar, os-hqozon - ichaklarda kataral - gemoragik gastroenterit bilan ifodalanadi. Mazkur kasalliklar bilan kasallangan qo'ylarda pasterellalarning virulentligi yuqori bo'lganligi sababli pasterellezga xos o'zgarishlar yaqqol namoyon bo'ladi.

4. Pasterellyoz kasalligi keng tarqalgan bo'lib, ularga o'z vaqtida diagnoz qo'yish, hamda zarur chora tadbirlarni bajarish xo'jaliklar uchun muhim iqtisodiy omil kasb etadi. Diagnoz qo'yishda patomorfoloqik o'zgarishlarni tahlil etish bilan birga qo'zg'atuvchilarni turli bakteriologik usul bilan aniqlash lozim.

#### **Amaliy tavsiyalar.**

1. Qo'ylarning pasterellyoz kasalligiga diagnoz qo'yishda ularning organizmida ro'y bergan patomorfoloqik o'zgarishlarning murakkabligiga e'tibor berish kerak.



2. Qo'ylarning pasterellyoz kasalligi uchraganda qo'zg'atuvchilar tarkibida pasterellalar mavjud bo'lsa, patomorfologik o'zgarishlar ko'pincha pasterellyozga xosdir, chunki uning virulentligi boshqa qo'zg'atuvchilarga nisbatan ancha yuqoridir.

3. Shuning uchun ham kasallikning klinik, patomorfologik o'zgarishlariga ahamiyat berish zarur.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Абдусаттаров А. Распространение, клинические проявления и патологоанатомические изменения пневмонии каракульских ягнят - Инфекционная патология животных в Узбекистане. Ташкент, 1990. с – 3.

2. Андреев Е.В., Смешанная вирусно – микоплазменная инфекция// “Ветеринария” 1990 № 8

с.30 – 32.

3. Бурлуский И.Д. Диспенсия новорожденных телят в Узбекистане. Ташкент. – Фаж. 1989 с.17.

4. Бурлуский И.Д., Туракулов Б.Т., результаты изучения колибактериоза и сальмонеллеза телят в промышленных комплексах Узбекистана. Болезны с/х животных. Ташкент – 1987. с. 19 – 37.

5. Бурлуский И.Д., Япаров Е., Тўракулов Б – Т. Основы профилактики и ячения болезней молодых. С.науч. Труд УзНИВИ, Ташкент – 1993. с -24.

6. Канопаткин А.А., Максимова Х.А. Смешанная инфекция пастереллез телят. “Ветеринария” - 1992. № 5. с – 33 – 34.

7. Парманов Ж.М., Элмуродов Б.А. Патологоанатомические изменения при респираторном пастереллез телят. Тезисы. Науч. Конф. Посвященные 70 лет Уз НИВИ 1996 с. 118.



## YOSH QORAKO‘L QO‘YLARNI SAQLASH VA OZIQLANTIRISHNI MODERNIZASİYALASH

**Аннотация:** В данной статье обобщены результаты исследований, проведенных в рамках темы диссертации, освещены эффективные методы содержания в стадах вазэктомированных Баранов-испытателей и результаты сезонного кормления молодых каракульских овец методом гидропоники.

**Abstract:** This article summarizes the results of research conducted within the framework of the thesis topic, highlights effective methods of keeping vasectomized test Sheep in herds and the results of seasonal feeding of young Karakul sheep by hydroponics.

**Kalit so‘zlari:** global, vazektomiya, gidroponika, qorako‘l qo‘ylari, naslchilik, fartuk, sinovchi, NaCl, qurg‘oqchilik.

**Kirish.** Hozirgi kunda butun dunyoda global muammolardan biri, tabiiy iqlim ob-havo sharoitining keskin kontinental darajada o‘zgarib borayotganligi dunyo aholisini oziq-ovqat mahsulotlariga bo‘lgan talabini kuchaytirib bormoqda. Oxirgi ma‘lumotlarga binoan ayni paytda yer yuzida 2 milliard kishida sifatli oziq-ovqatga bo‘lgan kunlik ehtiyoj sezilmoqda. Qurg‘oqchilik, cho‘llanish, ichimlik suvi tanqisligi allaqachon ko‘plab mamlakatlarni qamrab olgan. O‘rganilgan ma‘lumotlarga qaraganda mamlakatimizda 2018 yilda umumiy suv tanqisligi 3 milliard kub metrni tashkil etgan.

Olimlarni hushyorlikka chorlaydigan jihati shundaki, 2030 yilga borib bu ko‘rsatkich 7 milliard kub mertni, 2050 yilda esa 13-15 milliard kub metrga ko‘tarilish ehtimoli yuqori. Soha mutaxassislari e‘tirof etishlariga qaraganda, yil sayin havo haroratining ko‘tarilish oqibatida tabiiy yaylovlarining cho‘llanish darajasi oshib, chorvachilik va dehqonchilik tarmoqlarida me‘yorga ko‘ra, suvga bo‘lgan ehtiyoj 10% ga ortish holati kuzatilishi mumkin. Yuqorida keltirilgan fikrlarga asoslanib, ushbu maqolada Qashqadaryo viloyati Qorako‘lchilik ilmiy naslchilik tajriba stansiyasi sharoitida 2020-2022 yillarda olib borilgan tadqiqot tajriba natijalari jamlanib, umumiy xulosalar bayon etilgan.

**Ilmiy tadqiqot usullari.** Aynan yuqorida inson

ehtiyoji omiliga qaratilgan dolzarb muammolarni evristik yondoshuvlar asosida yosh qorako‘l qo‘ylarni saqlash va oziqlantirishda resurs tejamkor texnologiyalardan foydalanish uslublari qorako‘lchilik ilmiy naslchilik tajriba stansiyasida amaliyot sinovlari o‘tkazildi. Shuningdek, qurg‘oqchil sharoitda suruvlarda sinovchi qo‘chqorlarni saqlashda fartukli sinovchilar vazektomiya qilingan qo‘chqorlar bilan almashtirilib, mavsumiy sun‘iy urug‘lantirish tadbirlarida samarali foydalanildi.

Jumladan, qorako‘l qo‘ylarini mavsumiy oziqlantirishda gidroponika usulida maysalatilgan sifatli arpa ozuqasi hisobidan suvga bo‘lgan ehtiyojini ma‘lum miqdorda qondirish maqsadida tajriba sinovlari muvofiqiyatli tashkil etildi. O‘tkazilgan tadqiqotlar natijasida suvga to‘yintirilgan maysali yashil massa hisobidan hamda vazektomiya qilingan qo‘chqorlardan samarali foydalanish jarayonida suv, oziqa sarfi, texnomexanik sarf xarajatlari yetarli darajada bartaraf etildi.

**Tadqiqot natijalari.** Dastlab kuzgi qurg‘oqchilik davrida qorako‘l qo‘ylari organizmidagi biologik xususiyatlarni oshirish maqsadida gidroponika usulida o‘stirilgan to‘la qimmatli arpa oziqasini faollashtirishga ahamiyat qaratildi. Buning uchun uch to‘rt kun davomida maxsus usulda tajriba xo‘jaligi sharoitida ilk bor gidroponika usulida arpa donini o‘stirib oziqa sifatida yetiltirish ishlari maqsadli amalga oshirildi.

1-jadval.

### Gidroponika usulida arpa oziqasini maysalatish

No	Ko‘rsatkichlar	Saqlash sharoiti	Namlik %	Harorat °C	Oziqa birligi	Oziqa sarfi
1	Maysalatilmagan arpa oziqasi	Oziqa omborida	60-70	6-10	1,26	1 boshga 0,5 kg
2	Maysalatilgan konsentrat. qo‘shimcha NaCl	Maxsus qavatli moslama	90-100	15-20	1,40	1 boshga 0,4 kg

*Suruvdagi turli xil sinovchi qo'chqorlarning fiziologik holati*

№	Ko'rsatkichlar	Oziqa va suv sarfi	Sakrash holati	Sinov muddati	Koitus harakati	Aniqlash darajasi
1	Fartukli qo'chqorlar	1/1 nisbat	3-4 marta	28-30 kun	qoniqarsiz	60 %
2	Vazektoment qo'chqorlar	½ nisbat	7-8 marta	18-20 kun	qoniqarli	90 %

Bajarilgan tadqiqot natijalari quyidagi jadvalda aks ettirilgan.

Ushbu oziqalarni tayyorlashda avvalo 2 soat mobaynida kerakli miqdordagi oziqa mahsuloti suvga to'yintirildi. Keyin esa maxsus qavatli moslamada yoyilgan holda 3-4 kun davomida 1 kg maysalatilgan mahsulot tayyorlash uchun 1 litr miqdorda yomg'irlatib suv berildi. Saqlash sharoitiga muvofiq xona harorati, tozaligi kun davomida ikki marta nazoratdan o'tkazib turildi.

Tayyor bo'lgan oziqaning xushtam bo'lishi uchun belgilan miqdorda osh tuzi aralashmasi bilan boyitildi. So'ngra oziqa to'yimligi oshishi hisobidan tajribadagi qorako'l qo'ylarga belgilangan miqdorda maysalatilgan oziqa bilan mavsumiy oziqa ta'minoti yo'lga qo'yildi.

Navbatdagi tadqiqotlarimizda vazektomiya amaliyotidan o'tkazilgan sinovchi qo'chqorlarni izlab topuvchi belbog'li qo'chqorlar bilan suruvdagi harakatlanish holatini o'rganishdan iborat bo'ldi. Quyidagi jadvalda keltirilgan ko'rsatkichlar asosida ularning harakat fiziologiyasi o'rganildi.

Jadvalda keltirilgan ko'rsatkichlar quyidagicha tahlil etiladi. Fartukli qo'chqorlarda tabiiy jarayonda fartukdan foydanish orqali, vazektoment qo'chqorlarda esa jarrohlik amaliyotidan keyingi harakat fiziologiyasi kuzatilgan. Vazektoment qo'chqorlarning sakrash holatiga binoan ularni parvarishlash nazorat etildi. Sinov muddatining bir dekadaga qisqarishi bevosita oziqa va suv bo'lgan talabni kamaytirdi.

Shuningdek, vazektoment qo'chqorlarda koitus harakatining aspermiya holatida qoniqarli ekanligi sovliqlar bachadonida tuxum hujayralarining me'yorda yetilishini ta'minlaydi. Qo'chqorlarning sovliqlar ustidagi mavsumiy aniqlash darajasida sezilarli o'zgarish mavjudligi ortiqcha xarajatlarsiz bahorgi qo'zilatish mavsumini betalofat o'tkazilishida xizmat qildi.

O'tkazilgan va o'rganilgan tadqiqot tajriba natijalariga ko'ra, xulosa o'rnida quyidagi fikr mulohazalarni birdiramiz.

1. Qorako'lchilik xo'jaliklarida mavsumiy urug'lantirish muddatida girdoponika usulidan foydalanilsa xo'jalikda oziqa va suv sarfi sezilarli darajada pasayishini ta'minlash mumkin.

2. Fartukli qo'chqorlarga nisbatan vazektoment qo'chqorlardan foydalanish orqali bahorgi qo'zilatish mavsumini 30% ga oshirish mumkin.

**Foydalanilgan adabiyotlar ruyxati**

1. Sohibjon Topildiyev. Suv hayot uchun, suv oziq-ovqat uchun Yangi O'zbekiston gazetasi 13.10.2023 № 212. 1-3 bet.

2. Fayzullayev O.B., "Dumbali qo'ylardan mahsulot olishda oziqlantirish va saqlashning ahamiyati" dissertasiya ma'lumotlari.

3. Shonazarov D.B., Boboqulov N.A., Rasulov M.A. Qorako'l qo'ylarni tanlash va saralash. Chorvachilik va naslchilik ishi. 2020. №3. 20-21 b.

4. Shonazarov D.B., Boboqulov N.A., Berdiyev A.S. Qorako'lchilik xo'jaliklarida qorako'l qo'ylarni saqlash sharoitlari va ozuqa bazasini intensivlashtirish. "Cho'l yaylov chorvachiligining rivojlanish istiqbollari". QChEITI 90 yilligiga bag'ishlangan xalqaro ilmiy-amaliy konqyereniya materiallari. Samarqand-2020 yil 10-11 dekabr. 148-150 b.

5. Shonazarov D.B. Babakulov N.A. Djumanov S.M. Effective use of Afghan sheep in creation of athirst high quality karakul sheep. Published in vol. 24 no.1 December 2020. 300-302 pages.

6. Shonazarov D.B., Boboqulov N.A. Qorako'lchilik amaliyotida qo'shimcha baholash oziqlantirish sinovchi qo'chqorlarda vazektomiya usullarini texnologik modernizatsiyalash. Chorvachilik va naslchilik ilmiy-ommabop jurnali. Toshkent, 2021 yil № 4. 18-19 bet.

## TOVUQLAR EYMERIOZIGA QARSHI QO‘LLANILGAN KOKSIDIOSTATIKLARNING INVAZIYA INTENSIVLIGIGA TA‘SIRI

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada jo‘jalarning eksperimental eymerioziga qarshi sinalgan Sikostat va Aviaks 5%li koksidiostatiklarining invaziya intensivligiga ta‘sir doiralari o‘rganiladi.

**Summary:** In this article, the scope of influence of coccidiostats Sikostat and Aviax 5% on the intensity of invasion, tested against experimental eimeria of chickens, is studied.

**Kalit so‘zlar:** eymerioz, koksidiostatik, Aviaks, Sikostat, oosista, shpris, guruh, zond, guruh, reproduksiya.

**Mavzuning dolzarbligi.** O‘zbekiston Respublikasi-da chorvachilikning eng serdaromad sohalaridan biri bolgan tovuqchilik bugungi kunda aksionerlik, masuliyatli cheklangan jamiyatlarda, dehqon fermer va shaxsiy yordamchi xo‘jaliklarida ularning ko‘p bosh sonlari cheklangan joylarda, sun‘iy yorug‘likda to‘shamalar ustida boqilayotgan bir vaqtda invazion kasalliklaridan biri bo‘lgan eymerioz tez-tez uchrab parrandalarning ko‘pchiligini nobud qiladi.

Qolganlari esa o‘shish va rivojlanishdan orqada qolib xo‘jaliklarga kat5ta iqtisodiy zarar yetkazadi. Bu kasallik bilan kurashish ikki bosqichga bo‘linadi ya‘ni endogen va ekzogen bosqichlariga qarshi kurashish bo‘lib hisoblanadi.

Ekzogen bosqichiga qarshi kurashish uchun turli xil dezenfiktantlar ishlatiladi ammo lekin kasallik qo‘zg‘atuvchilarni to‘lig‘icha nobud qilish xususiyatiga ega emas.

Faqtgina 100°C li qaynoq suv, par yoki gaz alan-gasi bilan kuydirish orqali tovuqxonani 100% kasallik qo‘zg‘atuvchilaridan ozod etishga erishiladi.

Kasallikning endogen bosqichiga qarshi kurashish uchun Koksidiostatiklardan foydalaniladi, ammo lekin qo‘llanilayotgan koksidiostatiklarga nisbatan eymerioz qo‘zg‘atuvchilarining immunogenlik xususiyatlari turlicha bo‘lganligi sababli tez orada qo‘zg‘atuvchilar preparatlarga o‘rganib qoladi, agarda birorta yangi koksidiostatik bitta xo‘jalikda kasallikning oldini olish maqsadida ishlatilganda ko‘pi bilan 4-5 yil ishlatish mumkin.

Bu muammolarni bartaraf etish maqsadida preparatlar vaqti vaqti bilan almashlab ishlatilishi zarur.

Yuqoridagi muammolardan kelib chiqib o‘z oldimizga Sikostat va Aviaks 5%li koksidiostatiklarining invaziya intensivligiga ta‘sir doiralari o‘rganishni o‘z oldimizga maqsad qilib qo‘ydek.

**Materiallar va metodlar:** Laboratoriya tajribalari uy sharoitida va «Hayvonlar fiziologiyasi, biokimyosi va patologik fiziologiya» kafedrasining ilmiy labora-

toriyasida olib borildi. Bu borada laboratoriya tajribalarini bajarish uchun «Lomann SL klassik» zotiga ma‘nsub bir kunlik jo‘jalar Samarqand SP «Og‘aliq Lomann Parranda» tovuqchilik xo‘jaligidan olinib kelinib umumiy gala qilib to‘shamalar ustida joylashtirib boqildi va 14 kunligida, ulardan har birida 20 boshdan qilib 4 ta guruh tuzildi.

Birinchisi qiyosiy toza nazorat bo‘lib ular tajriba oxirigacha xo‘jalik ratsioni asosida oziqlantirildi.

Ikinchisi qiyosiy yuqtirilib davolanmagan nazorat guruhi jo‘jalari eymerioz kasalligi qo‘zg‘atuvchilarining eng virulentli turlari bilan (Ye.asurvulina-250 ming, Ye.maksima-20 ming, Ye.tenella-50 ming dona 1 mm<sup>3</sup> suspenziyada) oldin o‘ldirish dozasi (O‘D<sub>50-75</sub>) titrlangan, sporalangan ootsistalar shpris zond orqali 1 ml.dan jo‘jalarning zobiga yuborilib zararlantirildi va tajriba oxirigacha preparatsiz oziqa bilan boqildi.

Uchinchi tajriba guruhi jo‘jalariga yuqtirilishi bilanoq 1-28 kun davomida Sikostat koksidiostatigidan 500 mg/kg oziqa bilan berildi.

To‘rtinchi tajriba guruhiga esa Aviaks 5%li preparati qo‘llanmasiga asosan 12 kun davomida 500mg/kg oziqa bilan berildi.

Jo‘jalar eymerioz qo‘zg‘atuvchilari bilan yuqtirildandan keyin invaziyaning intensivligini tajribaning 5, 7, 10, 15 va 20-chi kunlari GOST 25383-82 (ST SEV 2547-80) «Metod laboratornoy diganostiki koksidioza» qo‘llanmasiga asosan 1 gramm axlat tarkibidagi ootsistalar soni aniqlandi.

**Olingan natijalar:** Qullanilgan preparatlarning invaziya intensivligiga ta‘sir doiralari tajribaning 5,7, 10, 15, va 20- kunlari aniqlanganda tajribaning 5- chi kuni Sikostat va Aviaks 5% qo‘llanmasiga asosan olganlarida ya‘ni 3 va 4 tajriba guruhlar axlatlari bilan 318-364 ming dona ootsistlar ajratdi.

Yuqtirilib davolanmagan qiyosiy nazorat guruhi-dagi jo‘jalar axlati bilan 1.212 ming dona ootsistlar ajratdi. Tajribaning 7- kuniga kelib 3-4 guruh jo‘jalari axlatlari bilan 416-419 ming dona ootsistlar ajratdilar.

**Jo'jalar eksperimental eymeriozida qo'llanilgan koksidiostatiklarning invaziya intensivligiga ta'siri**

T/r	Guruhlar nomi	Preparatlar nomi	Dozasi (mg/kg oziqa bilan)	Guruhlardagi jo'jalar bosh soni	Saqlanuvchanlik (%)	Invaziya intensivligi (1 g axlatda ming ootsista)				
						Kuzatish kunlari				
						5	7	10	15	20
1	Qiyosiy yuqtirilmagan toza nazorat	-	-	20	100	-	-	-	-	-
2	Qiyosiy yuqtirilib davolanmagan nazorat	-	-	20	40	1.212	1.836	268	52	5
3	Tajriba	Sikostat	500	20	100	318	416	61	5	2
4	Tajriba	Aviaks 5%	500 4	20	100	364	419	56	3	1

Bu ko'rsatkich 2-chi guruh jo'jalari axlatida ootsistlar 1.836 ming donani tashkil etdi.

Laboratoriya tajribalarining 10, 15 va 20 chi kunlariga kelib 3-4 chi guruhdagi jo'jalarning axlatida ootsistalar 61-5-2 va 56-3-1 ming donalarni tashkil etgan bo'lsa.

Bu ko'rsatkich 2-guruh jo'jalarining 1 g axlatida 268-52-5 ming donalarni tashkil qildi. Olingan natijalar jadvalda keltirilgan.

**Xulosa:** Laboratoriya tajribalaridan olingan natijalarga asoslanib ta'kidlash mumkinki, jo'jalarning eksperimental eymeriozida qo'llanilgan preparatlar ya'ni Sikostat va Aviaks 5% li koksidiostatigi invaziyaning intensivligini 4-5 barobarga kamaytirar ekan invaziyaning maksimal intensivligi tajribaning 5-7 kunlari 2-qiyosiy yuqtirib zararlantirilib davolanmagan nazorat guruhida kuzatildi.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Барышников, А.А. Распространение эймериоза кроликов в хозяйствах северного Зауралья, профилактика и меры борьбы/А.А. Барышников // Сибирский вестник сельскохозяйственной науки, 2006. -№ 5. 82-83
2. Белова, Л.М. Кокцидиозы кур / Л.М. Белова, М.Б. Крилов // Актуальные вопросы ветеринарной биологии, 2013. -№ 3(19). -С. 43-48.
3. Журавлева, А.З. Кинетика мадурамицина в организме цыплят при применении препаратов мадувет и цигро / Журавлева А.З., Русаков С.В. // Рос-

сийский паразитологический журнал, 2011. - №4. -С. 114-117.

4. Кузнецов, В.В. Влияние некоторых эймериостатических препаратов и схем профилактики эймериоза на клинический статус и энтеробиоценоз цыплят-бройлеров: Дисс. ... кандидата вет наук: 03.00.19/ В.В. Кузнецов - Тюмень, 2006. - 122 с.

5. Лукьянов, М.Д. Патологическая анатомия и патогенез кокцидиоза цыплят / М.Д. Лукьянов // Ученые записки Казанского зооветинститута, 1937. -Т. 47.-С. 29-32.

6. Майоров, А.И. Эффективность байкокса при эймериозе кроликов / А.И. Майоров, Т.К. Карелина, Т.С. Скрябина // Кролиководство и звероводство, 2012. - № 4. - С.

7. Влияние транквилизаторов на морфологические показатели крови цыплят. Д Тошмуродов, Д Эшимов, Д Ибрагимов. 2021.

8. Сравнительная активность кокцидиостатиков при эймериозе птиц. РБ ДАВЛАТОВ, Д ИБРАГИМОВ - Вестник ветеринарии, 2012.

9. Tovuqlar eymeriozi kolibakterioz bilan aralash kechishining kimyoprofilaktikasida ishlatiladigan fensid premiks sinergitkar alashmali preparatning o'tkir va surunkali zaharlilik darajasini aniqlash. FD Ibragimova, AS Daminov, GX Mamadullayev - Agrobiotexnologiya va veterinariya, 2022.

10. Эффективность некоторых кокцидиостатиков при эймериозе птиц и их влияния на интенсивности инвазии. Ф Ибрагимова, Д Ибрагимов, Д Эшимов, С Алияров - Перспективы развития ветеринарной науки и её, 2022.

## JO‘JALARNING EKSPERIMENTAL EYMERIOZIDA QO‘LLANILGAN KOKSIDIOSTATIKLARNING JIGAR VA QON NZARDOBIDAGI A VITAMIN MIQDORIGA TA’SIRI

**Annotatsiya:** Maqolada jo‘jalar eymeriozi qo‘zg‘atuvchilariga qarshi qo‘llanilgan Toltroks va Amprovet 25 preparatlarining jo‘jalar jigari hamda qon zardobidagi retinol miqdoriga ta’sir doiralari o‘rganilgan.

**Summary:** In the article, the effects of Toltrox and Amprovet 25 drugs, used against the causative agents of chicken eimeria, on the amount of retinol in the liver and blood serum of chickens were studied.

**Kalit so‘zlar:** jo‘ja, eymerioz, koksidiostatik, qon, zardob, jigar, guruh, toltroks, Amprovet25.

**Mavzuning dolzarbligi.** Hozirgi kunda parrandalar dehqon fermer va shaxsiy xo‘jaliklarda bosh soni ko‘p miqdorda saqlanganligi uchun ular orasida yuqumli va invazion kasalliklar tez – tez uchrab turadi.

Jumladan, eymerioz kasalligi sababli 60 -80 % gacha parrandalar nobud bo‘ladi, qolganlari o‘shish va rivojlanishdan qoladi mahsuldorligi pasayadi.

Kasallikning qo‘zg‘atuvchilari qo‘llanilayotgan preparatlarga tezda o‘rganib qoladi. Shuning uchun, ham bu kasallikni davolash va oldini olish borasida doimo izlanuvchanlik talab qilinadi.

Ba’zi kimyoviy preparatlarning jo‘jalarning jigar va qon zardobidagi A vitamin miqdoriga ta’sir doiralari ni o‘rganish ilmiy va amaliy jihatdan qiziqish uyg‘otadi.

**Materiallar va metodlar.** Laboratoriya tajribalari uy sharoitida va Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti, “ Hayvonlar fiziologiyasi, biokimyosi va patologik fiziologiya ” kafedrasiga qarashli ilmiy laboratoriyada ilmiy tadqiqot ishlari olib borildi.

Tajriba uchun Samarqand Germaniya qo‘shma “Og‘alik Lomann Parranda” tovuqchilik xo‘jaligidan

“ Lomann Braun – Klassik ” zotiga ma’nsuq bir kunlik 180 bosh jo‘jalar olib kelindi va umumiy gala qilib to‘shama ustiga joylashtirilib to tajriba boshlanganiga qadar preparatsiz toza oziqa bilan boqildi. O‘n to‘rt kunligida ulardan to‘rtta guruh tuzildi jumladan: birinchisi qiyosiy toza nazorat guruhi 40 bosh; ikkinchisi yuqtirilib davolanmagan qiyosiy nazorat guruhida 60 bosh.3-4-guruhlarda 4 boshdan.

Ular oldin O‘D<sub>50-75</sub> dozasi titrlangan, sporalangan ( e. asservulina 250 000, e. maksima – 20 000 va e. tenella – 50 000 dona 1 mm<sup>3</sup> suspenziyada ) sporalangan ootsistalar shpris zond orqali 1 ml dan zobiga jo‘natilib zararlantirildi va tajriba oxirigacha toza oziqa bilan boqildi.( 2-guruh) Uchinchi tajriba guruhidagi 40 bosh jo‘jalar zararlantirilishi bilan Toltroks preparati 1ml/ l suv bilan 2 kun davomida ichirildi, to‘rtinchi tajriba guruhidagi jo‘jalar zararlantirilishi bilanoq 10-12 kun amprovet 25 preparati 500 mg/ kg oziqa bilan 10-12 kun davomida berildi.

Tajribaning 5,7,10,15 va 20- chi kunlari har guruhdan 5 bosh jo‘jalar so‘yilib qon zardobi va jigar tarkibidagi A vitamin miqdori I.A. Besseyeva va A. A.

1-jadval.

Jo‘jalarning eksperimental eymeriozida koksidiostatiklarning jigar tarkibidagi  
A vitamin miqdoriga ta’siri (M ± m)

T/r	Guruhlar nomi	Preparatlar nomi	Miqdori (mg/kg oziqa bilan)	A vitamin miqdori (mkmol/l)				
				Tekshiruv kunlari				
				5	7	10	15	20
1	Qiyosiy toza nazorat guruhi	-	-	90,12 ±1,30	99,32 ±1,65	109,32 ±1,65	122,41 ±1,85	141,02 ±2,55
2	Yuqtirilib davolanmagan nazorat guruhi	-	-	64,02 <sup>xxx</sup> ±1,50	44,12 <sup>xxxx</sup> ±2,51	69,69 <sup>xxxx</sup> ±1,19	108,89 <sup>xx</sup> ±3,25	148,16 ±1,85
3	Tajriba	Toltroks	1ml/l suv bilan 2kun	88,10 ±1,50	101,24 ±1,21	110,63 ±1,95	128,81 ±1,25	143,30 ±2,50
4	Tajriba	Amprovet 25	500	85,19 ±2,60	97,09 ±2,54	108,90 ±1,30	125,92 ±1,77	137,35 ±1,42

Eslatma: xx-p< 0,02; xxx-p< 0,01; xxxx-p< 0,001

Jo'jalarning eksperimental eymeriozida koksidiostatiklarning qon zardobidagi A vitamin miqdoriga ta'siri

T/r	Guruhlar nomi	Preparat-lar nomi	Miqdori (mg/ kg oziqa bilan)	A vitamin miqdori (mkmol/l)				
				Tekshiruv kunlari				
				5	7	10	15	20
1	Qiyosiy toza nazorat guruhi	-	-	1,18, ±0,03	1,74 ±0,07	1,86 ±0,03	2,00 ±0,09	2,15 ±0,03
2	Yuqtirilib davolanmagan nazorat guruhi	-	-	0,79 <sup>xx</sup> ±0,03	0,58 <sup>xxxx</sup> ±0,03	1,16 <sup>xxx</sup> ±0,03	1,79 ±0,07	1,98 ±0,07
3	Tajriba	Toltroks	1ml/1 suv bilan 2 kun	1,14 ±0,03	1,58 ±0,03	1,64 ±0,07	1,96 ±0,07	2,05 ±0,03
4	Tajriba	Amprovet 25	500	1,12 ±0,03	1,55 ±0,12	1,6 ±0,03	1,88 ±0,03	1,99 ±0,03

Eslatma: xx-p< 0,02; xxx-p< 0,001 , xxxx-p< 0,001

Anisovalarning ( 1969 y.) takomillashgan spektrofotometriya usulida aniqlandi. Laboratoriya tajribalaridan olingan raqamlarga S.I. Lutenskiy va boshqalar (1990) bo'yicha statistik ishlov berilib raqamlardagi farq Student jadvalida aniqlandi (p<0.05).

Qo'llanilgan koksidiostatiklar jo'jalarning jigari va qon zardobi tarkibidagi A vitamin miqdoriga ta'sirini o'rganish maqsadida tajribaning 5,7,10,15 va 20- chi kunlari spektrofotometr SF – 46 asbobida tekshirilganida tajriba oxirigacha tajriba guruhlaridagi jo'jalarning jigari va qon zardobidagi A vitamin miqdorlari qiyosiy toza nazorat guruhi jo'jalarining jigari hamda qon zardobidagi A vitamin miqdoridan farq qilmadi p> 0.05.

Bu borada jigar va qon zardobi tarkibidagi A vitamin miqdorining o'zgarishi, ikkinchi yuqtirilib davolanmagan nazorat guruhi jo'jalarida kuzatildi.

Shunday qilib 1-2 jadvalda keltirilgani kabi tajribaning 5 –chi kuni jigarda A vitamin 29 %, qon zardobida esa 33.1% - larga birinchi guruh jo'jalarining jigar va qon zardobidagi miqdoriga nisbatan kamaygan.

Tajribaning 7 –chi kuniga kelib A vitamini jigarda 55.6 % va qon zardobida esa 66.7% - larga ozaygan.

Laboratoriya tajribalarining 10 – 15- chi kunlari retinol jigar tarkibida 36.3 – 11.4 % va qon zardobida 33.7 -10.5 % - larga kamayib, tekshirishning 20 – chi kuniga kelib birinchi toza nazorat guruhidagi jo'jalar jigari va qon zardobidagi A vitamin miqdoridan farq etmadi p> 0.05.

**Xulosa.** Laboratoriya tajribalaridan olingan natijalarga asoslanib xulosa qilinganda jo'jalarning eksperimental eymeriozida qo'llanilgan koksidiostatiklar jigar va qon zardobidagi A vitamin zaxirasiga salbiy ta'sir

etmas ekan. Umuman olganda koksidiroz invaziyasi organizmdagi vitamin A zaxirasiga salbiy ta'sir ko'rsatar ekan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Мусаев, М.А. Состояние Т- и В-систем иммунитета при эймериозе (*Eimeria tenella*) домашних кур / М.А. Мусаев, Я.Я. Елчиев, Р.И. Мадатов // Паразитология, 1996. - № 4(30). - С. 336-342.
2. Палушевский, А. Комплексный мониторинг кокцидиоза, его диагностика и профилактика / А. Палушевский, Н. Яковлева // Птица и птицепродукты, 2011. - № 5. - С. 47-50
3. Разбицюш, В.М. Комбинированный препарат для профилактики и лечения кокцидиозов у бройлеров и ремонтного молодняка кур / В.М. Разбицкий, П.Н. Юшманов // Вопросы нормативно-правового регулирования в ветеринарии. 2012. - № 4-2. - С. 85-86.
4. Влияние транквилизаторов на морфологические показатели крови цыплят. Д Тошмуродов, Д Эшимов, Д Ибрагимов. 2021.
5. Сравнительная активность кокцидиостатиков при эймериозе птиц. РБ ДАВЛАТОВ, Д ИБРАГИМОВ - Вестник ветеринарии, 2012.
6. Tovuqlar eymeriozi kolibakterioz bilan aralash kechishining kimyoprofilaktikasida ishlatiladigan fensid premiks sinergitkar alashmali preparatning o'tkir va surunkali zaharlilik darajasini aniqlash. FD Ibragimova, AS Daminov, GX Mamadullayev - Agrobiotexnologiya va veterinariya, 2022.

## BUZOQLAR GIPOPLASTIK ANEMIYASINING ETIOPATOGENEZI

**Аннотация:** В статье приведено роль алиментарных факторов в этиологии, характерные клинические признаки и патогенеза при гипопластической анемии у телят в условиях хозяйств развивающихся интенсивном технологии.

**Abstract:** The article presents the etiology, nature of the course, clinical signs and some morpho-biochemical arguments of blood in case of anaemia in calves in conditions of intensively developing farms.

**Калит сўзлар:** alimentar anemiya, gipoplastik, matsion, simptom, gipogemoglobinemiya, rezistentlik, folat kislotasi, eritrotsit, gemoglobin, makro- va mikroelementlar.

**Mavzuning dolzarbligi.** Buzoqlarni parvarishlashda biologik faol moddalar, makro- va mikroelementlar bo'yicha takomillashmagan ratsionda boqish, faol matsion va quyosh nurining yetishmasligi ular da modda almashinuvlarining izdan chiqishi, shuningdek, anemiya kasalligining tez-tez qayd etilishi, kasallangan buzoqlarning o'sish-rivojlanishdan qolishi, organizm rezistentligining pasayishi oqibatida turli kasalliklarga nisbatan moyillikning ortishi, kasallangan buzoqlarni davolash tadbirlari uchun xarajatlarning ko'payishi va nasillik xususiyatlarining pasayishi oqibatida kelajakda podani to'ldirish uchun yaroqsiz bo'lishi xo'jaliklarga katta iqtisodiy zarar yetkazmoqda.

Adabiyot ma'lumotlarining tahlili va ilmiy tadqiqot tekshirishlar natijalari shuni ko'rsatadiki, hozirgi kungacha Respublikamizning chorvachilik jadal rivojlanayotgan fermer xo'jaliklarida parvarishlanayotgan buzoqlar orasida anemiyalarning tarqalish darajasi, sabablari, patogenezi, klinik namoyon bo'lishi, ertachi diagnostikasi hamda kasalliklarni davolash va oldini olish chora-tadbirlari to'liq o'rganilmagan.

Gipoplastik anemiya yosh hayvonlarda ko'p uchrab, asosan qonni shakilli elementlari ishlab chiqarilishi uchun kerakli plastik materialni yetishmasligi oqibatida gemopoezni buzilishi bilan xarakterlanadi. Buzoqlar asosan kuz va qish fasllarida kasallanib, yangi tug'ilgan hayvon organizmida asosan temir, mis va kobalt elementlarining, vitaminlar va oqsillarning yetishmasligi, saqlash sharoitlarining zoogigienik talablar darajasida bo'lmasligi kasallikning kelib chiqishida asosiy omillar hisoblanadi. Kasallik temir va boshqa elementlarning ichaklar orqali so'rilishining yomonlashishi, ratsionda askorbin kislotasi, tokoferol va oltingugurt saqlovchi aminokislotalarning yetishmovchiligi hamda organik kislotalar ortiqcha bo'lganda ham rivojlanishi mumkin [2, 5, 8].

Bu zoqlarda anemiyalarning sabablari turlicha

bo'lib, ularning rivojlanishida eritrotsitlarning suyak iligi imkoniyatlaridan ko'p darajada o'lishi, eritropoezning buzilishi oqibatida eritrotsitlarning kam miqdorda hosil bo'lishi va gemoglobinning kamayishi asosiy o'rinni egallaydi. Shuningdek, buzoqlar alimentar anemiyasida etiologik omillar organizmga mis, temir, kobalt, B<sub>12</sub> vitamini va folat kislotasini yetarli miqdorda tushmasligi, temirga nisbatan ehtiyojning kuchayishi ham asosiy omillar hisoblanadi [1,3, 6].

Makrotsitoz bilan birgalikda uchraydigan gipoxrom anemiya qon ishlab chiqarilishini ta'minlovchi omillar – kobalt, mis, B<sub>12</sub> vitamini va folat kislotasi yetishmovchiligi bilan izohlanadi [1,4,11].

E.V.Kraskova (2017) ma'lumotlariga ko'ra, gipoplastik anemiya buzoqlarda umumiy holsizlanish, ishtaha va teri elastikligining pasayishi, nafas va yurak o'rishining tezlashishi, ovqat hazm qilish organlari faoliyatining buzilishi, og'iz, burun, ko'z shilliq pardasining quruqlashishi va oqarishi bilan xarakterlanadi. Periferik qonda gemoglobin konsentratsiyasining - 11,52-18,51%, gemotokrit ko'rsatkichini - 18,33-22,22%, eritrotsitlar sonini - 21,25-33,33%, leykotsitlarni - 26,56-31,19%, retikulotsitlarni - 63,33-78,13% ga kamayishi qayd etilgan [1].

Alimentar anemiya paytida eritrotsitlar sonining biroz kamayishi, tarkibidagi gemogloblin konsentratsiyasining esa keskin kamayishi, qon rang ko'rsatkichining 0,8 dan past bo'lishi (gipoxrom anemiya) qayd etiladi. Bu zoqlar qonidagi gemoglobinning miqdori - 5 mln/mkl gacha kamayadi. Qon zardobidagi temirning miqdori 100 mkg% dan past bo'ladi [6].

Hayvonlar ratsionida kletchatkaning ortiqcha bo'lishi va kattaqorin muhitining kislotalik tomonga o'zgarishi mikrofloralar faoliyatining pasayishi, shuningdek, ular tomonidan B guruhi vitaminlari sintezlanishining kamayishiga sabab bo'ladi [9,10].

Suyak iligida qon hosil bo'lishining holatiga ko'ra,



regenerator, giporegenerator va aregenerator anemiyalar farqlanadi [7, 11].

Tuzlar holiday temir ichaklarda oziq ovqatlar tarkibidagi organik birikmalar holiday temirga nisbatan yengil so'riladi. Ratsionda hayvonot olami oqsillari yetarli miqdorlarda bo'lganda temirning so'rilishi sezilarli darajada ko'payadi [5, 12].

**Tadqiqotlar ob'ekti va uslublari.** Buzoqlarda alimentar anemiyaning sabablari, kechish xususiyatlari va gematologik o'zgarishlarini o'rganish bo'yicha ilmiy tadqiqotlarimiz 1-4 oylik buzoqlarda bajarildi.

Buzoqlarda alimentar anemiyaning sabablari va patogenezini o'rganish hamda qondagi o'zgarishlarni aniqlash maqsadida 1 oylik golshtinfriz zotli buzoqlardan 8 bosh "o'xshash juftliklar" tamoyili asosida ajratilib, ular 4 oylikgacha har 20 kunda bir marta klinik va gematologik tekshirishlar o'tkazilib borildi. Klinik tekshirishlar bilan ishtaha va shilliq pardalar holati, tana harorati, yurak urishi va nafas soni, teri va teri qoplama-si, tana vaznining kunlik ortishi aniqlandi.

Buzoqlardan olingan qon namunalari BIOBASE gemoanalizatorida tekshirildi. Bunda eritrotsitlar (RBC), leykotsitlar (WBC) soni, gemoglobin (HGB), gematokrit (HCT) ko'rsatkichlari, eritrotsit tarkibidagi gemoglobin miqdori (MCH), gemoglobinning xujayradagi konsentratsiyasi (MSNSI), umumiy oqsil (g/l), albumin (g/l), glyukoza (mmol/l) miqdorlari, qonning ivish tezligi (Panchenkov asbobi yordamida), gematokrit (gematokrit asbobi yordamida) aniqlandi.

Xo'jalikda buzoqlar organizmining to'yimli moddalar, vitaminlar va shuningdek, makro- va mikroelementlarga bo'lgan ehtiyojlarining qondirilish darajasini o'rganish maqsadida buzoqlar ratsioni tarkibi va to'yimligi bo'yicha zootexnikaviy tahlil qilindi.

**Olingan natijalar tahlili.** Xo'jalikda buzoqlar 1-10 kunlikda individual kataklarda, 10 kunlikdan bir oygacha har birida 10 boshdan buzoqlar bo'lgan kataklarda saqlanib, buzoqxonaning zoogigienik ko'rsatkichlari namlikning ortiqchaligi, yorug'likning va to'shamalarning yetishmasligi bilan xarakterlanadi. Buzoqlarga bir kunda 2 marta 10 kunlikgacha maxsus sut bergichlar, 10 kunlikdan boshlab, 4 oylikgacha oxirchalar yordamida sut beriladi, me'yorida esa buzoqlarga bir kunda kamida 4 marta sut berilishi lozim. 4 oylikdan katta o'stirish yoshidagi buzoqlarga sut berilishi to'xtatilib, silos, dag'al oziqalar va omixta yemlar bilan oziqlantirishga o'tkaziladi.

Sutdan chiqarilgan buzoqlar bir kunda uch marta qo'lda oziqlantiriladi. Sug'orish suv oxirlari yordamida amalga oshiriladi.

Ratsion tarkibining 44,4 foizini makka silosi, 22,2 foizini beda pichani, 22,2 foizini bug'doy somoni va

11,1 foizini omixta yemlar tashkil etib, umumiy tuyimligi 2,60 oziqa birligini tashkil etadi. Oziqlantirish me'yorlariga solishtirilganda ratsion to'yimligining 1,4 oziqa birligiga kamligi, hazmlanuvchi proteinni 121 g, qandni - 179,5 g, karotinni - 88,2 g, fosfori - 12,6 g va kletchatkaning 267,4 grammga tanqisligi, kalsiyi - 1,3 grammga ortiqchaligi aniqlandi. Buzoqlar organizmi ehtiyojlarining qondirilishi to'yimli moddalarga nisbatan 65,0 foizni, hazmlanuvchi protein - 71,2%, qand - 48,6%, karotin - 53,5%, fosfor - 68,5%, kalsiy - 103,7% va kletchatkaga nisbatan - 78,2 foizni tashkil etdi.

Ratsiondagi qand-oqsil nisbati 0,8-1,5:1 o'rniga 0,53 ni, kalsiyning fosforgia nisbati 2,0:1 o'rniga 0,75 ni tashkil etdi.

Adabiyot ma'lumotlaridan [1] ma'lumki, ratsionda qand-oqsil nisbatining buzilishi va kattaqorin muhitining kislotalik tomonga o'zgarishi, mikrofloralar faoliyatining pasayishi, shuningdek, ular tomonidan B guruhi vitaminlari sintezining kamayishi hamda alimentar anemiya rivojlanishiga sabab bo'ladi.

Gipoplastik anemiya bilan kasallangan o'stirish yoshidagi buzoqlarda klinik belgilar kuchli darajada o'sish-rivojlanishdan qolish (66% buzoqda), shilliq pardalarning oqarishi (68% buzoqda), ishtahaning pasayishi va o'zgarishi (lizuxa), tashqi ta'sirotlarga befarqlik, deyarli barcha buzoqlarda teri qoplamasining dag'al-lashuvi va yaltiroqligining pasayishi, teri elastikligining kamayishi, ko'pchilik buzoqlarda bir daqiqadagi yurak urishi sonining o'rtacha 18,2 martaga va nafasning 5,6 martagacha tezlashishi kabi anemiya uchun patognomonik simptomlar kuzatilishi xarakterli bo'ldi.

Tajriba guruhida davolanayotgan buzoqlarda qonning morfobiokimyoviy ko'rsatkichlari tajribalarning boshidagi ko'rsatkichlarga nisbatan tekshirishlarning oxiriga kelib, gemoglobin miqdorini o'rtacha 75,6±1,15 g/l, eritrotsitlarni - 4,43±1,3 mln/mkl, bitta eritrotsitdagi gemoglobinning o'rtacha miqdori 28,0 pg, glyukoza-ni - 1,55±0,06 mmol/l, umumiy oqsilni - 63,2±1,72 g/l, eritrotsitlar cho'kish tezligini soatiga - 03 mm gacha kamayishi xarakterli bo'ldi.

Bu ko'rsatkichlar buzoqlarda gipoplastik anemiya gemoglobin va eritrotsitlar miqdorining ham kamayishi (normaxrom anemiya), eritrotsitlar cho'kish tezligining va immunitetni pasayishi bilan kechishidan dalolat beradi.

Buzoqlarni 3 oyligida sutdan chiqarilishi bilan qonning ayrim morfobiokimyoviy ko'rsatkichlarining yomonlashib borishini ratsionlarning takomillashmaganligi, ular organizmining to'yimli moddalar, vitaminlar va mineral moddalarga nisbatan ehtiyojlarining qondirilmasligi oqibatida buzoqlarda alimentar xususiyatli

gipoplastik anemiya kuzatilishi bilan izohlash mumkin.

#### Xulosalar.

1. O'stirish davridagi buzoqlarda anemiyaning asosiy sabablari alimentar xususiyatga ega bo'lib, rasionlarning takomillashmaganligi, tarkibidagi tuyimli moddalar, vitaminlar, makro- va mikroelementlar miqdorining, qand-oqsil va kalsiy-fosfor nisbatining me'yoriy ko'rsatkichlardan pastligi, kletchatkaga boy oziqalarning ortiqchaligi, buzoqlar uchun yayratish va qo'yosh nurlarining yetishmasligi kabi omillar hisoblanadi.

2. Buzoqlar alimentar anemiyasi davrida kuchli darajada o'sish-rivojlanishdan qolish, shilliq pardalarning oqarishi, ishtahaning pasayishi va o'zgarishi, teri qoplamasi yaltiroqligi va teri elastikligining pasayishi, tana vazning kamayishi, yurak urishi va nafasning tezlashishi kabi patognomonik belgilar, qon tarkibidagi eritrotsitlar soni, gemoglobin, glyukoza, umumiy oqsil, eritrotsitlar cho'kish tezligi va gematokrit ko'rsatkichini pasayishi bilan xarakterlandi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Краскова Е.В. Основные показатели гемопоэза при гипопластической анемии у новорожденных телят/ Вестник Алтайского государственного аграрного университета № 7 (153), 2017 С. 120-123.

2. Ешбуриев Б.М., Ботирова Ш.А., Илёсов З.И. (2019). Усовершенствование этиопатогенетических методов лечения диспепсии телят.

3. Botirova Sh.A., Eshburiyev B.M. (2022). O'stirish yoshidagi buzoqlar anemiyasini etiopatogenezi, davolash usulini takomillashtirish. вестник ветеринарии и животноводства, 2(1).

4. Бахтияр Маматкулович Эшбуриев. Гепатодистрофия у телят в период выращивания (Этиология, диагностика и профилактика). 1995.

5. Ешбуриев Б.М., Эшбуриев С.Б. (2013) Профилактика микроэлементозов у стелных коров в фермерских хозяйствах узбекистана. Вестник ветеринарии, (3), 68-70.

**6. Методы ветеринарной клинической лабораторной диагностики: Справочник / Под ред. проф. И. П. Кондрахина. - М.: Колос С, 2004.**

7. Norboyev Q.N., Bakirov B., Eshburiyev B.M. Yosh hayvonlar yuqumsiz kasalliklari patologiyasi va terapiyasi. O'quv qo'llanma. Samarqand, 2009.

8. Norboyev Q.N., Bakirov B., Eshburiyev B.M. Hayvonlarning ichki yuqumsiz kasalliklari. Darslik, Toshkent, 2020.

9. Norboyev Q.N., Bakirov B.B., Eshburiyev B.M. Yosh hayvonlar yuqumsiz kasalliklari patologiyasi va terapiyasi. O'quv qo'llanma. Samarqand, 2009.

10. Norboyev Q.N., Eshburiyev B.M., Eshburiyev S.B. Xudoyberganov S. Buzoqlarda alimentar anemiya kasalligining diagnostikasi va profilaktikasi bo'yicha tavsiyalar. Toshkent, 2017.

1. Ботирова Ш.А., Эшбуриев Б.М. Этиопатогенез, совершенствование методы лечения анемии телят в после молочном периоды. Вестник ветеринарии и животноводства. Том. 2. №1. 2022.

BUZOQLAR ANEMIYASINING ETIOPATOGENEZI  
VA KLINIKASI

**Аннотация:** В статье описаны алиментарные факторы этиологии анемии у телят, содержащихся в условиях животноводческих хозяйств, характерные клинические признаки заболевания и особенности течения.

**Abstract:** The article describes the alimentary factors of the etiology of anemia in calves kept in livestock farms, characteristic clinical signs of the disease and features of the course.

**Калит сўзлар:** alimentar anemiya, matsion, simptom, gipogemoglobinemiya, rezistentlik, folat kislotasi, eritrotsit, gemoglobin, makro- va mikroelementlar.

Тадқиқотлар олиб борилоган хўжаликлар шароитидаги сигирлар рационини текшириш натижалари шуни кўрсатдики, рацион структурасида сифатли дағал озикалар улушининг 12-15 %-дан, унинг қандга нисбатан таъминланиш даражасининг 30-40% - дан, каротинга нисбатан-50-60%-дан, фосфорга нисбатан-70-75%-дан, ҳазмланивчи протеинга нисбатан-75-80%-дан ошмаслиги, шунингдек, ундаги кальций микдорининг ўртача 30-50%-га ортиқчалиги эвазига қанд-протеин нисбатининг меъёридаги 0,8 ўрнига 0,45-0,55 ни, кальций-фосфор нисбатининг меъёридаги 1,5-2,0 ўрнига ўртача 2,0-2,5 ни ташкил этиши зотли қорамолларда катта қорин ацидоз ва умумий метаболизм бузилишларини ўз ичига олувчи умумий ацидо-метаболик бу-

зилишлар (УАМБ) нинг келиб чиқишидаги асосий сабаблар ҳисобланади. Деярли барча ҳолатларда силос массасининг ўз таркибида мой кислотасини сақлаши қайд этилди.

Хулоса. 1. Ўзбекистон Республикаси шароитидаги четдан олиб келинган зотли ва маҳаллий қорамоллар орасида катта қорин ацидозини ва унга йўлдош умумий метаболизм бузилишлари аксариат ҳолатларда умумий ацидо-метаболик бузилишлар (УАМБ) кўринишидаги умумий патология ҳолида намоён бўлади ва ушбу патология сигирларнинг ўртача 40-60 фоизгачасини қамраб олган.

2. Соғин сигирларда умумий ацидо-метаболик бузилишлар (УАМБ) кўринишидаги умумий патологиянинг асосий сабаби рацион структурасида сифатли дағал озикалар улушининг 12-15 %-дан, унинг қандга нисбатан таъминланиш даражасининг 30-40% - дан, каротинга нисбатан-50-60%-дан, фосфорга нисбатан-70-75%-дан, ҳазмланувчи протеинга нисбатан-75-80%-дан ошмаслиги, шунингдек, ундаги кальций микдорининг ўртача 30-50%-га ортиқчалиги эвазига қанд-протеин нисбатининг меъёридаги 0,8 ўрнига 0,45-0,55 ни, кальций-фосфор нисбатининг меъёридаги 1,5-2,0 ўрнига ўртача 2,0-2,5 ни ташкил этиши ҳамда силос массасининг мой кислотасини сақлаши ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси шароитидаги сигирлар орасида кенг тарқалган катта қорин ацидозини ва унга йўлдош умумий метаболизм бузилишларини биргаликда, яъни умумий ацидо-метаболик бузилишлар (УАМБ) кўринишидаги умумий патология ҳолида бартараф этиш чора-тадбирлари мажмуини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бакиров Б., Даминов А.С., Рўзикулов Н.Б. ва б.лар. Ҳайвонларкасаликлари. Маълумотнома. Самарқанд. 2019.157-160 б.

2. Хмельков Я.Т. Этиологическая структура, патогенези лечение вторичных застойных дистоний преджелудков у коров. Автореф. Дисс... канд.вет. наук. Белгород.2006. с.16-17.

3. Бакиров Б. Ҳайвонларнинг ички юкумсиз касалликлари. Ўқув қўлланма. Самарқанд. 2015. 391-393 б.

4. Калюжный, И. Я. Ацидоз рубца (этиология, патогенез, классификация) [Текст] / И. Я. Калюжный // Кормление с.-х. Животных и кормопроизводство. - 2007. - № 12. - с. 22-26.

5. Bakhtiyar B., Khayitov B.N., Ruzikulov N.B. Scientific Basis for the Treatment and Prevention of Large Abdominal Acidosis in Productive Cows. // International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. ISSN 2364-5369 Volume 8, № 9 September, Hamburg, Germany, 2021. –В. 442-452. <https://ijmmu.com/index.php/ijmmu/article/view/3063>

6. Бакиров Б., Б.Н.Хайитов. Микробиологические и метаболические аспекты ацидоза рубца у высокопродуктивных коров. // ВЕСТНИК Ошского государственного университета «Биология, химия, география и сельское хозяйства». ISSN 1694-7452. № 1. Ош, 2021 г. –В. 36-40.

7. Norbek o'g'li, X. B., & Baxtiyar, B. (2022, April). OSHQOZON OLDI BO'LIMLARIDA HAZMLANISH JARAYONLARI NAZORATI. In E Conference Zone (pp. 147-148).

8. Khayitov, B. N. O., Bakirov, B., & Ruzikulov, N. B. (2021). Scientific Basis for the Treatment and Prevention of Large Abdominal Acidosis in Productive Cows. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 8(9), 442-452.

9. Бакиров, Б., Бобоев, О. Р., & Хайитов, Б. Н. (2021). ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДАГИ МАХСУЛДОР ҚОРАМОЛЛАРДА МЕТАБОЛИЗМ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ АЛИМЕНТАР-МИКРОБИАЛ ТАБИАТИ ВА ГЕПАТОГЕН ХАМДА ЭНДОКРЕН ХУСУСИЯТЛАРИ. ВЕСТНИК ВЕТЕРИНАРИИ И ЖИВОТНОВОДСТВА, 1(2).

10. Бакиров, Б., Хайитов, Б. Н., & Улуғмуродов, Ю. (2021). МИКРОБИОЛОГИЧЕСКИЕ И МЕТАБОЛИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ АЦИДОЗА РУБЦА У ВЫСОКОПРОДУКТИВНЫХ КОРОВ. Вестник Ошского государственного университета, (1-2), 210-214.

## MAHSULDOR QORAMOLLARDA YOD YETISHMOVCHILIGINING SABABLARI

**Аннотация.** В статье представлена деятельность щитовидной железы у продуктивных животных, причины йододефицита, дополнительные факторы, приводящие к нему, синдром йододефицита, эндемические виды зоба, а также ряд причин, приводящих к субклиническому зобу.

**Abstract.** The article presents the activity of the thyroid gland in productive animals, the causes of iodine deficiency, additional factors leading to it, iodine deficiency syndrome, endemic types of goiter, as well as a number of causes leading to subclinical goiter.

**Kalit soʻzlar.** Tireoid bezi. Tiroksin ( $T_4$ ), Triyodtironin ( $T_3$ ), yoddepressiv moddalar, enoftalm, gipotireoz, gipertireoz, yod, kobolt, rux.

**Mavzuning dolzarbligi.** Respublikamizda amalga oshirilayotgan agrar islohotlarning asosiy tarkibiy qismlaridan biri fermer xoʻjaliklarini chetdan olib kelinadigan zotli qoramollar bilan taʼminlash evaziga yuqori mahsuldorlik va pushtdorlik imkoniyatlariga ega boʻlgan chorva mollari genotipini yaratishga erishish tashkil etadi.

Keltirilgan zotli qoramollarning mavjud yuqori mahsuldorlik va pushtdorlik imkoniyatlarining namoyon boʻlishida adaptatsion tabiatli kasalliklar toʻsquinlik qilmoqda, shu boisdan respublikamizga chetdan olib kelingan zotli qoramollarda yod yetishmovchiligi bilan bogʻliq kasalliklarining sabablarini aniqlash va ularni oldini olish dolzarb muammo bulib kelmoqda.

Yod yetishmovchiligi oʻchoqlari asosan togʻli tumanlar, daryolarning oʻzanlarida joylashgan tekisliklar, qattiq ishqoriy suvlar yuvib turadigan joylar, botqoqlik shoʻr va shoʻrxak tuproqli joylarda uchraydi.

Yodning tuproq tarkibidagi miqdorining 0.1mg/kg, suv tarkibidagi miqdorining 10 mkg/l dan past boʻlishi kasallikning asosiy sababi hisoblanadi. Bundan tashqari, kalsiy, magniy, qoʻrgʻoshin, ftor, brom, stroniy, va temir moddalari ortiqcha boʻlgan va shu bilan bir qatorda kobolt va rux mikroelementlari yetishmagan hududlarda yod yetishmovchiligi koʻproq uchraydi.

Hayvonlarga koʻp miqdorda tireostatik moddalar saqlovchi oziqalar (raps, oq beda, lavlagi, turneps, va karamning ayrim navlari) berilgan paytlarda ham yod yetishmovchiligi kuzatilishi mumkin.

Mahsuldor qoramollar organizmiga oziqa yoki suv bilan tushgan yod oshqozon va ichaklardan yoditlar shaklida qonga soʻriladi. Yoditlar qalqonsimon bezida oksidlanib molekulyar yodga aylanadi va gipofiz bezining tireotrop gormonini stimullaydi. Qalqonsimon bezda molekulyar yod tiroksin ( $T_4$ ), triyodtironin ( $T_3$ ) sintezi uchun ishlatiladi. Qalqonsimon bezning tirok-

sin gormonini ishlab chiqarish tiriyodtironinni ishlab chiqarishdan 10-20 marta koʻp boʻladi. Qalqonsimon bez gormonlari qonga oʻtib, plazma oqsillari bilan birikadi. Bu birikmalarning toʻqimalarda qayta parchalanishidan tiroksin va triyodtironin ajralib chiqadi. Qon plazmasidagi tireoid gormonlari tarkibidagi oqsillar bilan birikkan yodni organik yod deb atashadi, uning 90-95 % ini tiroksin tashkil etadi.

Tiroksin, tiriyodtironin va boshqa yod birikmalari xujayra mitoxondriyasidagi oksidlanish jarayonlarini amalga oshiradi, uglevodlar oqsillar, yogʻlar mineral moddalar almashinuvida qatnashadi.

Organizmida uzoq muddat yod yetishmovchiligi kuzatilganda triyeoid gormonlari sintezi kamayadi, kompensator omil sifatida gipofizning tireotrop gormoni ishlab chiqilishi kuchayadi, natijada qalqonsimon bezning giperplaziyasi kuzatiladi.

Organizmida tireoid gormonlarining yetishmovchiligi uglevod, oqsil, yogʻlar va mineral almashinuvining buzilishi, oʻsish va rivojlanishdan qolish, reproduktiv hususiyatlarining, oshqozon old bulimlari mikroflorasining sellyulozalitik faoliyatining pasayishiga sabab boʻladi.

Tireoid gormonlari kobolt elementining almashinuviga taʼsir etadi.

Yod saqlovchi gormonlarning yetishmovchiligi yurak, markaziy asab tizimi, jigar va boshqa aʼzolar funksiyalarining buzilishiga olib keladi.

Glikoproteidlar almashinuvining buzilishi tuqimalarda mutsin moddasining toʻplanib qolishi va mikside-ma kuzatilishiga ham sabab buladi.

**Tekshirishlar joyi va uslublari.** Ilmiy tadqiqot ishlari 2012-2013 yillar davomida Qashqadaryo viloyati Chiroqchi tumanidagi "Fazo" fermer xoʻjaligida, tumanidagi qushxonalarda va Samarqand QXI "Hayvonlar kasalliklari va parazitologiya" kafedrasida oʻtkazildi.

Fermer xo'jaligidagi 97 bosh "Qizil chul" zotli sigirlardan 23 bosh o'stirish davridagi buzoqlar dispanser tadqiqotlari asosida ko'rikdan o'tkazildi. Bunda hayvonlarning umumiy holati, teri va teri qoplamasi, ko'zga ko'rinadigan shilliq pardalar rangi, ishtahasi, mahsuldorlik darajasi, xo'jalikdagi sigirlarning bepustlik foizi, reproduktiv holati, yangi tug'ilgan buzoqlarning tana vazni tekshirildi. Sigirlar ratsionidagi oziqalardan, suv va tuproq namunalari olinib, ularning tarkibidagi yod, kobolt, rux, margenes, mikroelementlari hamda kalsiy, fosfor elementlarini aniqlash uchun Samarqand DU qoshidagi muammolar laboratoriyasiga yuborildi.

Xo'jalikdagi sigirlardan o'xshash juftliklar tamoyili asosida 15 boshdan iborat etalon guruh tashkil etib ular klinik jihatdan tekshiruvdan o'tkazilgan.

**Olingan asosiy natijalar.** Fermer xo'jaligidagi umumiy 97 bosh sigirning 43 boshini sog'in sigirlar tashkil etadi. Ularning sut mahsuldorligi mazkur zotning genetik imkoniyatlaridan ancha past bo'lib o'rtacha 8-9 litrni tashkil etadi. Tekshirilgan sigirlarning aksariyatida teri qoplamasining yaltiroqligi past, ko'zga kurinadigan shilliq pardalarning rangi oqish, ularning ko'pchiligida ishtaha o'zgaragan, devorlarning pastki qismi, oxur va ustunlarni yalashni xush ko'radi. 2012 yilning yakuni bilan xo'jalikdagi sigirlarda bepustlik foizi 27% ni tashkil etdi. Sigirlarda servis davri o'rtacha 65-90 kunni tashkil etadi. Kuyga kelgan sigirlar qochirilgandan so'ng ularning otalanishi sust, 2-3 martalab qayta kuyga keladi. Tug'ilgan buzoqlarning tana vazni o'rtacha ko'rsatkichlardan ancha past, ya'ni gipotirofik holatda tug'ilishlar qayd etiladi. 2013 yilning birinchi yarmida xo'jalikda tug'ilgan 16 bosh buzoqning 12 boshida tana vazni onasini tana vaznining 7-7.3% ini tashkil etdi. Tuqqan 16 bosh sigirning 6 boshida yo'ldoshning ushlanib qolishi qayd etildi.

Xo'jalikdagi ayrim sigirlarda tananing biroz cho'ziqligi va bosh, bo'yin xududiga junlarning ko'proq o'sganligi xarakterli, ularda yolg'onchi kokil va yol o'sganligini ko'rish mumkin.

Guruhdagi 15 bosh sigirlarning gematologik tekshirish natijalari qo'yidagicha bo'ldi. Qon zardobidagi umumiy kalsiy miqdori o'rtacha  $-3.08 \pm 0.06$  mmol/l, anorganik fosfor  $-1.57 \pm 0.04$  mmol/l, karotin  $-0.302$

$\pm 0.11$  mg%, kobolt  $-0.41 \pm 0.08$  mkmol/l, rux  $-18.9 \pm 1.12$  mkmol/l va yod  $202.4 \pm 3.42$  nmol/l ni tashkil etdi. Sog'lom qoramollarda qonzardobidagi yod miqdori o'rtacha 315-360 nmol/l nitashkil etadi (Kondraxin I.P., 1989 y).

Xo'jalikdan olingan tuproq namunasidagi yod miqdori o'rtacha 0.094 mg/kg, suvda  $-8.9$  mkg/l ni tashkil etdi.

Qashqadaryo viloyati Chiroqchi va Yakkabog' tumanlari qushxonalaridan olingan 76 ta qalqonsimon bez massasi, so'yilgan qoramollar tana massasining xar 100 kilogramm hisobiga o'rtacha 10.1- 10.7 grammi tashkil etdi.

**Xulosa.** 1. Chiroqchi va Yakkabog' tumanlari qoramolchilik fermer xujaliklarida sigirlarda yod yetishmasligining asosiy sababi tuproq va suv tarkibidagi yodning kamligi va ratsion tarkibida hamda qon zardobidagi karotin, kobolt, rux va yod elementlarining yetishmasligi bo'lib hisoblanadi.

2. Qoramollarda yod yetishmasligi subklinik holati kechib, hayvonlarda mahsuldorlikning pasayishi, ishtahning o'zgarishi, teri qoplamasida yaltiroqlikning pasayishi, bosh va buyin qismida junlarning bir oz o'sishi, yolg'onchi kokil va yolning hosil bo'lishi, servis davrining cho'zilishi, kayta-qayta kuyga kelish, bepust sigirlar foizining ko'payishi, gipotrofik buzoqlarning tug'ilishi kabi klinik belgilar bilan xarakterlanadi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Бакиров. Б. Махсулдор қорамолларда оксиллар алмашинувининг бузилишлари. Зооветеринария ж-л. 7-8 сон, 2012 йил, 14 бет.
2. Норбоев Қ.Н., Бакиров Б.Б., Эшбуриев Б.М «Хайвонларда модалар алмашинувларининг бузилишлари» Самарқанд, 1997.
3. Кондрахин.И.П. Алиментарные эндокринные болезни животных.-М.: Агропромиздат, 1989 203-223 стр.
4. Hedge. GE. et all: Clinical Endocrine Physiology. Philadelphia, WB Saunders, 1987, p 363.
5. Mc Donald LE, Pineda MH (edc): Veterinary Endocrinology and Reproduction, 4th ed. Philadelphia, Lea & Febiger, 1989.

## QASHQADARYO VILOYATI SHAROITIDAGI MAYDA SHOXLI HAYVONLARDA YOD TANQISLIGI PATOLOGIIYASI

**Аннотация.** Изучены распространены, экономический ущерб, клинические признаки а также действие активированной на 20% поваренной соли на организм каракулских овец в условиях Кашкадаринской области.

**Abstract.** The spread of economic damage, clinical signs, as well as the effect of 20% activated table salt on the body of Karakul sheep in the conditions of Kashkadarya region were studied.

**Kalit soʻzlar.** Faollashtirilgan yod, tiroidal status,  $T_4$ ,  $T_3$ , TTG.

**Mavzuning dolzarbligi.** Oʻzbekiston respublika-si prezidentining 2019 yil 18 martdagi «Chorvachilik tarmogʻini yanada rivojlantirish va qoʻllab-quvvatlash chora-tadbirlari toʻgʻrisida»gi PQ-4243-son va 2019 yil 28 martdagi «Oʻzbekiston Respublikasi Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish davlat qoʻmitasi faoliyatini tashkil etish toʻgʻrisida»gi PQ-4254-son qarorlari. Oʻzbekiston respublikasi prezidentining 2022 yil 8 fevraldagi «Chorvachilikni yanada rivojlantirish va chorva ozuqa bazasini mustahkamlash chora-tadbirlari toʻgʻrisida» gi PQ-121-sonli va 2022 yil 31 martdagi sonli «Veterinariya va chorvachilik sohasida kadrlar tayyorlashni tubdan takomillashtirish» toʻgʻrisidagi PQ №187 qarorlarida chorvachilikni rivojlantirish boʻyicha belgilangan vazifalarni bajarishda mayda shoxli hayvonlarda yod tanqisligi asosiy muammolardan biri boʻlib qolmoqda.

Ilmiy adabiyot manbalarining koʻrsatishicha yod hayvonlar organizmidagi barcha jarayonlarda, xususan oksidlanish-qaytarilish, metabolizm, hujayra va toʻqimalar differensiyasi, gormonal-reproduktiv va immunitet jarayonlarida ishtirok etadi. Oziqa tarkibidagi yod ichak orqali soʻriladi, toʻqima suyuqligidan oʻtib tiroid almashinuvida ishtirok etadi. Tanadagi yodning 60% -i qalqonsimon bezda, qolgan 40% -i boshqa aʼzolar toʻqimalarida saqlanadi. Peroksidaza fermenti taʼsirida hosil boʻlgan molekulyar yod yuqori reaktivlikka ega boʻlib, u tiroglobulin (tirozin molekulasi) ga aylanadi va follikulyar kolloid tarkibiga oʻtadi.

Keyingi bosqichda tirozin qalqonsimon bez gormonlari, xususan, triyodtironin ( $T_3$ ), tetrayodtiroksin yoki tiroksin ( $T_4$ )ga aylanadi. Erkin  $T_3$  va  $T_4$  molekullari tashuvchi oqsillar bilan birikib, tireoglobulinlarga aylanadi va toʻqimalarga yetib boradi. Toʻqimalardagi gormonlar tashuvchi oqsildan ajralib chiqadi va metabolik jarayonda faol ishtirok etadi. Redoks jarayoni natijasida organizm tarkibidagi yod tanadan najas, safroniy, sut va tupruk orqali chiqib ketadi[1, 2].

Qoʻylar tanasidagi umumiy yod miqdori 0,3-0,7 mg/kgni tashkil etadi. Yuqorida aytib oʻtilganidek, uning asosiy qismi qalqonsimon bezda saqlanadi.

Keyingi dunyoviy tadqiqotlardan maʼlum boʻlishicha yod bilan kasalliklarga chidamlilik oʻrtasida bogʻliqlik mavjud. Yod tanqisligi paytida endemik boʻqoq rivojlanadi, va natijada metabolik jarayonlar faolligi va natijada hayvon goʻsht va jun mahsuldorligi pasayadi, urugʻlanish va otalanish darajalari pasayadi, past xayotchanlikdagi bola tugʻiladi, ayrim paytlarda esa, qalqonsimon bezlari kattalashgan bola tugʻilad. Bunday yosh hayvonlarning oʻsishi va rivojlanishdan orqada qoladi. Oqsil, uglevod, lipid va mineral metabolizmining jiddiy buzilishi ovqat hazmlanishining buzilishiga, goʻshtning kimyoviy tarkibining pasayishiga olib keladi [1, 2, 3].

Yod tanqisligi, surunkali kasallik sifatida juda sekinlik bilan rivojlanadi va koʻpincha qalqonsimon bezning kattalashishiga qadar organizmda turli aʼzo va tizimlarning chuqur buzilishlari kuzatiladi, boʻqoq, miksedema va boshqalar rivojlanadi.

Boʻqoq paytida qalqonsimon bez gormoni hisoblangan tiroksin ( $T_4$ ) hamda adinogipofiz gormoni hisoblangan tirotrop gormon (TTG) miqdorlari oʻrtasida teskari bogʻliqlik mavjud boʻladi. Bunday bogʻliqlik, muallifning izohlashicha, gipotalamus- gipofiz-tireoid tizimi meʼyorida faoliyat koʻrsatayotgan paytda tireoid gormonlari miqdorining pasayishi TTG konsentratsiyasining oshishiga olib keladi. Tireoid gormonlari miqdorlari meʼyoridan ortiqcha boʻlgan paytlarda esa aksincha TTG sekresiyasining susayishi roʻy beradi

Yod yetishmasligi bilan bogʻliq kasalliklarning oldini olish va organizmdagi yod metabolizmini tartibga solishni taʼminlashning asosiy yoʻllaridan biri organik yoddan foydalanish hisoblanadi[3, 4, 5].

**Tadqiqotning maqsadi.** Qashqadaryo viloyati sharoitidagi mayda shoxli hayvonlarda yod tanqisligi oqibat-lari va unga qarshi profilaktik vositalar taʼsirini oʻrganish.



### Tadqiqotning vazifalari.

-Qashqadaryo viloyati fermer xo'jaliklari sharoitidagi mayda shoxli hayvonlarda yod tanqisligining tarqalishi va iqtisodiy zararini aniqlash;

-20% ga faollashtirilgan yodlangan tuzning sovliqlar organizmiga ta'sirini o'rganish.

**Tekshirish ob'yekti va usullari.** Qashqadaryo viloyati Qamashi tumanining "Ochil bobo chorvasi" fermer xo'jaligi sharoitida tajribalar 2 guruh sovliqlarda olib borildi.

Nazorat guruhidagi sovliqlar (10 bosh) xo'jalik ratsionida saqlandi. Tajriba guruhida sovliqlar unga qo'shimcha ravishda 20% ga faollashtirilgan yodlangan tuzdan kuniga 10 g miqdorida omixta yem bilan birgalikda qabul qilindi.

**Tadqiqot natijalari.** Tadqiqotlarimiz natijasida, tajriba guruhidagi mayda shoxli hayvonlar oziqa sifatida yodlangan tuzni oziqaga qo'shilishi ijobiy ta'sir ko'rsatdi; xususan, go'sht unumdorligi oshdi (tajriba oxiriga kelib, tajriba guruhidagi hayvonlarning tirik vazni nazorat guruhi bilan taqqoslaganda ortdi).

Endemik bo'qoqning oldini olishga qaratilgan guruhli profilaktik vositalarining turi, miqdori va berilish tartibiga bog'liq holda yuqorida ta'kidlab o'tilgan ko'rsatkichlarning tajriba davomida o'ziga xos o'zgarishlarga uchrashi kuzatildi. Xususan, moddalar almashinuvi jarayonining mutadillashtirish qondagi anorganik fosfor va umumiy kalsiy miqdorining mos ravishda, 24,6% va 14,7% ga glyukozaning 18,0-20,4% ga oshishi), qalqonsimon bez faoliyatining yaxshilanishi  $T_3$  va  $T_4$  mos ravishda, 62,4% va 41,9% ga oshish), qayd etildi.

### Xulosalar.

1. Qashqadaryo viloyati Qamashi tumanining "Ochil bobo chorvasi" fermer xo'jaligi sharoitidagi sovliqlarda yod tanqisligi. 40-60 % hayvonda jun va teri buzilishlari, mushak tolalarining noziklashishi va o'sishdan qolish, terida qattiq burmalarning paydo bo'lishi, qalqonsimon bezning novizual (morfometrik) kattalashishi kabi belgilari bilan namoyon bo'ladi va ushbu patologiya oqibatida kelayotgan iqtisodiy zarar har bosh sovliq hisobiga yiliga o'rtacha 1000-2000 so'mni tashkil etadi.

2. Oziqaga qo'shimcha ravishda doimiy tarzda 10 g dan 20% faollashtirilgan yodlangan tuzni berish sovliqlarda yod tanqisligi asoratlarini bartaraf etadi va iqtisodiy samaradorlik har bosh sovliq hisobiga o'rtacha bir yilda 351000 so'mni tashkil etadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Bakirov B., Daminov A.S., Ro'ziqulov N.B. va b.lar. Hayvonlar kasalliklari. Ma'lumotnoma. Samarqand 2019.
2. Bakirov B. Hayvonlarning ichki yuqumsiz kasalliklari. O'quv qo'llanma. Samarqand. 2015.
3. Bakirov B. Hayvonlarda modda almashinuvining buzilishlari va jigar kasalliklari. Monografi 2016.
4. Eshburiyev B.M. Bug'oz sigirlarning endemik mikroelementzlari, ularning oqibatlari va profilaktika chora-tadbirlari. Veterinariya fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. Samarqand 2016.
5. Denisenko V.N., Abramov P.N. Endemicheskiy zob u telyat v usloviyax Moskovskoy oblasti. Veterinariya. 2005.

## АЙРИМ МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР ВА МЕБИКАР АНТИСТРЕСС ПРЕПАРАТИНИНГ ҚОРАҚЎЛ ҚЎЙЛАРИ СТРЕССИДАГИ ҚОННИНГ МОРФОБИОКИМЁВИЙ ВА МАКРОЭЛЕМЕНТЛАР АЛМАШИНУВИ КЎРСАТГИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

**Аннотация:** Статъя подготовлена к обсуждению последствий воздействия стрессора, при весенней стрижке каракульских овец вызванного стрессом, воздействия этих стрессоров на морфологические и биохимические показатели крови и на показателей минерального обмена в организме овец. Испытано как антистрессовый препарат некоторые микроэлементы и меликар.

**Abstract:** The article is prepared to discuss the consequences of exposure to ethadigan stressor, nasal congestion caused by stress caused by stress-inducing rivoglanadigan cholatining Canna morphobiokimevii and macroelementlashinavi kursatgiga has serious side effects, post-traumatic stressors cause side effects.stillari hakida natlar berylgan.

**Калим сўзлар:** меликар, микроэлементлар, стрессор, стресс, экология, хавфсиз қўлланма, тавсиянома, самарадорлик, чорвачилик, ветеринария, омиллар, мослашиши, гормонлар, витаминлар, биологик фаол моддалар, номахсус синдром, махсус синдром, гипофиз, балиқчилик, асаларичилик, паррандачилик, эчкичилик, инновацион.

**Мавзунинг долзарблиги:** Кейинги йилларда Республикамизда ветеринария ва чорвачилик тармоқларини ривожлантириш дастурлари доира-сида қорамолчилик, паррандачилик, қўйчилик, эчкичилик, қуёнчилик, балиқчилик, асаларичилик соҳаларида кўплаб фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолияти йўлга қўйилди ва соҳаларни инновацион илғор технологияларни жорий этиш, паррандачилик марказини ташкил этиш, фермер хўжаликларида ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш ва даромад ҳажмини ошириш, аҳолини сифатли ва хавфсиз гўшт, сут, тухум ва балиқ маҳсулотлари билан етар-лича таъминлаш, ҳайвонларни соғлигини сақлаш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, давлат ветеринария хизматини яхшилаш ва кучайтириш, ветеринария хизмати тизимини ривожлантириш ва зифалари қўйилган.

Аҳолини экологик тоза ва хавфсиз чорвачилик маҳсулотлари билан доимий равишда ва етарли миқдорда таъминлаш учун чорвадорлар ва ветеринария мутахассислари ўзларининг тадқиқотларига асосланиб, янги қўлланмаларини ва тавсияномаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этган ҳолда ҳайвонларнинг касалликларига қарши курашишлари лозим. Бу чорвачиликнинг самарадорлигини оширишда муҳим рол ўйнайди.

Охириги йилларда ҳайвонларда стресс ҳолатларини ўрганиш талаби ортмоқда, чунки унинг ҳайвонлар организмга салбий таъсири исботланмоқда. Тадқиқотчилар томонидан стресс ҳолатларини олдини олиш етарли даражада қорамолларда, чўчкаларда ва парран-

даларда ўрганилган. Лекин бу ишлар қоракўл қўйларида ўрганилмаган. Шунинг учун биз қоракўл қўйларидаги стресс ҳолатларини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

Чорвачиликни ривожлантирганда ҳайвонлар организмга салбий таъсир қилувчи омиллар сони кўпаяди. Бу омиллар – стрессорлар дейилади. Бу пайтда ҳайвонлар шу таъсиротларга доимий мослашишлари керак. Организмнинг мослашиши таъсир этувчи омилнинг – стрессорнинг кучи ва давомийлигига, ҳайвон организмнинг ҳолатига, сақлаш ва озиклантириш шароитига боғлиқ.

Организмнинг ташқи муҳитдаги салбий таъсиротларга доимий мослашиши физиологик жараёнларнинг кучайишига, кўп энергиянинг сарфланишига олиб келади.

Ташқи муҳитнинг кучли ва доимий таъсир этувчи салбий таъсиротлари ҳайвонлар организмда стресс ҳолатини келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида ҳайвонларнинг ўсиш ва ривожланишининг пасайишига, маҳсулдорлигининг камайишига олиб келади.

Шунинг учун салбий таъсиротларнинг организмга таъсир кучини олдини олиш ёки пасайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш чорвачиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Салбий таъсиротларнинг организмга таъсир кучини олдини олиш ёки пасайтириш икки йўналишда олиб борилади.

Биринчи йўналиш – бу инженер технологик жараёнларни такомиллаштириб, ҳайвонларга максимал шароитлар яратиш. Бу анча мураккаб ва қийин иш.

Иккинчи йўналиш – агарда стрессорни йўқотиш иложи бўлмаса, стресс таъсирини пасайтириш чоралари кўрилади. Бунинг учун химик ва гормонал моддалар, витаминлар, антибиотиклар, биологик фаол моддалар қўлланиб, организмнинг стрессорга қарши туриш қобилияти оширилади.

Бу тадқиқотлар қорақўл қўйларида ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотларни биз адабиётлардан топа олмадик. Шунинг учун биз қўйларнинг баҳорги жун қирқими пайтида стрессор таъсирини пасайтириш учун комплекс микроэлементлар ва нейрорептик моддалардан мебикарни қўллаб, таъсирини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Чунки қорақўлчиликда энг кучли стрессорлар жун қирқими пайтида кузатилади.

Тадқиқотлар Бухоро вилояти қорақўлчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда ўтказилди.

Тадқиқотларни ўтказиш учун икки гуруҳ она қўйлар зоти, тирик вазни ва ёшига қараб ҳар гуруҳга 7 бошдан танлаб олинди.

Биринчи гуруҳ назорат гуруҳи – бу қўйлар хўжалик рацион асосида озиклантирилди.

Иккинчи гуруҳ тажрибадаги қўйлар – бу қўйлар рационига қўшимча равишда комплекс микроэлементлар ва мебикар дориси қўшиб берилди.

Микроэлементлар қирқимдан уч кун илгари ва қирқимдан тўрт кун кейин жами 7 кун давомида берилди. Мебикар қирқимдан 1,5 - 2 соат илгари берилди.

**Тадқиқот даврида қуйидаги текширишлар ўтказилди:**

1. Клиник текширишлар – бунда тана ҳарорати, пульс ва нафас олиш сони, тирик вазни ўлчанди.

2. Қонни текширганда – эритроцитлар ва лейкоцитлар сони саналди, гемоглобин, умумий оксил, умумий кальций, аорганик фосфор, каротин, ишқор захираси, глюкоза, холестерин, креатин ва умумий липидлар миқдорлари умумэтироф этилган усулларда аниқланди.

3. Текширишлар стресс таъсиридан илгари, стресс таъсиридан кейин биринчи, бешинчи ва ўнинчи кунларда ўтказилди.

Функционал бошқариш ва метаболитик жараёнларни меъёр даражасида ушлаб туриш тирик организмнинг асосий хусусиятларидан биридир. Бунга гемеостаз деб аталади.

Организмнинг ташқи муҳит шароитлари ва ўзгаришларига мослашиши ҳаётнинг асосини ташкил этади. Ҳар қандай ташқи ва ички муҳитдаги ўзгаришлар моддалар алмашилиши жараёнининг ўзгаришига олиб келади.

Организмни ўраб турган ташқи муҳит шароитларининг унга таъсири аввал махсус бўлмаган номахсус синдромларни, кейинчалик эса шу омиллар таъсирини характерлайдиган махсус синдромларни келтириб чиқаради.

Ганс Сельени организмнинг махсус бўлмаган қўзғатувчилар таъсирида гормонларнинг ўзгариши қизиқтириб қолди. Тажрибадаги ҳайвонларга ҳар хил махсус бўлмаган қўзғатувчиларни таъсир эттирганда, доимий бир хилдаги ўзига хос ўзгаришлар юз беришини кузатади. Бу ўзгаришлар фақат гипофиз ва буйрак усти беши бор ҳайвонларда кузатилган.

Кейинги пайтларда стресс термини билан организмдаги барча физиологик жараёнларнинг кучайиши, органларнинг кучли иш бажариши ташқи муҳитнинг зарарли таъсиротларига ҳайвоннинг қарши курашуви ва ҳимояланувчанлиги тушунилади.

Замонавий илмий дунёқарашларга кўра стресс тўқима ва органларда нейро гуморал бошқарилиш жараёнининг ишлаши натижасида келиб чиқиб, бунда вегетатив асаб тизими ва гипоталамус, гипофиз, буйрак усти безларининг гормонлари муҳим рол ўйнайди.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари.** Тажрибалар Бухоро вилояти қорақўлчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда ўтказилди.

Тадқиқотда стресс ҳолатига комплекс микроэлементлар ва нейрорептик дорилардан мебикарнинг таъсири ўрганилди. Бунда стрессор сифатида қўйларни баҳорги жун қирқим жараёни олинди.

Бунинг учун зоти, жинси, ёши ва оғирлиги бир хил бўлган қўйлардан икки гуруҳ танлаб олинди. Ҳар бир гуруҳда 7 бошдан она қўй бор эди.

**1-гуруҳдаги қўйлар** – назоратдаги қўйлар рационга қўшимча ҳеч нарса қўшиб берилмади

**2-гуруҳдаги қўйлар** – тажрибадаги қўйлар рационига қўшимча равишда комплекс микроэлементлар ва мебикар қўшиб берилди.

Комплекс микроэлементлар қирқимдан 3 кун олдин ва қирқимдан 4 кун кейин қунига бир бошга қуйидаги дозада берилди.

- Кобальт хлориди – 3 мг

- Мис сульфати – 10 мг

- Койод – 0,5 мг

Мибикар қирқимдан 1,5 – 2 соат илгари 70 мг/кг дозада берилди.

Ҳамма дорилар сувга эритилиб, қўйларга ичирилди.

Тадқиқот натижалари. Тажрибадаги қўйлар қонининг морфологик кўрсаткичларининг натижалари 1-жадвалда келтирилган.

*Тажрибадаги қўйлар қонининг морфологик кўрсаткичлари*

т/р	Кўрсаткичлар	Стресс таъсиригача	Стресс таъсиридан сўнг		
			1-кун	5-кун	10-кун
Назоратдаги қўйлар					
1	Эритроцитлар млн/мкл	6,98±0,2	8,99±0,7	6,93±0,2	8,16±0,9
2	Лейкоцитлар минг/мкл	8,44±0,4	10,0±0,7	6,0±0,8	8,28±0,9
3	Гемоглобин г%	10,4±0,6	9,9±0,5	9,76±0,3	9,6±0,3
Тажрибадаги қўйлар					
1	Эритроцитлар млн/мкл	6,92±0,3	7,28±0,3	6,87±0,6	7,37±0,3
2	Лейкоцитлар минг/мкл	8,44±0,9	9,88±0,7	7,44±0,5	9,60±0,9
3	Гемоглобин г%	8,54±0,4	8,76±0,6	9,55±0,8	9,64±0,7

Жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, стресс таъсиригача назоратдаги ва тажрибадаги қўйлар қонидаги эритроцит, лейкоцит сони, гемоглобин миқдори қарийиб бир хил бўлган. Стрессор таъсирининг биринчи кунда назоратдаги қўйлар қонида эритроцитлар сони 28,6 фоизга, лейкоцитлар сони 19,0 фоизга кўпайди. Тажрибадаги қўйлар қонида стрессор таъсирининг биринчи кунда эритроцитлар 5,2 фоизга, лейкоцитлар сони эса 17,0 фоизга кўпайди.

Бу кўрсаткичлар стресс таъсиридан 5 кундан кейин аввалги кўрсаткичи даражасига қайтди. Демак назоратдаги қўйлар қонида стресс таъсирида эритроцит ва лейкоцитлар сони 23 ва 19 фоизга, тажрибадаги қўйлар биологик фаол моддалар ва мебикарни қабул қилганлиги учун бу моддалар стресс таъсирини анча пасайтириб, қоннинг морфологик кўрсаткичларининг ўзгариши минимал даражада кузатилди.

Гемоглобин миқдори барча қўйларда, тажриба давомида деярли ўзгармади. Демак, биологик фаол моддалар ва мебикар ҳақиқатда ҳам стресс таъсирини бутунлай йўқотмасдан, балки анча пасайтиради

ва организмда стресс реакциясининг ривожланишини олдини олади.

Стресс таъсири даврида тажрибадаги қўйлар қонидаги макроэлементлар алмашинуви кўрсаткичлари 2-жадвалда кўрсатилган.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, назорат гуруҳидаги қўйлар қонида стресс таъсиридан кейин умумий кальций ва ишқор захираси деярли ўзгармади. Анорганик фосфор миқдори эса стресс таъсиридан бир кундан кейин 58,5 фоиз, 5-кунда 60,3 фоиз ва 10-кунга 75,5 фоизга ошди.

Тажрибадаги қўйлар қонида стресс таъсиридан кейин кальций, фосфор ва ишқор захираси кўрсаткичлари деярли ўзгармади.

Шундай қилиб, комплекс микроэлементлар ва мебикарни қўллаш натижасида тажрибадаги қўйлар организмда минерал алмашинуви деярли ўзгармади.

**Хулосалар**

1. Совлиқларнинг баҳорги қирқими даврида қўйларни биттадан ушлаб келиш, ерга ётқизиб йиқитиш, оёқларини арқон билан боғлаш,

*Тажрибадаги қўйлар қонидаги макроэлементлар алмашинуви кўрсаткичлари*

т/р	Кўрсаткичлар	Стресс таъсиригача	Стресс таъсиридан кейин		
			1-кун	5-кун	10-кун
Назоратдаги қўйлар					
1	Умумий кальций мг%	7,5±0,1	7,64±0,3	7,36±0,1	7,06±0,1
2	Анорганик фосфор мг%	5,3±0,7	8,4±0,1	8,56±0,4	9,3±0,4
3	Ишқор захираси мг%	432,6±12,1	437,7±6,6	433,1±8,4	406,9±10,2
Тажрибадаги қўйлар					
1	Умумий кальций мг%	7,26±0,1	7,9±0,2	7,2±0,1	7,45±0,3
2	Анорганик фосфор мг%	7,35±0,6	7,47±0,4	7,84±0,2	9,57±0,4
3	Ишқор захираси мг%	436,9±6,0	425,7±6,0	417,1±12,0	417,1±15,1

қирқимчининг жунни тананинг ҳамма юзасидан қирқиб олиш учун қўйни ҳар хил ҳолатда ушлаб туриши, жунни қирқадиган электр қайчининг исиб кетиши ва ҳайвон терисига термик таъсир этиши, қайчининг терини кесиши каби стрессорлар таъсир этади. Шунинг учун қирқим пайтида бир вақтда полиэтиологик стрессорлар таъсир этади ва улар кучли стрессорлар ҳисобланади.

2. Назоратдаги қўйларда стрессорлар таъсиридан илгари қондаги эритроцитлар ва лейкоцитлар сони, гемоглобин миқдори қарийиб бир хил бўлган. Стрессор таъсирининг биринчи кунда назоратдаги қўйлар қонда эритроцитлар сони 28,6 фоизга, лейкоцитлар сони 19,0 фоизга кўпайди, умумий кальций ва ишқор захираси деярли ўзгармади, анорганик фосфор эса 58,5 фоизга ошди. Бу стрессорлар таъсирига организмнинг ҳимоя воситаларини жалб қилганлигидан далолат беради.

3. тажрибадаги қўйлар стресс таъсиригача биологик фаол моддалар ва мебикар препаратини қабул қилганликлари ва бу моддалар стресс таъсирини анча пасайтиргани учун қондаги морфобиокимёвий

ва макроэлементлар алмашинуви кўрсаткичлари стресс таъсирида деярли ўзгармади.

4. Юқоридаги маълумотлар асосида биз чорвадор ва ветеринарларга келтирилган дориларни стрессорга қарши тавсия этамиз.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Селье Г. Очерки об адаптационном синдроме. – М.: Медгиз, 1960
2. Сафаров М.Б., Сафаров М.М. Ўзбекистон шароитида сизирларда озуқа ва совуқ ҳарорат стресслари. Ветеринария журналы. Тошкент, 2017 йил, 12, 15-17 б.
3. Сафаров М.Б. Ҳайвонларда стресс сабаблари ва олдини олиш чора-тадбирлари. Тошкент, 2022 й. Монография,- 220 б.
4. Горлов И.Ф. Юрина О.С. Препарат для снижения влияния технологического стресса на телят в период выращивания и откорма. М. Ветеринария, 6, 49-50.
5. Ковтарашвили А. Проблемы стресса и пути ее решения. Труды ВНИТИЛ, 2013.



## МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР ВА МЕБИКАР АНТИСТРЕСС ПРЕПАРАТИНИНГ ҚОРАҚЎЛ ҚЎЙЛАРИ СТРЕССИДАГИ ҚОННИНГ ОҚСИЛ-ВИТАМИН, УГЛЕВОД-МОЙ АЛМАШИНУВИ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

**Аннотация:** В статье представлена информация о стрессорах, действующих при весенней стрижке шерсти у каракульских овец, о влиянии стрессового состояния, развивающегося в результате этого в организме овец, на показатели белково-витаминного и углеводно-жирового обмена крови, о методах применения микроэлементов и препарата мекбикар с целью снижения стрессорного воздействия.

**Abstract:** The article presents information about the stressors that act during spring shearing of Karakul sheep, about the effect of the stress state that develops as a result in the body of sheep on the indicators of protein-vitamin and carbohydrate-fat metabolism of blood, about the methods of using trace elements and the drug mebicar in order to reduce the stress effect.

**Калит сўзлар:** Стресс, стрессор, микроэлементлар, мекбикар, йод, кобальт, рух, мис, марганец, оқсил, аминокислоталар, углевод, глюкоза, липидлар, мой кислоталари, витаминлар, каротин, стресс реакцияси, стрессни олдини олиш воситалари, қўллаш усуллари.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ривожланаётган мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги, чорвачилиги ва ветеринария соҳаларида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришдан мақсад, халқимизни экологик тоза, ўз таркибида ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган тўлақимматли аминокислоталар, минерал ва биологик фаол моддалар ва организмда ўз-ўзидан ҳосил бўлмайдиган бошқа моддаларни сақловчи чорвачилик маҳсулотларидан гўшт, сут, тухум, асал ва балиқ билан етарли даражада таъминлашдан иборат.

Ҳозирги кунда Республикамизда чорвачиликни хусусий мулкчилик асосида жадал тараққий эттириш ва рентабеллик соҳалардан бирига айлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда ички бозорни сифатли ва хавфсиз чорвачилик озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор тўлдиришнинг муҳим омили сифатида ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Чорва ҳайвонларини сақлашда, озиқлантиришда, бир жойдан иккинчи жойга кўчиришда, янги гуруҳлар тузганда, ветеринария ва зоотехния тадбирларини (эмлаш, даволаш, текшириш, ахталаш (бичиш), қон олиш, ҳалқа тақиш, тарозига тортиш, жунини қирқиш ва ҳоказолар) амалга оширишда ҳайвонлар организмга салбий таъсир қилувчи омиллар сони кўпаяди ва бунақа омиллар стрессорлар дейилади. Бундай пайтларда ҳайвонлар ортиқча энергия сарфлаб, шу ўзгаришларга мослашишлари керак организмнинг стрессорлар таъсирига мослашиши стрессорнинг кучи ва давомийлигига, ҳайвон организмнинг резистентлиги ва ҳолатига боғлиқ

ва стресс физиологик ва биохимик жараёнларининг кучайишига сабаб бўлади.

Ташқи муҳитнинг кучли ва доимий таъсир этувчи салбий таъсиротлари ҳайвонлар организмда стресс ҳолатини келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида ҳайвонларнинг ўсиш ва ривожланишининг пасайишига, маҳсулдорлигининг камайишига олиб келади.

Шунинг учун салбий таъсиротларнинг организмга таъсир кучини олдини олиш ёки пасайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш чорвачиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Салбий таъсиротларнинг организмга таъсир кучини олдини олиш ёки пасайтириш икки йўналишда олиб борилади.

Биринчи йўналиш – бу инженер технологик жараёнларни такомиллаштириб, ҳайвонларга максимал шароитлар яратиш. Бу анча мураккаб ва қийин иш.

Иккинчи йўналиш – агарда стрессорни йўқотиш иложи бўлмаса, стресс таъсирини пасайтириш чоралари кўрилади. Бунинг учун химик ва гормонал моддалар, витаминлар, антибиотиклар, биологик фаол моддалар қўлланиб, организмнинг стрессорга қарши туриш қобилияти оширилади.

Бу тадқиқотлар қорақўл қўйларида ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотларни биз адабиётлардан топа олмадик. Шунинг учун биз қўйларнинг баҳорги жун қирқими пайтида стрессор таъсирини пасайтириш учун комплекс микроэлементлар ва нейрорептик моддалардан мекбикарни қўллаб, таъсирини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Чунки қорақўлчиликда энг кучли стрессорлар жун қирқими пайтида кузатилади.

Тадқиқотлар Бухоро вилояти қорақўлчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда ўтказилди.

Тадқиқотларни ўтказиш учун икки гуруҳ она қўйлар зоти, тирик вазни ва ёшига қараб ҳар гуруҳга 7 бошдан танлаб олинди.

Биринчи гуруҳ назорат гуруҳи – бу қўйлар хўжалик рационаси асосида озиклантирилди.

Иккинчи гуруҳ тажрибадаги қўйлар – бу қўйлар рационага қўшимча равишда комплекс микроэлементлар ва мебикар дориси қўшиб берилди.

Микроэлементлар қирқимдан уч кун илгари ва қирқимдан тўрт кун кейин жами 7 кун давомида берилди. Мебикар қирқимдан 1,5 - 2 соат илгари берилди.

Тадқиқот даврида қуйидаги текширишлар ўтказилди:

4. Клиник текширишлар – бунда тана ҳарорати, пульс ва нафас олиш сони, тирик вазни ўлчанди.

5. Қонни текширганда – эритроцитлар ва лейкоцитлар сони саналди, гемоглобин, умумий оксил, умумий кальций, аорганик фосфор, каротин, ишқор захираси, глюкоза, холестерин, креатин ва умумий липидлар миқдорлари умумэтироф этилган усулларда аниқланди.

6. Текширишлар стресс таъсиридан илгари, стресс таъсиридан кейин биринчи, бешинчи ва ўнинчи кунларда ўтказилди.

Функционал бошқариш ва метаболитик жараёнларни меъёр даражасида ушлаб туриш тирик организмнинг асосий хусусиятларидан биридир. Бунга гомеостаз деб аталади.

Организмнинг ташқи муҳит шароитлари ва ўзгаришларига мослашиши ҳаётнинг асосини ташкил этади. Ҳар қандай ташқи ва ички муҳитдаги ўзгаришлар моддалар алмашилиши жараёнининг ўзгаришига олиб келади.

Организмни ўраб турган ташқи муҳит шароитларининг унга таъсири аввал махсус бўлмаган номахсус синдромларни, кейинчалик эса шу омиллар таъсирини характерлайдиган махсус синдромларни келтириб чиқаради.

Ганс Сельени организмнинг махсус бўлмаган қўзғатувчилар таъсирида гормонларнинг ўзгариши кизиқтириб қолди. Тажрибадаги ҳайвонларга ҳар хил махсус бўлмаган қўзғатувчиларни таъсир эттирганда, доимий бир хилдаги ўзига хос ўзгаришлар юз беришини кузатади. Бу ўзгаришлар фақат гипофиз ва буйрак усти беши бор ҳайвонларда кузатилган.

Кейинги пайтларда стресс термини билан организмдаги барча физиологик жараёнларнинг кучайиши, органларнинг кучли иш бажариши, ташқи муҳитнинг салбий таъсиротларига ҳайвоннинг

қарши курашуви ва ҳимояланувчанлиги тушунилади.

Замонавий илмий дунёқарашларга кўра стресс тўқима ва органларда нейро гуморал бошқарилиш жараёнининг ишлаши натижасида келиб чиқиб, бунда вегетатив асаб тизими ва гипоталамус, гипофиз, буйрак усти безларининг гормонлари муҳим рол ўйнайди.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Тажриба-лар Бухоро вилояти қорақўлчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда ўтказилди.

Тадқиқотда стресс ҳолатига комплекс микроэлементлар ва нейролептик дорилардан мебикарнинг таъсири ўрганилди. Бунда стрессор сифатида қўйларни баҳорги жун қирқим жараёни олинди.

Бунинг учун зоти, жинси, ёши ва оғирлиги бир хил бўлган қўйлардан икки гуруҳ танлаб олинди. Ҳар бир гуруҳда 7 бошдан она қўй бор эди.

**1-гуруҳдаги қўйлар** – назоратдаги қўйлар рационага қўшимча ҳеч нарса қўшиб берилмади

**2-гуруҳдаги қўйлар** – тажрибадаги қўйлар рационага қўшимча равишда комплекс микроэлементлар ва мебикар қўшиб берилди.

Комплекс микроэлементлар қирқимдан 3 кун олдин ва қирқимдан 4 кун кейин кунига бир бошга қуйидаги дозада берилди.

- Кобальт хлориди – 3 мг

- Мис сульфати – 10 мг

-Койод – 0,5 мг

Мибикар қирқимдан 1,5 – 2 соат илгари 70 мг/кг дозада берилди.

Ҳамма дорилар сувга эритилиб, қўйларга ичирилди.

**Тадқиқот натижалари.** Тажрибадаги қўйлар қонининг оксил-витамин алмашуви кўрсаткичлари натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, стресс таъсир этгунча назорат ва тажрибадаги қўйлар қонида умумий оксил, креатинин ва каротин кўрсаткичлари деярли бир хил бўлган.

Стресс таъсирининг 1-кунда назоратдаги қўйлар қонида умумий оксил миқдори 14,0 фоизга ошиб, кейинги кунларда камайиб борди. Креатинин миқдори 14 фоизга камайди. Каротин миқдори стресс таъсиридан кейин қарийиб 2 марта камайиши кузатилди ва бу 10 кун давомида кузатилди.

Тажрибадаги қўйлар қонида стресс таъсиридан кейин умумий оксил миқдори деярли ўзгармади. Креатинин миқдори фақатгина стресс таъсирининг 1-кунда 14,0 фоиз камайди.

Каротин миқдори деярли ўзгармади.

*Тажрибадаги қўйлар қонининг оқсил-витамин алмашинуви кўрсаткичлари*

т/р	Кўрсаткичлар	Стресс таъсиригача	Стресс таъсиридан сўнг		
			1-кун	5-кун	10-кун
Назоратдаги қўйлар					
1	Умумий оқсил г/л	65,8±2,3	75,0±2,5	72,8±2,1	62,0±1,7
2	Креатинин моль/л	75,4±2,5	65,8±2,5	64,1±3,0	73,6±6,4
3	Каротин мг %	1,16±0,06	0,55±0,02	0,43±0,06	0,60±0,01
Тажрибадаги қўйлар					
1	Умумий оқсил г/л	65,4±2,7	67,0±3,0	69,2±3,0	67,6±1,7
2	Креатинин моль/л	75,4±2,4	65,8±2,5	79,1±3,0	67,4±3,0
3	Каротин мг %	0,92±0,09	0,84±0,02	0,86±0,04	0,90±0,06

Шундай қилиб стресс таъсиридан кейин назоратдаги қўйлар қонида умумий оқсил миқдори стресс таъсиридан кейин оз миқдорда кўпайиб, кейинги кунларда камайди. Қирқим пайтида қўйлар боғлиқ ҳолда бўлганлиги учун ҳаракат қила олмайди. Шунинг учун қонда креатинин миқдори камайиши кузатилди.

Комплекс микроэлементлар ва мебикар қабул қилган қўйлар қонида бу кўрсаткичлар стресс таъсирини камайтиргани сабабли деярли ўзгармади.

Тажрибадаги қўйлар қонининг углевод-мой алмашинуви кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қўйлар қонида стресс таъсиригача умумий липид-

лар ва холестерин миқдори қарийиб бир хил бўлган. Стресс таъсиридан кейин назорат гуруҳидаги қўйлар қонида холестерин миқдори 15,4 фоизга камайди. Умумий липидлар 1-кунда 44,0 фоизга кўпайиб, кейинги кунларда аввалги кўрсаткичига қайтди. Глюкоза миқдори стресс таъсирининг 1-кунда 2,5 марта кўпайиб, 5-кундан аввалги кўрсаткичига камайди.

Тажрибадаги қўйлар қонида ҳам бу кўрсаткичлар стресс таъсирининг фақат биринчи кунда қисман кўпайиб, кейинги кунларда аввалги даражасига қайтди. Фақатгина 1 кунда глюкоза миқдори 2 марта кўпайиб, 10 кунда аввалги даражасига қайтди.

*Тажрибадаги қўйлар қонининг углевод-мой алмашинуви кўрсаткичлари*

т/р	Кўрсаткичлар	Стресс таъсиригача	Стресс таъсиридан сўнг		
			1-кун	5-кун	10-кун
Назоратдаги қўйлар					
1	Умумий липид г/л	1,25±0,11	1,8±0,2	1,46±0,1	1,26±0,1
2	Холестерин моль/л	1,30±0,12	1,1±0,01	1,25±0,04	1,25±0,05
3	Глюкоза мг %	17,3±2,3	49,0±5,4	16,95±0,6	15,93±0,08
Тажрибадаги қўйлар					
1	Умумий липид г/л	1,54±0,01	2,0±0,1	1,46±0,1	1,57±0,1
2	Холестерин моль/л	1,20±0,04	1,47±0,1	1,25±0,04	1,36±0,1
3	Глюкоза мг %	12,63±1,9	23,3±3,4	17,21±0,6	13,14±0,6



**Хулосалар.**

1. Совлиқларнинг баҳорги қирқими даврида қўйларни биттадан ушлаб келиш, ерга ётқизиш йиқитиш, оёқларини арқон билан боғлаш, қирқимчининг жунни тананинг ҳамма юзасидан қирқиб олиш учун қўйни ҳар хил ҳолатда ушлаб туриши, жунни қирқадиган электр қайчининг исиб кетиши ва ҳайвон терисига термик таъсир этиши, қайчининг терини кесиши каби стрессорлар таъсир этади. Шунинг учун қирқим пайтида бир вақтда полиэтиологик стрессорлар таъсир этади ва улар кучли стрессорлар ҳисобланади.

2. Назоратдаги ва тажрибадаги қўйларда стрессорлар таъсиридан илгари қондаги умумий оксил, креатинин, каротин, умумий липид ва холестерин миқдори қарийиб бир хил бўлган. Стрессор таъсирининг биринчи кунда назоратдаги қўйлар қонида умумий оксил миқдори 14 фоизга, умумий липидлар 44,0 фоизга, глюкоза миқдори 2,5 мартага ошган бўлса, креатинин миқдори 14 фоизга, холестерин миқдори 15,4 фоизга камайди. Бу кўрсаткичлар стресс таъсирининг 10-кунда аввалги даражага қайтди. Бу ўзгаришлар стрессорлар таъсирига организмнинг ҳимоя воситаларини жалб қилганлигидан далолат беради.

3. Тажрибадаги қўйлар қонида комплекс микроэлементлар ва мебикар препаратини қабул қилганлари ва бу моддалар стресс таъсирини анча пасайтиргани учун стресс таъсиридан кейин қондаги бу кўрсаткичлар деярли ўзгармади.

4. Юқоридаги маълумотлар асосида биз чорвадор ва ветеринарларга келтирилган дориларни стрессорга қарши қўллашни тавсия этамиз.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

6. Селье Г. Очерки об адаптационном синдроме. – М.: Медгиз, 1960

7. Сафаров М.Б., Сафаров М.М. Ўзбекистон шариоитида сигирларда озуқа ва совуқ ҳарорат стресслари. Ветеринария журналы. Тошкент, 2017 йил, 12, 15-17 б.

8. Сафаров М.Б. Ҳайвонларда стресс сабаблари ва олдини олиш чора-тадбирлари. Тошкент, 2022 й. Монография,- 220 б.

9. Горлов И.Ф. Юрина О.С. Препарат для снижения влияния технологического стресса на телят в период выращивания и откорма. М. Ветеринария, 6, 49-50.

10. Ковтарашвили А. Проблемы стресса и пути ее решения. Труды ВНИТИЛ, 2013.



## TUXUM YO'NALISHIDAGI TOVUQLAR GIPOVITAMINOZLARINING PROFILAKTIKASINI TAKOMILLASHTIRISH

**Аннотация.** В данной статье изложены анализ профилактической эффективности препаратов Монвит-Р, Биосупервит-Нео, Читомин-У, Интровит-А +орал при гиповитаминозов у кур несушек.

**Abstract:** This article presents an analysis of the preventive effectiveness of the drugs Monvit-R, Biosupervit-Neo, Chitomin-U, Introvit-A + oral for hypovitaminosis in laying hens.

**Kalit so'zlar.** Tovuqlar, tuxum, tuxum sarig'i, gipovitaminozlar; Monvit-P, Biosupervit – Neo, Chitomin-U, Introvit- A+Oral.

**Mavzuning dolzarbligi.** Bugungi kunda dunyoda parrandachilik jadal rivojlanib borayotgan sohalar-dan biri hisoblanadi. Parrandachilik chorvachilikning muhim tarmog'i bo'lib, parranda go'shti, undan tayyorlanadigan parhyez go'sht mahsulotlari, tuxum, pat va par ishlab chiqarish imkoniyatini beradi. Shu sababli parrandachilik xo'jaliklari sonini ko'paytirish, ulardan rasional foydalanish, tovuqlarning tuxum mahsuldorligini oshirish muhim ilmiy va amaliy ahamiyat kasb etadi. Parrandalar yuqumsiz kasalliklarining etiologiyasida asosiy o'rinni modda almashinuvi buzilishi kasalliklari tashkil qilib, ularning nobud bo'lishida 25% dan ortiq gepatoz kasalligi, 17% avitaminozlar va gipovitaminozlar, 23% hazm tizimi kasalliklari va 10% raxit kasalligi tashkil etgan.

Tovuqlarda gipovitaminozlar asosan surunkali kechib tuxum mahsuldorligining keskin kamayishi, si-fatsiz tuxumlar berishi va tuxumdan jo'ja chiqishining kamayib ketishi oqibatida katta iqtisodis zararga olib keladi. Tuxum yo'nalishidagi tovuqlarda gipovitaminozlarni oldini olish usullarini takomillashtirish dolzarb hisoblanadi.

**Olingannatijalar va ularning tahlili.** Tajribalar uchun «K.Eldor» parrandachilik fermasidagi «Lomann Braun-Klassik» zotiga mansub 20 haftalik tuxum yo'nalishidagi tovuqlardan tanlanib, har birida 20 boshdan tovuqlar bo'lgan 5 ta guruh tuzildi. Tajribalarni boshlashdan oldin va 20 kunda bir marta klinik va gematologik tekshirishlar o'tkazildi.

Nazorat guruhidagi tovuqlar faqat xo'jalikda joriy etilgan ratsionda parvarishlanib, ularga qo'shimcha vitaminli preparatlar berilmadi. Birinchi tajriba guruhidagi tovuqlarga Monvit-P preparatidan 1 g, ikkinchi guruhga Biosupervit - Neo preparatidan 1 ml, uchinchi guruhga Chitomin-U preparatidan 1ml, to'rtinchi guruhdagi tovuqlarga Introvit- A+Oral preparatidan 1 ml 1 litr suvga aralastirilib, 5 kun davomida berildi, undan

so'ng 5 kun tanaffus va yana 5 kun vitaminlar berildi. Tajribalar ikki oy davom etdi. Tadqiqotlar davomida qo'llanilgan vitaminli preparatlarning samaradorligi tovuqlarning saqlanuvchanlik darajasi, mahsuldorligi hamda tirik vaznining ortishiga qarab baholandi.

Nazorat guruhidagi tovuqlarning saqlanuvchanlik darajasi 85,4% ni, birinchi, ikkinchi va uchinchi tajriba guruhidagi tovuqlarda saqlanuvchanlik - 100%, to'rtinchi tajriba guruhida tovuqlarning saqlanuvchanligi esa 98% ni tashkil etdi. Nazorat guruhidagi tovuqlarda tajribalarning oxiriga kelib, patlarning hurpayishi, oriqlash, gipodinamiya, ishtahaning pasayishi, toj va sirg'alarda kamqonlik, kabi A gipovitaminozga xos klinik belgilar namoyon bo'lganligi qayd etildi.

Tovuqlarning tana vazni tajribalarning oxiriga kelib, tajribalarning boshidagi ko'rsatkichlarga nisbatan nazorat guruhida o'rtacha 136 g, 1-tajriba guruhida – 184 g, 2-tajriba guruhida – 182 g, 3-tajriba guruhida – 144 g va 4- tajriba guruhida -163 g ga ko'paygan. Tana vaznining oshuvi va saqlanuvchanligi bo'yicha 1-tajriba guruhidagi Monvit-P preparatini qabul qilgan tovuqlarda eng yaxshi natija olingan.

Tuxumning yupqa po'choqli bo'lishi nazorat guruhida tajribalarning oxirida 30 foizni tashkil etgan bo'lsa, 1 va 2 tajriba guruhlarida o'rtacha 5 foizni, 3 va 4 - tajriba guruhlarida 10% gacha kamayishi aniqlandi.

Nazorat guruhidagi tovuqlarda qondagi gemoglobin miqdori tajribalar boshida o'rtacha 96,4±1,80 g/l ni tashkil etgan bo'lsa, bu ko'rsatkichning tajribalar oxirida o'rtacha 92,2±2,40 g/l gacha kamayishi kuzatildi. Gemoglobin miqdori tajribalar davomida 1-tajriba guruhidagi tovuqlarda o'rtacha – 6,0 g/lga, 2-tajriba guruhidagi tovuqlarda o'rtacha – 5,2 g/lga, 3-tajriba guruhida o'rtacha- 3,9 g/l ga va 4 – tajriba guruhidagi tovuqlarda o'rtacha 2,4 g/lga ko'payganligi aniqlandi.

Qon zardobidagi umumiy oqsil miqdori tajribalar davomida 1-tajriba guruhidagi tovuqlarda o'rtacha 9,4

g/l ga, 2- tajriba guruhida o'rtacha 5,2 g/l ga, 3- tajriba guruhida o'rtacha 5,9 g/l ga, 4-tajriba guruhida o'rtacha 6,0 g/l ga ko'paygan bo'lsa, nazorat guruhidagi tovuqlarda ushbu ko'rsatkichning o'rtacha 3,7 g/l ga kamayishi qayd etildi.

Tovuqlar qonidagi glyukoza miqdori tajribalar davomida birinchi va ikkinchi tajriba guruhlarida o'rtacha 0,18 g/l ga, uchinchi tajriba guruhida o'rtacha 0,14 g/l ga, to'rtinchi tajriba guruhida esa 0,08 g/l ga oshganligi, nazorat guruhidagi tovuqlarda o'rtacha 0,18 g/l ga kamayganligi kuzatildi.

Qon zardobidagi umumiy kalsiy miqdori birinchi tajriba guruhidagi tovuqlarda tajribalarning oxiriga kelib o'rtacha 2,85±0,42 mmol/l gacha, ikkinchi tajriba guruhida o'rtacha 2,83±0,29 mmol/l gacha, uchinchi tajriba guruhida o'rtacha 2,84±0,45 mmol/l gacha, to'rtinchi tajriba guruhida o'rtacha 2,80±0,44 mmol/l gacha oshganligi, nazorat guruhidagi tovuqlarda tajribalar yakuniga kelib qon zardobidagi umumiy kalsiy miqdori o'rtacha 2,60±0,32 mmol/l gacha ( $R<0,05$ ) kamayishi qayd etildi.

Tajribadagi tovuqlar qon zardobidagi anorganik fosfor miqdori tajribalar boshida barcha guruhlarda deyarli bir xil ko'rsatkichlar bilan namoyon bo'lganligi aniqlanib, tajribalarning oxiriga kelib, dastlabki ko'rsatkichlarga nisbatan birinchi tajriba guruhida o'rtacha 0,03 mmol/l ga, ikkinchi tajriba guruhida o'rtacha 0,02 mmol/l ga, uchinchi tajriba guruhida o'rtacha 0,01 mmol/l gacha, to'rtinchi tajriba guruhida o'rtacha 0,02 mmol/l ga oshganligi aniqlandi. Nazorat guruhidagi tovuqlarda bu ko'rsatkichning tajriba oxirida o'rtacha 0,04 mmol/l ga kamayishi kuzatildi.

Tovuqlar qonidagi retinol miqdori tajribalar davomida birinchi tajriba guruhida o'rtacha 0,72±0,05 mkmol/l gacha, ikkinchi tajriba guruhida o'rtacha 0,74±0,04 mkmol/l gacha, uchinchi tajriba guruhida o'rtacha 0,72±0,05 mkmol/l gacha, to'rtinchi tajriba guruhida o'rtacha 0,72±0,05 mkmol/l gacha oshishi, nazorat guruhidagi tovuqlarda o'rtacha 0,58±0,06 mkmol/l gacha kamayishi xarakterli bo'ldi.

Tuxum sarig'idagi retinol va karotinooidlar miqdori tajribalar boshida tajriba va nazorat guruhlarida deyarli o'xshash ko'rsatkichlarga ega bo'lsada tajribalar davomida bu ko'rsatkichlarning birinchi tajriba

guruhida boshqa guruhdagilarga nisbatan ko'proq oshganligi xarakterli bo'ldi. Ikkinchi tajriba guruhida tuxum sarig'idagi retinol miqdori tajribalar oxirida o'rtacha 7,1±0,26 mkg/g gacha, karotinooidlar miqdori mos ravishda o'rtacha 12,4±0,18 mkg/g gacha oshganligi, uchinchi tajriba guruhida shunga mos ravishda retinol miqdori o'rtacha 6,4±0,17 mkg/g dan 7,0±0,14 mkg/g va karotinooidlar miqdori 11,6±0,19 mkg/g dan 12,0±0,22 mkg/g gacha oshganligi va to'rtinchi tajriba guruhidagi tovuqlarda retinol miqdori o'rtacha 6,2±0,16 mkg/g dan 6,8±0,40 mkg/g ga, karotinooidlar miqdori 11,2±0,16 mkg/g dan 12,0±0,30 mkg/g gacha ( $R<0,05$ ) oshganligi qayd etildi. Nazoratdagi tovuqlar tuxum sarig'idagi retinol miqdori tajribalar oxiriga kelib tajribalar boshidagi 6,2±0,14 mkg/g dan o'rtacha 5,8±0,22 mkg/g gacha, karotinooidlar miqdori o'rtacha 10,4±0,26 mkg/g dan 10,0±0,20 mkg/g gacha kamayishi aniqlandi.

**Xulosa.** Tuxum yo'nalishidagi Lomann Braun-Klassik zotli tovuqlar gipovitaminozlarining oldini olishda Monvit-P va Biosupervit – Neo preparatlarining samaradorligi yuqori bo'lib, gematologik ko'rsatkichlar va mahsuldorlik ko'rsatkichlarni oshuviga olib keladi.

#### Adabiyotlar

1. Norboyev Q.N., Raxmonov U.A., Eshburiyev S.B. Tuxum yo'nalishidagi tovuqlar gipovitaminozlarining etiologiyasi va profilaktikasi bo'yicha tavsiyalar. O'zbekiston Respublikasi veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish davlat qo'mitasi tomonidan tasdiqlangan. 10.02.2019 y. F.Nasimov XK. Tavsiyalar. Samarqand 2019. 26 b.
2. Eshbo'riyev B.M. Parrandalarning yuqumsiz kasalliklari, Samarqand, 2006. 86 b.
3. David Ye. Swayne, John R. Glisson, Larry R. McDougald, Lisa K. Nolan, David L. Suarez, Venugopal L. Nair, Diseases of Poultry, Wiley-Blackwell; 13 edition, USA, 2013.
4. Hayvonlar kasalliklari. Ma'lumotnoma. B.Bakirov., A.Daminov., N.Ro'ziqulov., T.Toyloqov., D.Saydaliyev., Sh.Qurbonov., O.Boboyev., A.Xo'djamshukurov. O'quv qo'llanma. 2-nashr. Samarqand. 2019. 250-264 b.

## TOVUQLAR GIPOVITAMINOZLARINING SABABLARI VA KLINIK KO'RSATKICHLARI

*Аннотация. Основные причины гиповитаминозов у кур несушек является несбалансированное кормление их в период яйценоскости. Гиповитаминозы у кур протекает общей слабостью, бледностью гребешка и сережек, крылья прижаты к телу, гиподинамией, понижение аппетита и продуктивности, сухостью кожи и взъерошенностью перьев.*

*Abstract. The main causes of hypovitaminosis in laying hens is unbalanced feeding during the period of egg production. Hypovitaminosis in chickens occurs with general weakness, pallor of the comb and earrings, wings pressed to the body, physical inactivity, decreased appetite and productivity, dry skin and ruffled feathers.*

*Kalit so'zlar. Tovuqlar, gipovitaminozlar, etiologiya, anemiya, dermatit, retinol, tokoferol, yupqa po'choqli tuxumlar.*

**Mavzuning dolzarbligi.** Bugungi kunda parrandachilik Respublikamizda jadal rivojlanib borayotgan sohalardan biri hisoblanadi. Parrandachilik chorvachilikning muhim tarmog'i hisoblanib, parranda go'shti, undan tayyorlanadigan parhyez go'sht mahsulotlari, tuxum, pat va par ishlab chiqarish imkoniyatini beradi. Shu sababli parrandachilik xo'jaliklari sonini ko'paytirish, ulardan rasional foydalanish, tuxum qo'yadigan tovuqlarning mahsuldorligini oshirish muhim ilmiy va amaliy ahamiyat kasb etadi.

Dunyoning ko'pchilik davlatlarda tuxum yo'nalishidagi tovuqlar orasida moddalar almashinuvi buzilishi kasalliklari ko'p qayd etilib, aksariyat hollarda yashirin holda surunkali kechadi. Mazkur muammolarning samarali yechimlarini ishlab chiqish aholining tuxum va parhyez parranda go'shti kabi chorvachilik mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirish hamda oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashda muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

Parrandachilikni rivojlantirishda ularda uchraydigan turli yuqumli, parazitar va yuqumsiz kasalliklar to'sqinlik qilib, parranda bosh sonining kamayishiga, saqlanuvchanligining kamayishi, o'sish va rivojlanishdan qolishi, mahsuldorlikning kamayishiga sabab bo'ladi. Ushbu kasalliklarga qarshi ekologik toza dori vositalarini qo'llash orqali parrandalar organizmining rezistentligini oshirish, immun tizimini stimullash, parrandalar chiqimini kamaytirish, ulardan yashovchanligi yuqori nasl olish, sifatli mahsulot yetishtirish talab etiladi. Mualliflar immunoil va parmiks preparatlarining jo'jalar organizmiga ijobiy ta'sirini guvohi bo'lishgan [3,5,8].

Tovuqlar organizmida retinol yetishmasligining asosiy sabablari ikkiga bo'lingan. Endogen va ekzogen sabablardir. A gipovitaminozning endogen sabablari yuqumli va parazitar kasalliklari hamda oshqozon ichaklar kasalliklari oqibatida vitamin A va karotinning ichaklardan so'rilishi susayadi. Kasallikning ekzogen sabablari oziqalar tarkibidagi karotin va vitaminlarning yetishmasligi natijasida uning organizmdagi zahiralarning kamayishi hisoblanadi. Gipovitaminoz A yosh jo'jalarda (2 haftalikda) tuxum sarig'i tarkibidagi karotin va retinolning yetishmasligidan, katta yoshdagi tovuqlarda esa kasallik asosan rasionda ushbu moddalarning yetishmasligidan kelib chiqishi aniqlangan [1,4,7].

Tovuqlarda tuxum mahsuldorligining kamayishini asosiy sababi mineral va vitaminlarning balanslashmagan rasionda boqish hisoblanadi. Bunday tovuqlarda qonning morfobiokimyoviy ko'rsatkichlari, tuxum berish foizi, tuxumning fiziko-kimyoviy ko'rsatkichlari, mahsuldorlik ko'rsatkichlaridagi o'zgarishlar yaqqol namoyon bo'ladi [2,5,9].

Adabiyot [2,6] ma'lumotlariga ko'ra tuxum tug'adigan tovuqlarda A gipovitaminoz kelib chiqishida retinolning yetishmovchiligi asosiy sabab bo'lib, organizmning o'sishi sekinlashadi, tabiiy immunitet susayadi, teri epidermisining ko'chishi va dermatit kuzatilgan. Kasallik shilliq pardalarning shoxlanishi va metaplaziyasi, ko'rish qobiliyatining pasayishi va tuxum berishning kamayishi bilan xarakterlanadi [5,7].

**Materiallar va metodlar.** Tovuqlarda gipovitaminozlarning klinik belgilari va sabablarini o'rganish maqsadida Pstdarg'om tumanidagi "K.Eldor" fer-

mer xo'jaligida tuxum yo'nalishidagi Lomann Braun-Klassik zotli tovuqlarda tekshirishlar o'tkazildi.

Har bir xo'jalikdan tekshirishlar uchun 50 boshdan 20 haftalik tovuqlar "o'xshash juftliklar" tamoyili asosida ajratilib, ularda 28 haftalikgacha bo'lgan muddatda klinik status aniqlandi.

Parrandalarda klinik tekshirishlar o'tkazish orqali umumiy holat, ishtaha, ko'z shilliq pardalari, toj va sirg'alarining rangi, teri, par va patlar, harakat a'zolarining holati, tumshuq va oyoqlarning rangi, 1 daqiqadagi yurak urishi va nafas soni, tuxum berish foizi, tuxum po'chog'i qalinligi aniqlandi. Tekshirishlar tajribalardan oldin va har 30 kunda bir marta o'tkazildi.

**Olingan natijalar tahlili.** "K.Eldor" fermer xo'jaligidagi tovuqlarning oziqa rasionlari tahliliga ko'ra 1- xo'jalikda rasionning 32% ni bug'doy doni, 22,85% ni makka doni, 18% ni soya shroti, 11,34 %ni kungaboqar shroti, 2,26% o'simlik yog'i, 0,65% monokalsiyfosfat, 10,4% izvestnyak, 2,5% premiks tashkil etdi. Rasionning umumiy to'yimliliigi 100 g omuxta yem tarkibida 264,0 kkal almashinuv energiyasi, 16 % xom protein, 5,1% kletchatka, lizin 0,70%, metionin 0,30%, treonin 0,42%, kalsiy 3,1%, fosfor 0,64 % ni tashkil etdi.

Tovuqlar rasionida oziqlantirish me'yorlariga nisbatan almashinuv energiyasining 26 kkal ga, kalsiyini 0,5% ga, fosforini 0,06% ga, retinolni 300 XB, xolekalsiferolni 80 XB ga, tokoferolni 0,2 mg ga, askorbin kislotasini 0,5 mg ga yetishmasligi aniqlandi. 2-xo'jalikdagi tovuqlar rasionida kalsiyning me'yorlarga nisbatan 3,3% ga, almashinuv energiyasini 6 kkal ga, xom proteinni 0,2%ga, fosforning 14,3% ga, retinolni 315 XB, xolekalsiferolni 83 XB ga, tokoferolni 0,15 mg ga, askorbin kislotasini 0,2 mg ga yetishmasligi aniqlandi. 3 – xo'jalikdagi tovuqlar rasionining almashinuv energiyasi 270 kkal, xom protein 16,5%ni, kletchatka 5,2%ni, lizin 0,72 %ni, metionin 0,31 %ni, kalsiy 3,0%ni, fosfor 0,68 %ni tashkil etdi. Vitamin A 690 XB ni, vitamin D<sub>3</sub> 115 XB, vitamin Ye 0,85 mg, askorbin kislotasi 4,6 mg ni tashkil etdi. Tovular rasionining balanslashmaganligi, rasiondagi oziqalar

tarkibidagi retinol, xolekalsiferol, tokoferol, xolin xlorid (V<sub>4</sub>) miqdorlarining yetishmasligi ularda gipovitaminozlarning rivojlanishiga sabab bo'ladi.

Lomann Braun-Klassik zotli tovuqlarda klinik tekshirishlar natijalariga ko'ra 40-45% da umumiy holsizlanish, toj va sirg'alarining oqarishi, gipodinamiya, ishtahaning pasayishi, o'sishdan qolish, oriqlash, mahsuldorlikning pasayishi, terining yupqalashishi va quruqlashishi, patlarning hurpayishi, 12-16% tovuqlarda burun teshiklaridan zardobli kataral oqmalar oqishi, patlarning tushishi, ko'z, quloq, oyoq osti terisida qalinlashgan joylarining paydo bo'lishi kabi retinol yetishmovchiligi hamda kon'yunktivit va keratitlarga xos bo'lgan klinik belgilar kuzatildi.

Ayrim tovuqlarda oyoqlarning zaiflashuvi, cho'loqlanib harakatlanish, oyoqlarini bukib o'tirib qolish, harakat muvozanatining buzilishi kuzatildi.

Gipovitaminozlar uchun tavsifiy simptom hisoblangan oyoqlarning qiyshayishi, ayrim tovuqlarda tuxumning yupqa po'choqli, ba'zida po'choqsiz bo'lishi, tuxum berishdan qolish, suyaklarning yumshab qolishi va sinuvchan bo'lishi kabi kalsiferol yetishmovchiligiga xos klinik belgilar, ba'zi tovuqlarda boshni orqaga yoki bir tomonga qilib yotish, oyoq va qanotlarning zaiflashuvi, qaltirash kabi tokoferol yetishmovchiligi belgilari kuzatildi.

30-40% tovuqlarda toj va sirg'alarining oqarishi, ishtahaning pasayishi, oriqlash, terining quruqlashishi, patlarning hurpayishi, kon'yunktivit, qanotlarning tushishi, 20-30 % da tuxumning yupqa po'choqli bo'lishi, tuxum mahsuldorligining 55-60% gacha kamayishi aniqlandi.

Tekshirishlar davomida tuxum beradigan tovuqlarning klinik ko'rsatkichlari puls va nafasning tezlashishi ya'ni, tekshirishlar boshidagi ko'rsatkichlarga nisbatan bir daqiqadagi nafas sonining o'rtacha 10,0 martaga, yurak urishining 17,0 martaga oshganligi aniqlandi.

Ayrim tovuqlarda oyoqlarning zaiflashuvi, ba'zan cho'loqlanish, o'tirib qolish, harakat muvozanatining buzilishi kuzatilib, gipovitaminozlar uchun xos simptom hisoblangan oyoqlarning qiyshayishi, ayrim tovuqlarda

1-jadval.

"K.Eldor" f/x dagi tovuqlarning klinik ko'rsatkichlari (p=50)

Tekshirishlar vaqti	Nafas soni, l <sup>1</sup>	Yurak urish soni, l <sup>1</sup>	Tojlar rangining oqarishi, %	Patlar hurpayishi, %	Yupqa po'choqli tuxum, %
20- hafta	22±1,8	131±4,2	40	50	20
24- hafta	28±1,4	143±4,8	42	50	20
28- hafta	32±1,6	148±5,1	46	54	24

tuxumning yupqa po'choqli, ba'zida po'choqsiz bo'lishi tekshirishlar boshida 20% va tekshirishlar oxiriga kelib 26% tovuqlarda, tuxum berishning kamayishi, suyaklarning yumshab qolishi va sinuvchan bo'lishi kabi kalsiferol yetishmovchiligiga xos klinik belgilar, boshni orqaga yoki bir tomonga qilib yotish, oyoq va qanotlarning zaiflashuvi, qaltirash kabi tokoferol yetishmovchiligi belgilari kuzatildi.

**Xulosalar.** 1. Tuxum yo'nalishidagi Lomann Braun-Klassik zotli tovuqlar gipovitaminozlarining asosiy sabablari alimantar omillar bo'lib, xo'jalik rasioni tarkibida me'yor ko'rsatkichlariga nisbatan retinol, tokoferol, xolekalsiferol, askorbin kislotasi va anorganik fosfor miqdorlarining yetishmasligi hisoblanadi.

2. Tovuqlarda gipovitaminozlar murakkab patologiya tarzida kechib, o'rtacha 30-40% tovuqlarda toj va sirg'alarning oqarishi, ishtahaning pasayishi, oriqlash, terining quruqlashishi, patlarning hurpayishi, kon'yunktivit, qanotlarning tushishi, 20-30 % da tuxumning yupqa po'choqli bo'lishi, tuxum mahsuldorligining 55-60% gacha kamayishi bilan xarakterlanadi.

#### Adabiyotlar

1. Норбоев Қ.Н. Бакиров Б. Эшбуриев Б. Ҳайвонларнинг ички юкумсиз касалликлари. Дарслик, Тошкент, 2020. 209-255 б.

2. Нормы и рационы кормления сельскохозяйственных животных. Справочное пособие / А.П.Калашников, В.И.Фисина, Н.И.Клейменова //Москва, 2003.- 455 с.

3. Нурмаматов Х, ва. б. Паррандалар организми табиий резистентлигига маҳаллий препаратларнинг таъсирини ўрганиш. // Зооветеринария. №2. 2013. 36-39 б.

4. Нурмухамедов Х. Тухум йўналишидаги товуқларни парвариш қилиш. Ўзбекистон паррандачилиги. Илмий-оммабоп, ахборот-маърифий журнал. №03 (08)-2016. Тошкент. 18-20б.

5. Кондрахин И.П., Левченко В.И. Диагностика и терапия внутренних болезней животных. М.: Изд. ООО «Аквариум-Принт», 2005. 456с.

6. Дымов А.В. Клинико-экспериментальное обоснование применения карофила для профилактики А-гиповитаминоза сельскохозяйственной птицы. Автореф. дисс.....канд. вет. наук. Белгород 2011. г 21 с.

7. Aktamovich, E. B., Bakhtiyorovich, E. S., & Shokir, H. N. (2023). Prevention of Calcium Phosphorus Exchange Disorders in Chickens. *Web of Semantic: Universal Journal on Innovative Education*, 2(6), 222-228.

8. Sh, X. N., Ergashev, J., & Eshburiyev, S. B. (2022). TOVUQLARDA VITAMIN VA MINERAL-LAR ALMASHINUVI BUZILISHLARINING KECHISH XUSUSIYATLARI. *AGROBIOTEKNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 480-483.

9. Sh, N., Elmurodov, B. A., & Eshburiev, S. B. (2022). TUXUM YONALISHDAGI TOVUQLAR MAHSULDORLIGIGA NOVAMIX PREMIKSINING TASIRI. *AGROBIOTEKNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 476-479.

## QO‘ZILAR DISPEPSIYASINING SABABLARI VA KLINIK BELGILARI

**Аннотация.** В данной статье приведен анализ литературных данных по этиологии, а также результатов клинико-лабораторных исследований, при диспепсии ягнят.

**Abstract.** This article provides an analysis of literary data on the etiology, as well as the results of clinical and laboratory studies, for dyspepsia in lambs.

**Kalit so‘zlar.** Dispepsiya. Qo‘zi. Antnatal va postnatal sabablar. Metabolik omillar. Klinik belgilar. Diareya. Suvsizlainish. Pulsning susayishi. Yurak tomonni avaylash. Periferik gipotermiya. Toksemiya. Bosib ko‘rilganda qorin og‘rig‘i. Taloq atrofiyasi. Bug‘oz sovliq. Modda almashinuvi buzilishlari. Ketonuriya. Alimentar osteodistrofiya. Alimentar distrofiya. Gepatodistrofiya. Etiopatogenetik bog‘liqlik.

**Mavzuning dolzarbligi.** O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-yanvardagi «Chorvachilik tarmog‘ini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PQ-4576-sonli hamda 2022-yil 8-fevraldagi «Chorvachilikni yanada rivojlantirish va ozuqa bazasini mustahkamlash chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PQ-121-sonli qarorlarida belgilab berilgan ustivor vazifalarning bajarilishida, xususan, chorvachilikda qo‘ychilik tarmog‘ining barqaror rivojlanishiga qo‘zilar orasida ko‘p uchraydigan dispepsiya kasalligi katta to‘siqlardan biri bo‘lib kelmoqda.

Dispepsiya kasalligi bugungi kunda 1-10 kunlik-kacha bo‘lgan qo‘zilarning ayrim xo‘jaliklarda 30-40 %gachasini qamrab olish hollari, shuningdek, kuchli ich o‘tishi, holdan toyish va o‘tkir toksemiya belgilarining paydo bo‘lishi oqibatida aksariyat holatlarda kasal qo‘zilarning nobud bo‘lishi kuzatilmoqda. Ayni paytda, dispepsiya kasalligi, bir tomonan, fermer xo‘jaliklarining katta iqtisodiy zarar ko‘rishiga olib kelayotgan bo‘lsa, ikkinchi tomondan esa, qo‘y bosh sonining belgangan parametrlarda ko‘payishini ta‘minlovchi aniq vazifalarning bajarilish sur‘atlarining pasayishi evaziga Respublikamizda salmoqli iqtisodiy va ijtimoiy ahamiyat kasb etuvchi qo‘ychilik tarmog‘ining rivojlanishini orqaga tortib kelayotgan asosiy omillardan biri bo‘lib qolmoqda.

Yuqorida qayd etilgan fikr va mulohazalardan shunday dastlabki xulosaga kelish mumkinki, qo‘zilar dispepsiyasiga qarshi kurash choralarini yanada mukammal ishlab chiqish, xususan bunda jug‘rofiy hududlar, qo‘y va qo‘zilarni saqlash hamda oziqlantirish sharoitlari, qolaversa, bevosita bug‘oz sovliqlar organizmida kechadigan fiziologik hamda patologik jarayonlarni e‘tiborga olgan holda kasallik sabablarini o‘z vaqtida aniqlash, kasallikka ertachi va tezkor tashxis qo‘yish, kasal hayvonlarni samarali va intensiv davolash hamda kasallikning guruhli oldini olish chora va tadbirlari

majmuyini ishlab chiqishga qaratilgan ilmiy tadqiqotlar bugungi kun veterinariya ilm fani va amaliyotidagi o‘ta dolzarb tadqiqotlar hisoblanadi.

Sh.S.Mamatov (1996) bug‘oz sigirlarda modda almashinuvlarining buzilishi, uviz suti sifatining pastligi, tarkibida immunoglobulinlar va leykositlar miqdorining kamligi buzoqlar dispepsiyasining antinatal sabablari ekanligini ta‘kidlaydi.

Postnatal sabablarga hayvon tug‘ilgandan keyin ta‘sir etadigan sabablar, xususan, yangi tug‘ilgan hayvonga dastlabki uvuz luqmasining 1-1,5 soatdan kechiktirib berilishi, ularni saqlash va oziqlantirish qoidalarining buzilishlari kiradi.

B.M.Eshburiyev (2016)ning ta‘kidlashicha, buzoqlar dispepsiyasining patogenezida uch patologik zveno: ovqat hazm qilish tizimi funksiyalarining izdan chiqishi, disbakterioz va fermentopatiya; ich ketishi va organizmning suvsizlanishi (degidratasiya), kislota-ishqor muvozanatining va suv-elektrolit almashinuvi; qonning quyuqlashuvi hisobiga gemodinamikaning buzilishi va autointoksikatsiya xarakterli bo‘ladi.

A.V.Manasyan va boshqalar (2003) tomonidan dispepsiya bilan kasallangan buzoqlarda proteolitik fermentlar hisoblangan renin va pepsinning faolligi shunga mos ravishda  $62,0 \pm 2,21$  mkg/l va  $0,73 \pm 0,05$  mg/ml gacha kamayishi qayd etilgan. Sog‘aygan hayvonlar o‘sishtan qoladi, organizm rezistentligining pasayishi tufayli ko‘pgina kasalliklarga, shu jumladan, respirator kasalliklarga beriluvchan bo‘lib qoladi.

Yuqorida ta‘kidlab o‘tilgan ilmiy-adabiy ma‘lumotlar shuni ko‘rsatdiki, Respublikamiz sharoitlarida qo‘zilar dispepsiyasiga qarshi kurash chora-tadbirlari to‘lig‘icha ishlab chiqilmagan va shu boisdan mazkur kasallikka qarshi ilmiy asoslangan ertachi tashxis, samarali davolash hamda oldini olish chora-tadbirlarini ishlab chiqishga qaratilgan tadqiqotlar dolzarb ilmiy tadqiqotlardan biri bo‘lib hisoblanadi.

**Tadqiqotning obekti va uslublari.** Ilmiy tad-

qiqot ishlari 2021-2023 yillar davomida Samarqand viloyatining Nurobod tumanidagi qorako'lichilikka ixtisoslashgan «Olg'a» MCHJ, Qashqadaryo viloyatining Qamashi tumanidagi «Bobir Murodalievich XK»ga qarashli qo'ychilik fermer xo'jaligi va Surxondaryo viloyatining Boysun tumanidagi «Qora kamar» fermer xo'jaligi sharoitidagi qorako'l hamda hisor zotli sovliq va qo'zilarda olib borildi. Ketonuriya, alimentar osteodistrofiya, alimentar distrofiya va jigar distrofiyasi bilan kasallangan sovliqlardan tug'ilgan qo'zilarda kuzatiladigan klinik belgilarning onasi organizmida kuzatiladigan kasallik(lar) bilan bog'liqligi (yoki bog'liq emasligi) tahlil qilindi.

**Tadqiqot natijalarining tahlili.** Olib borilgan tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, qo'zilarning dispepsiya bilan kasallanish darajasi cho'l hududlarida boqilayotgan qorako'l qo'zilarda 30-40 %ni, hisor zotli qo'zilarda 20-30 %ni, tog' oldi-tog' hududlarida, mos ravishda, 25-30 va 20-30 %ni, tog'li hududlarda 20-30 va 10-20 %ni tashkil etishi aniqlandi.

Tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki sovliqlar ratsionida qand (51,1-60,0 %), fosfor (80,0-88,9 %) va karotin (66,9-77,0 %) bilan ta'minlanish darajasining pastligi va ratsionda kalsiy (130,-174,1 %) hamda kletchatka (15,5-242,2 %) miqdorlarining ortiqchaligi, shuningdek, sovliqlarni faol sayr qildirish (eng birinchi navbata, tungi haydash)ning yetarlicha yo'lga qo'yilmaganligi sababli vujudga keladigan metabolizm buzilishlarining mavjudligi ushbu patologiyaning esa aynan qo'zilar dispepsiyasining kelib chiqishida dominant rol ni o'ynashi aniqlandi.

Dispepsiya bilan kasallangan qo'zilarda kasallikning 1 – 2 kunlarida tez-tez tezaklash (bir kunda 8 – 12 marta), keyingi kunlarda esa doimiy ravishda ich ketishi kuzatilib, tezak suyuq, oqimtir-sariq rangda, qo'lansa hidli, tarkibida ko'p miqdorda shilimshiq modda, ayrim hollarda esa qon aralash bo'lishi qayd etildi.

Kasallikning 3 – 5 (7) kunlarida qo'zilarda kuchli holsizlanish, tashqi ta'sirotlarga javob reaksiyasining yo'qolishi, organizmning suvsizlanish belgilari (burun oynasi va terining quruqlashishi, ko'z olmasining cho'kishi, yurak urishining tezlashib, pulsning bir daqiqada 200 – 210 martagacha yetishi, nafasning zo'riqishi va bir daqiqada 46 – 80 martagacha yetishi, ishtahaning yo'qolishi va adinamiya kuzatilib, tana harorati avvaliga 41 – 42°C gacha ko'tarilishi va keyin pasayib borishi kuzatildi. Qorin devori paypaslanganda og'riq sezishi, ixtiyorsiz ravishda tezaklash, anus sfinktrining falajlanganligi, tezakning qo'lansa hidli bo'lishi, dum va anus atrofining tezak bilan ifloslanishi kuzatildi. Ayrim qo'zilarda tashqi shilliq pardalar sianozi ro'y berdi. Kasallangan qo'zilarda ko'pincha yotish, ularning

ayrimlarida gansiraklash, tananing orqa qismining falajlanishi qayd etildi.

Tog'li hududlarda qo'zilarning dispepsiya bilan kasallanish darajasining boshqa hududlardagiga qaraganda pastligini har ikkala zotdagi qo'zilar uchun ham tog'li hududlarning ovqat hazm qilish tizimi a'zolari, xususan, oshqozon, ichaklar va jigarning faoliyati uchun adekvatligi bilan izohlash mumkin.

Qo'zilarning dispepsiya bilan kasallanish davri barcha hududlarda qorako'l qo'zilarning 1 – 7 kunligiga, hisor zotli qo'zilarning esa 1 – 5 kunligiga to'g'ri kelishi aniqlandi va qo'zilarning dispepsiya bilan kasallanish davri bo'yicha zotlararo bunday o'zaro farqni jigarning detoksikatsion faoliyatining boshlanish davrini aniqlashga qaratilgan tadqiqotlqrimiz natijalariga asoslangan holda hisor zotli qo'zilarda ovqat hazm qilish tizimi a'zolari, shu jumladan, jigarning morfo-funksional yetilishining qorako'li qo'zilardagiga nisbatan avvalroq amalga oshishi bilan izohlash mumkin.

Samarqand viloyatining Nurobod tumanidagi qorako'lichilikka ixtisoslashgan «Olg'a» MCHJ sharoitidagi sog'lom sovliqlardan tug'ilgan qo'zilarning o'rtacha tirik vazni 3,25+0,02 kg ni tashkil etdi (normotrofiya). Bunday qo'zilarning dispepsiya bilan kasallanishi hayotining dastlabki 1 – 2 kunlarida ro'y berdi. Kasal qo'zilada umumiy dispeptik belgilar, xususan, umumiy holsizlanish va kam harakatchanlik, ich ketish, suvsizlanish, pulsning susayishi, yurak tomonni avaylash, bosib ko'rilganda qorin sohasining og'riq sezishi va keyinchalik periferik gipotermiya belgilari qayd etildi. Kasallik o'rta darajada o'tdi. Kasallikning 7 – 10 kunlariga borib 30 % qo'zining nobud bo'lishi kuzatildi.

Bug'ozligining oxirgi davrlarida ketonuriya bilan kasallangan sovliqlardan tug'ilgan qo'ziarning o'rtacha tirik vazni 3,45+0,03 kg ni tashkil etdi, ya'ni ushbu kasallik paytida homila gipertrofiyasi kuzatildi. Bunday qo'zilarning dispepsiya bilan kasallanishi asosan, hayotining dastlabki 3 – 4 kunlarida ro'y berdi. Kasal qo'zilada umumiy dispeptik belgilar bilan birgalikda toksemiya belgilari (tashqi ta'sirotlarga befarqlik, shilliq pardalar giperemiyasi, klonik va tetanik qaltiroqlar va b.lar) va puls susayishining yanada kuchliroq namoyon bo'lishi belgilari qayd etildi. Kasallik og'ir darajada o'tdi. Kasallikning 6 – 7 kunlariga borib 60 % qo'zining nobud bo'lishi kuzatildi. Bug'ozligining oxirgi davrlarida alimentar osteodistrofiya bilan kasallangan sovliqlardan tug'ilgan qo'zilarning o'rtacha tirik vazni 2,90+0,02 kg ni tashkil etdi, ya'ni ushbu kasallik paytida kuchsiz darajadagi homila gipotrofiyasi kuzatildi. Bunday qo'zilarning dispepsiya bilan kasallanishi asosan hayotining dastlabki 5 – 6 kunlarida ro'y berdi va kasallik umumiy dispeptik belgilar bilan namoyon




bo'ldi. Kasallik o'rtacha darajada o'tdi va uning 10 – 11 kunlariga borib 40 % qo'zining nobud bo'lishi kuzatildi.

Bug'ozligining oxirgi davrlarida alimentar distrofiya bilan kasallangan sovliqlardan tug'ilgan qo'ziarning o'rtacha tirik vazni 2,75+0,01 kg ni tashkil etdi, ya'ni ushbu kasallik paytida kuchli darajadagi homila gipotrofiyasi kuzatildi. Bunday qo'zilarining dispepsiya bilan kasallanishi asosan, hayotining dastlabki 8 – 10 kunlarida ro'y berdi va kasallik umumiy dispeptik belgilar bilan namoyon bo'ldi. Kasallik o'rtacha darajada o'tdi va uning 12 – 13 kunlariga borib 50 % qo'zining nobud bo'lishi kuzatildi.

Bug'ozligining oxirgi davrlarida gepatodistrofiya bilan kasallangan sovliqlardan tug'ilgan qo'ziarning o'rtacha tirik vazni 3,0+0,03 kg ni tashkil etdi, ya'ni ushbu kasallik paytida homila tirik vaznining jiddiy o'zgarishlari kuzatilmagan bo'lsada, bunday qo'zilarining dispepsiya bilan kasallanishi asosan, hayotining dastlabki 4 – 5 kunlarida ro'y berdi va kasal qo'zilarida umumiy dispeptik belgilar bilan birgalikda toksemiya belgilari ham qayd etildi. Kasallik og'ir darajada o'tdi va uning 7 – 8 kunlariga borib 70 % qo'zining nobud bo'lishi kuzatildi.

Dispepsiya bilan kasallangan qo'zilar qonini morfologik va biokimyoviy tekshirish natijalari shuni ko'rsatdiki, kasallik boshida jiddiy o'zgarishlar deyarli kuzatilmadi. Uning 2 – 3 kunlariga borib, qondagi gemoglobin va eritrotsitlarning o'rtacha 25-40 %ga, gematokrit ko'rsatkichining 25-30 %ga oshishi qayd etildi. Ketonuriya va gepatodistrofiya bilan kasallangan sovliqlardan tug'ilgan va dispepsiya bilan kasallangan qo'zilarida esa bulardan tashqari, qondagi ishqoriy zahira miqdorining o'rtacha 40-50 %ga kamayishi, shuningdek, undagi keton tanachalari miqdorining esa 40-50 %ga oshishi qayd etildi.



**1-rasm. mustaqil tadqiqotchi S.S.Asqarov dispepsiya bilan kasallangan qo'zini klinik tekshirishlardan o'tkazmoqda**

Kasallanib o'lgan qo'zilarni patologoanatomik yorib ko'rish natijalari shuni ko'rsatdiki, dispepsiya paytida qo'zilarida asossiy patognomonik belgi bo'lib

kataral-gemorragik gastroenterit, hali ishlamayotgan oshqozon oldi bo'limlarida ivib qolgan uviz parchalarining saqlanishi va taloq atrofiyasi hisoblanadi. Ketonuriya va gepatodistrofiya bilan kasallangan sovliqlardan tug'ilgan qo'zilarida bulardan tashqari, jigarda har xil darajadagi distrofik o'zgarishlar, shuningdek, buyrak hamda yurak muskullarining har xil o'zgarishlarga uchrashi qayd etildi.

#### **Xulosalar.**

1. Qo'zilarining dispepsiya bilan kasallanish darajasi Respublikamizning cho'l hududlari sharoitidagi qorako'l qo'zilarida 30-40 %, hisor zotli qo'zilarida 20-30 %ni, tog' oldi-tog' hududlarida, mos ravishda, 25-30 va 20-30 %ni, tog'li hududlarda 20-30 va 10-20 %ni tashkil etadi va bunda qo'zilarining dispepsiya bilan kasallanish davri barcha hududlarda qorako'l qozilarining 1 – 7 kunligiga, hisor zotli qo'zilarining esa 1 – 5 kunligiga to'g'ri keladi.

2. Yangi tug'ilgan qo'zilar ovqat hazm qilish tizimi a'zolari, xususan, oshqozon-ichaklar va jigarning morfo-funksional yetilishining kechikib amalga oshishi, bug'oz sovliqlar organizmida modda almashinining builishlari oqibatida paydo bo'ladigan ketonuriya, osteodistrofiya, alimentar distrofiya va gepatodistrofiya kasalliklari, shuningdek, bug'oz sovliqlarni faol sayr qildirish qoidalarining buzilishlari qo'zilarida dispepsiya kasalligining asosiy sabablari bo'lib hisoblanadi.

3. Qo'zilar dispepsiyasining klinik begilari qa'tiy ravishda bug'oz sovliq organizmida kechayotgan fiziologik va patologik o'zgarishlarga, shu jumladan, antinatal taraqqiyot davridagi metabolizm buzilishlarining turiga mos ravishda paydo bo'ladi, xususan, bo'shashish va kamharakatchanlk, diareya, suvsizlainish, pulsning susayishi, yurak tomonni avaylash, periferik gipotermiya, toksemiya (tashqi ta'sirotlarga befarqlik, shilliq pardalar giperemiyasi, klonik va tetanik qaltiroqlar va b.lar), bosib ko'rilganda qorin sohasining og'rig'i, yorib ko'rilganda kataral-gemorragik gastroenterit, hali ishlamayotgan oshqozon oldi bo'limlarida ivib qolgan uviz parchalarining saqlanishi va taloq atrofiyasi hisoblanadi. Ketonuriya va gepatodistrofiya bilan kasallangan sovliqlardan tug'ilgan qo'zilarida bulardan tashqari, jigarda har xil darajadagi distrofik o'zgarishlar, shuningdek, buyrak hamda yurak muskullarining har xil o'zgarishlarga uchrashi qayd etildi.

4. Dispepsiya paytida qonning morfologik hamda biokimyoviy ko'rsatkichlarida ham o'ziga xos o'zgarishlar kuzatiladi, xususan kasallikning 2 – 3 kunlariga borib, qondagi gemoglobin va eritrotsitlarning o'rtacha 25-40 %ga, gematokrit ko'rsatkichining 25-30 %ga oshishi kuzatiladi. Ketonuriya va gepatodistrofiya bilan kasallangan sovliqlardan tug'ilgan va dispepsiya bilan

kasallangan qozilarda esa bulardan tashqari, qondagi ishqoriy zahira miqdorining o'rtacha 40-50 %ga kamayishi, shuningdek, undagi keton tanachalari miqdorining esa 40-50 %ga oshishi kuzatiladi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-yanvardagi «Chorvachilik tarmog'ini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashning qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ -4576-sonli qarori.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 8-fevraldagi «Chorvachilikni yanada rivojlantirish va ozuqa bazasini mustahkamlash chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-121-sonli qarori.

3. Ro'ziqulov N.B. Yosh hayvonlar va parrandalar terapiyasi. Darslik. Toshkent, "Fan ziyosi", 2021. – B. 70-81.

4. Bakirov, B., Daminov, A. S., Ro'ziqulov, N. B., Toylaqov, T. I., & Saydaliyev, D. (2019). Qurbonov Sh. Boboyev OR, Xo'djamshukurov A. Hayvonlar kasalliklari. Ma'lumotnoma. Ikkinchi nashri. Samarqand, 344-347.

5. Практикум по внутренним болезням животных / Под общ. ред. Щербакова Г.Г., Яшина А.В., Курдеко А.П., Мурзагулова К.Х.: Учебник. – СПб.: Издательство «Лань», 2021. – С. 543.

6. Петрянкин Ф.П., Петрова О.Ю. Болезни молодняка животных: Учебной пособие для СПО. – Санкт-Петербург: Лань, 2021. – С. 352.

7. Bakirov, B., & Ruzikulov, N. B. (2017). Причины и ранняя диагностика нарушений метаболизма и дистрофии печени у коров в республике Узбекистан. *Ветеринария*, (5), 49-53.

8. Вахтияр, В., Nuriddin, R., Oybek, B., & Xokimjon, K. (2017). Etiopathogenesis, gepatogenetic im-

plications and early diagnosis of disorders of protein metabolism in productive animals in Uzbekistan conditions. *IJAR*, 3(2), 272-277.

9. Bakirov, B., Ruzikulov, N. B., & Haitov, N. (2015). Method of complex dyspancerization of cows and sheep. *Certificate the deposit of intellectual property. Registration*, 29(01), 2273.

10. Ruzikulov, N. B. (2021). Main causes and development mechanisms of Karakol sheep Ketonuria. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 10(3), 556-559.

11. N Ruzikulov, S Askarov, N Rasulov, O Boboev. (2022). Results of treatment of lambs dysepsepsy. Наука и просвещение: актуальные вопросы, достижения и инновации. Сборник статей VIII Международной научно-практической конференции. Пенза, 2022. 226-229.

12. Asqarov S.S., Yunusov X.B., Ro'ziqulov N.B. Qo'zilar dispepsiyasining klinik belgilari va ularning etiopatogenetik asoslari // Veterinariya meditsinasi. – 2023. №8. – 18-19 bet.

13. Маматов Ш.С. Этиология, диагностика, лечение и профилактика диспепсии телят: Автореф. дис. ... канд. вет. наук. – Самарқанд, 1996. – С. 19.

14. Эшбуриев Б.М. Бўғоз сигирларнинг эндемик микроэлементозлари, уларнинг оқибатлари ва профилактика чора-тадбирлари: Автореф. дис. ... докт. вет. наук. Самарқанд: СамҚХИ, 2016. – 72 бет.

15. А.В.Манасян, Г.Р.Петоян, А.М.Шахбазян. "Активность ферментов пищеварительной системы у телят при диспепсии". Армянская СХА, 2003.

16. Bradford P.Smith, David C. Van Metre, Nicola Pusterla. Large Animal Internal Medicine. Sixth Edition. ELSEVIER. Printed in the United States of America, 2020 by. - P. 1874.

## QO'ZILAR DISPEPSIYASINI DAVOLASHDA ZAMONAVIY YONDOSHISH

**Аннотация.** В статье представлен анализ методов лечения диспепсии у ягнят и результаты научных наблюдений за применением Антибиотика, Пробиотика, настойки Эльбахо́ра.

**Abstract.** The article presents an analysis of methods for treating dyspepsia in lambs and the results of scientific observations of the use of Antibiotic, Probiotic, and Elbahor tincture.

**Kalit so'zlar.** Dispepsiya. Qo'zi. Xo'jalik ratsioni (ona suti) Antibiotik, Probiotik, Elbahor damlamasi Anntatal va postnatal sabablar. Metabolik omillar. Klinik belgilar. Diareya. Suvsizlainish. Pulsning susayishi. Yurak tomonni avaylash. Periferik gipotermiya. Toksemiya. Bosib ko'rilganda qorin og'rig'i. Taloq atrofiyasi.

**Mavzuning dolzarbligi.** O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-yanvardagi «Chorvachilik tarmog'ini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashning qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-4576-sonli hamda 2022-yil 8-fevraldagi «Chorvachilikni yanada rivojlantirish va ozuqa bazasini mustahkamlash chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-121-sonli qarorlarida belgilab berilgan ustivor vazifalarning bajarilishida, xususan, chorvachilikda qo'ychilik tarmog'ining barqaror rivojlanishida qo'zilar orasida ko'p uchraydigan dispepsiya kasalligi katta to'siqlardan biri bo'lib kelmoqda.

Dispepsiya oqibatida qo'zilarida ich ketish, ishtahaning susayishi, tezda oriqlab ketish oqibatida kasal hayvon tezda nobud bo'ladi, Shu boisdan, kasallikni tezkor davolash katta ahamiyat kasb etadi. Respublikamiz sharoitidagi qo'zilar dispepsiyasiga qarshi samarali davolash chora-tadbirlarining yetarlicha ishlab chiqilmaganligi masalaning dolzarbligini yanada oshiradi.

**Tadqiqotning maqsadi.** O'zbekiston Respublikasi sharoitidagi qorako'l qo'zilarida dispepsiya kasalligini davolash usullarini takomillashtirishdan iborat bo'ldi.

**Tadqiqotning obekti va uslublari.** Ilmiy tadqiqot ishlari 2021-2023 yillar davomida Samarqand viloyatining Nurobod tumanidagi qorako'lchilikka ixtisoslashgan «Olg'a» MCHJ, Qashqadaryo viloyatining Qamashi tumanidagi «Bobir Murodalievich XK»ga qarashli qo'ychilik fermer xo'jaligi va Surxondaryo viloyatining Boysun tumanidagi «Qo'y kamar» fermer xo'jaligi sharoitidagi qorako'l hamda hisor zotli sovliq va qo'zilarida olib borildi.

**Olingan natijalar va ularning tahlili.** Olib borilgan tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, qo'zilarining dispepsiya bilan kasallanish darajasi cho'l hududlarida

boqilayotgan qorako'l qo'zilarida 30-40 %ni, hisor zotli qo'zilarida 20-30 %ni, tog' oldi-tog' hududlarida, mos ravishda, 25-30 va 20-30 %ni, tog'li hududlarda 20-30 va 10-20 %ni tashkil etishi aniqlandi.

Davolash tajribalari uchun dispepsiya bilan kasallangan 15 bosh qo'zi «o'xshash jufliliklar» tamoyili asosida 5 boshdan 3 guruhga ajratildi.

**Elbahor o'tining o'sish joylari.** Quruq tog' yonbag'irlarida o'sadi. Tog' etaklaridan baland tog'larga qadar keng tarqalgan; ochiq joylarda, o't va daraxt-butta o'simliklari orasida, 300-3700 m balandlikda. O'rta Osiyoda va Janubiy Kavkazda tarqalgan.

**Xom ashyoning sarlavhasi va sifati.** Dorivor xom ashyo butun o'simlikdan olinadi. Havo qismi (o't) gullash davrida yig'ib olinadi, soyada quritiladi. Yig'ilgan ildizlar yaxshilab yuvilib quritiladi.

**Kimyoviy tarkibi.** Gentian Olivierning yer ustki qismi (gullash bosqichida) 0,67% alkaloid saqlaydi. Ushbu turdan 9 ta alkaloid ajratilgan va aniqlangan: gentianin, gentiananin, gentianain, gentianadin, gentioflavin, gentiotibetin, oliverin, oliveramin, oliveradin, shuningdek, glikozidlar, taninlar va smolali moddalar bor.

**Tibbiyotda qo'llanilishi.** Ilmiy tibbiyot amaliyotida Gentian damlama shaklida ishtahani qo'zg'atuvchi va ovqat hazm qilish va xoleretik sifatida tavsiya etiladi. O'rta Osiyo xalq tabobatida ildiz qaynatmasidan yo'tal, umumiy og'riqlar ishtaha bo'lmaganda, Ich utkanda qabziyat, ichak lanjligida qo'llaniladi. Teri kasalliklari bilan og'riq bolalar o'simlik qaynatmasi bilan yuviladi. Ustki qismi choy shaklida diaforetik, xoleretik va ovqat hazm qilish stimulyatori sifatida iste'mol qilinadi. ustki qismidagi kukun yiringli yaralar uchun ishlatiladi.

1-jadval. Qo'zilar dispepsiyasini davolash tajribasining tartibi

1-TAJRIBA GURUHI	Xo'jalik ratsioni (ona suti)	An'anaviy infuzion eritma, qorin bo'shlig'iga, 200 ml	Antibiotik Seffur, 1ml /10 kg, muskul orasiga	Probiotik Inno-provet 1 g /10 kg, og'iz orqali	
2-TAJRIBA GURUHI	Xo'jalik ratsioni (ona suti)	An'anaviy infuzion eritma, qorin bo'shlig'iga, 200 ml	Antibiotik Seffur, 1ml /10 kg, muskul orasiga	Probiotik Inno-provet 1 g /10 kg, og'iz orqali	Elbahor o'ti damlamasi. 30-50ml/5-10 kg, og'iz orqali
NAZORAT GURUHI	Xo'jalik ratsioni (ona suti)	An'anaviy infuzion eritma, qorin bo'shlig'iga, 200 ml	Antibiotik Seffur, 1ml /10 kg, muskul orasiga		

Qo'zilar dispepsiyasini davolashda ularni 3 soat davomida och qoldirilib, bu vaqt davomida 2 marta va keyingi kunlarda oziqlantirishdan 0,5 soat oldin, 1 kunda 2 marta 0,1 %-li elbahor (*Gorechavka Olive, Gentiana olivieri* Griseb) damlamasidan 50 ml dan sutkasiga bir martadan ichrib turildi.

Davolash natijalari shuni ko'rsatdiki, nazorat guruhidagi kasal qo'ziarning 1 boshi davolashning 3 kunida, yana 1 boshi uning 5 kunida nobud bo'ldi. Qolgan uch boshdan bir boshi nimjon holda sog'aydi, bir boshi gastroenteritga, bir boshi kolibakteriozga aylandi.

1-tajriba guruhidagi kasal qo'zilardan ikki boshi davolashning 5-kunida, yana bir boshi uning 7-kunida sog'aydi, qolgan 2 boshi davolashning 9-kunida nibud bo'ldi.

2-tajriba guruhidagi kasal qo'zilardan uch boshi davolashning 4-kunida, yana bir boshi uning 6-kunida va qolgan bir boshi davolashning 8-kunida to'liq sogaydi.

Demak davolash samarasi nazorat guruhida 20% ni, 1-tajriba guruhida 60% ni, 2-tajriba guruhida 100% ni tashkil etdi. Yani davolash samarasi tajriba guruhlarida nazorat guruhidagiga qaraganda, mos holda, 40 va 80% ga yuqori boldi.

**Xulosa.** Qo'zilar dispepsiyasini davolashda ona sutini ichirish, qorin boshlig'iga 200 ml dan an'anaviy infuzion eritma yuborish, 1ml /10 kg miqdorida muskul orasiga Seffur antibiotikini yuborish, 1 g /10 kg miqdorida Probiotik Inno-provet probiotikini ichirish va 30-50ml/5-10 kg miqdorida Elbahor o'ti damlamasini ichirishga asoslangan davolash usuli boshqa analoglarga nisbatan eng samarali davolash usuli hisoblanadi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar to'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-yanvardagi «Chorvachilik tarmog'ini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashning qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ -4576-sonli qarori.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 8-fevraldagi «Chorvachilikni yanada rivojlantirish va ozuqa bazasini mustahkamlash chora tadbirlari to'g'risida»gi PQ-121-sonli qarori.
3. Рўзикулов Н.Б. Ёш хайвонлар ва паррандалар терапияси. Дарслик. Тошкент, «Фан зиёси», 2021. – Б. 70-81.
4. Бакиров Б., Рўзикулов Н.Б., Даминов А.С. ва блар. Хайвонлар касалликлари. Маълумотнома (Ўқув қўлланма). – Самарқанд: «Насимов» ХК, 2019. – 552 б.
5. Норбоев Қ.Н., Бакиров Б.Б., Эшбўриев Б.М. Ёш хайвонлар юкүмсіз касалликларининг патологияси ва терапияси. Самарқанд, 2006. Б. 71-76.
6. Практикум по внутренним болезням животных / Под общ. ред. Щербакова Г.Г., Яшина А.В., Курденко А.П., Мирзагулова К.Х.: Учебник. — СПб.: Издательство «Лань», 2021. – С. 543.
7. Петрянкин Ф.П., Петрова О.Ю. Болезни молодняка животных: Учебное пособие для СПО. – Санкт-Петербург: Лань, 2021. – С. 352.
8. Ruzikulov, N. B. (2021). Main causes and development mechanisms of Karakol sheep Ketonuria. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 10(3), 556-559.
9. N Ruzikulov, S Askarov, N Rasulov, O Boboev. (2022). *Results of treatment of lambs dyspepsy*. Наука и просвещение: актуальные вопросы, достижения и инновации. Сборник статей VIII Международной научно-практической конференции. Пенза, 2022. 226-229.
10. Bradford P.Smith, David C. Van Metre, Nicola Pusterla. *Large Animal Internal Medicine*. Sixth Edition. ELSEVIER. Printed in the United States of America, 2020 by. - P. 1874.

KATARAL-YIRINGLI MASTITLARNI DAVOLASH VA OLDINI OLISHNI  
TAKOMILLASHTIRISH

**Аннотация.** В статье представлена информация о простудных гнойных маститах и мерах по их лечению, о мерах по совершенствованию профилактики, о том, у каких животных чаще всего встречается заболевание, какие методы и медикаменты используются в лечении и профилактике

**Abstract.** The article provides information about colds purulent mastitis and measures for their treatment, measures to improve prevention, which animals most often have the disease, which methods and medications are used in the treatment and prevention

**Kalit so'zlar:** kataral, yiringli, mastitlar, dori vositalar, davolash, kasallik, stafilokok, streptokok, so'rg'ich kanali, yelin parinximasi, lizotsim, sut yo'llari.

**Mavzuning dolzarbligi.** Respublikamizda chorvachilikni rivojlantirish orqali ichki bozorni go'sht, tuxum, sut va baliq mahsulotlari bilan barqaror to'ldirish va aholining turmush darajasini oshirishga katta e'tibor qaratilmoqda, chunki Respublikamiz axolisini sifatli go'sht va sut bilan ta'minlash hozirgi kunning dolzarb masalalaridan biri xisoblanadi. Xozirgi kunda xorijdan ko'plab zotli sigirlar olib kelish ko'payib bormoqda. Bunday olib kelingan sigirlarni zamonaviy texnologiyalar asosida boqish, saqlash, oziqlantirish va turli xildagi kasalliklarga qarshi kurash chora-tadbirlarini amalga oshirish muxim ahamiyatga ega xisoblanadi. Ayniqsa, mahsuldor sigirlar orasida mastit kasalliklarini ko'plab uchrashi oqibatida fermer xo'jaliklari va aholiga qarashli sigirlarda maxsuldorlikni keskin pasayishi, ayniqsa sut va sut mahsulotlarini keskin kamayishiga, buzoq olishni kamayishi, yuqori maxsuldor hayvonlardan foydalanish muddatlarini qisqarishi hisobiga aholi va fermer xo'jaliklari katta iqtisodiy zarar ko'rmoqda.

Respublikamizning fermer xo'jaliklari sharoitida mastit oqibatida sigirlarning sut mahsuldorligi o'rtacha 15-20% ga, sutning yog'lilik darajasini 0,8-1% ga kamayishi, sigirlarning xo'jalikda foydalanish muddatlarining esa 2-3 yilga qisqarishi, qisir qolishi, buzoqlarning dispepsiya bilan kasallanish darajasining ortishi, shuningdek, kasal sigirlardan olingan sutni iste'mol qilishi sababli yosh bolalarda qizamiq (skarlatina) kasalligining kuzatilishi, mastitning ijtimoiy ahamiyatga ham molik kasallik ekanligidan dalolat beradi. Shuning uchun mahsuldor qoramollar orasida mastit kasalligining turlarini aniqlash, tashxisi, samarali davolash hamda oldini olish usullarini ishlab chiqish va takomillashtirishga qaratilgan tadqiqotlar olib borilishi dolzarb hisoblanadi. Hozirgi vaqtda fanda mastit kasalligining kelib chiqishi to'g'risida ikki xil ta'limot mavjud. Birinchi ta'limot asoschilari mastit kasalligining barcha shaklini stafilokokk, streptokokk, ichak tayoqchasi va boshqa mikroorganizmlar keltirib chiqaradi deb ta'kidlashadi. Bu ta'limotning asoschilari kasallangan yelin

bo'lagidan sog'ib olingan sut tarkibida mikroorganizmlar mavjud bo'lishiga tayanadi.

Ikkinchi ta'limot asoschilarining fikriga ko'ra, sigirlarning mastitlar bilan kasallanishida: sut sog'ish stakanlarining zararsizlantirilmaligi oqibatida infeksiyaning so'rg'ich kanali orqali yelin parenximasiga tushishi; sut tarkibida antibakterial xususiyatga ega bo'lgan lizosimning kamayishi; oziqlantirish qoidalari va rejimining buzilishi, bir turdagi ratsiondan ikkinchi ratsionga tez o'tish hayvonlarga mog'orlagan va chirigan oziqalarning berilishi; g'unojinlarni bog'lab boqish, sovuq va yomg'irli kunlarda zoogigiyenik talablarga javob bermaydigan molxonalarda boqish, to'shamalarning bo'lmasligi; yelinning mexanik ta'sirlanishi va yelin terisida yaralarning paydo bo'lishi asosiy etiologik omillar hisoblanadi.

Kataral mastit bilan kasallangan sigirlarda ko'pincha yelin kattalashmaydi, bunda uning bitta, ba'zan ikkita yoki uchta choragi jarohatlanadi. Yelin paypaslab ko'rilganda kasallikning boshlanishida hech qanday o'zgarishlar sezilmaydi. Kasallikning 3-4 kunda yelin asosida sut yo'llarida sut ivimasining tiqilib qolishi, yelinning kattalashishi, hamirsimon konsistensiyada bo'lishi qayd etilib, hayvonning umumiy holatida aytarli o'zgarishlar kuzatilmaydi [3].

Kasallik odatda yelinning yarmiga hatto hamma joyiga tarqaladi. Ayni vaqtda yelinning shikastlangan qismi juda og'riydi, sut sisternasida fibroz to'qimaning kripitatsiyasi seziladi. (Teterev I. I., Badin V. A. 1997).

Al'veolalarning kataral yallig'lanishida yelinning shikastlangan choragi yoki ayrim qismlari (yelin bo'lakchalari) kattalashadi va sut sog'ib olingandan keyin ham kichraymaydi. Sut yo'llari shilliq pardasining shishib, ko'tarilishi oqibatida uning torayib qolishiga sabab bo'ladi. Kasallik og'ir kechgan hollarda hayvonning ishtahasi pasayib, tana harorati biroz ko'tariladi. Fibrinli mastit rivojlanganda esa shikastlangan yelin choragi kattalashib, chuqur paypaslab ko'rilganda sut sisternasi sohasida krepitatsiya (g'ijirlash) aniqlanadi.

Tana harorati 41-42,5°C gacha ko'tarilib, hayvonning ishtahasi deyarli yo'qoladi.

N.V.Pritikin (2003) ma'lumotlariga ko'ra, sigirlarda yelinni yallig'lanishi ko'pincha subklinik mastit shaklida rivojlanib, sog'im davrida 21,4%, sutdan chiqarishga yaqin 24,6%, sutdan chiqarilgan davrda 28,9% va yangi tuqqan davrda 23,4% sigirlarda uchraydi. Klinik namoyon bo'ladigan mastit esa 4,6-6,2% sigirlarda uchragan[4].

Kataral-yiringli mastit paytida sigirlarda umumiy holsizlanish, befarqlik, ishtahaning pasayishi, oshqozon oldi bo'limlari gipotaniyasi, shilliq pardalarning oqarishi, kasallangan yelin terisining qizarishi, yelin bo'lagining kattalashishi, yelindan kataral-yiringli eksudatning oqishi, o'tkir kechgan paytlarda esa bular-dan tashqari, tana haroratining ko'tarilishi va pulsning tezlashishi belgilari kuzatildi. Kasal sigirlar qonida eritrositlar soni gemoglobin va umumiy oqsil miqdorlarining kamayishi, leykoformulada esa yadroning chapga siljishi qayd etildi. Bundan kataral-yiringli mastit organizm tabiiy rezistentligining va immun tizimi faoliyatining pasayishi bilan kechishi ma'lum bo'ladi[6].

**Tadqiqot obyekti va uslublari:** Samarqand viloyatining chorvachilik jadal rivojlanayotgan qoramolchilik fermer xo'jaliklarga qarashli mahsuldor sigirlarda mastitlarning tarqalishi, asosiy turlari (zardobli, kataral, kataral-yiringli va fibrinli), klinikasi va rivojlanish xususiyatlarini o'rganish maqsadida dispanser tadqiqotlar o'tkazilib, hayvonlarni parvarishlanishi va oziqlantirilishi, sigirlarni sog'ish texnologiyasiga rioya qilinishi tahlil qilindi.

Mahsuldor sigirlarning mastit bilan kasallanish darajasini o'rganish maqsadida ularda umumiy qabul qilingan usullar yordamida klinik tekshirishlar o'tkazildi, shuningdek, yelin terisi, sut bezi parenximasi va yelin surg'ichlarining holati o'rganildi. 12 bosh sog'in sigirlardan sut namunalari olinib, MKP-1 sut plastinkasi yordamida 5%-li dimastin bilan sinama o'tkazilib, sigirlarning yashirin mastit bilan kasallanish darajasi aniqlandi.

#### **Sigirlarda mastitlarni davolash va oldini olish chora tadbirlari**

Mastitlarning sabablari va rivojlanish mexanizmlari xilma-xil. Shuning uchun mastitlarni davolash ham hamma hollarda bir xilda bo'lmaydi. Hayvonning umumiy ahvoli, yallig'lanishning xarakteri va mastit sababchilarining xossalari hisobga olingan holda davolash tashkil etilishi kerak (Teterev I.I. va b., 1997).

Mastitning ayrim turlari (yiringli-kataral, fibrinli, gemoragik) kasal hayvonda tana haroratining ko'tarilishi, ishtahaning pasayishi, tashqi ta'sirotlarga befarqlik kuzatiladi. Shuning uchun 100-150 ml 10%-li kalsiy xlorid eritmasiga 2-3 g kofein aralastirilib, 150-200 ml

20%-li glyukoza eritmasiga askorbin kislotasi va kofein aralastirilib, vena qon tomiriga yuboriladi.

Yelin nervlarini qisqa novokainli blokada qilish. Yelin usti bo'shlig'ida operatsiya maydoni tayyorlangandan keyin jarohatlangan Yelin choragiga 150-200 ml 0,5%-li novokain eritmasi yuboriladi. Yelinning orqa choraklari yallig'langan Yelin choragi o'rtasidan o'tadigan chiziqdan 1-2 sm qoldirilib kesishgan joyiga yuboriladi Yelinning oldingi choragi jarohatlanganda igna Yelin asoslari orasidagi ariqcha va qorin devori chegarasiga qarama-qarshi, tizza bo'g'ini tomon yo'nalgan holda yuboriladi. Eritmani yuborish paytida to'qimalarga ta'sirni orttirish uchun igna o'ng va chap, orqa va oldinga tomon siljiladi.

Zardobli va kataral mastitlarda har 100 ml novokain eritmasiga 300-500 ming TB hisobida antibiotiklar qo'shiladi. Zarur hollarda novokainli blokadani yana 24-48 soatdan keyin qaytarish mumkin. Blokadalar orasidagi vaqtda muskul orasiga penisillin va streptomisin yuboriladi.

Елка суяги дистал эпифизи қалинлигининг мутлоқ кўрсаткичи чўл ҳудудидаги қоракўл қўйлар постнатал онтогенезининг дастлабки 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар жадал ортиб,  $1,37 \pm 0,04$  см дан  $2,09 \pm 0,05$  см ( $K=1,53$ ;  $p<0,03$ ) га етиши, 18 ойликкача бу кўрсаткични босқичма-босқич 6 ойликда –  $2,15 \pm 0,05$  см ( $K=1,03$ ;  $p<0,03$ ) гача, 12 ойликда –  $2,33 \pm 0,05$  см ( $K=1,08$ ) гача, 18 ойликда –  $2,77 \pm 0,06$  см ( $K=1,19$ ;  $p<0,03$ ) гача кўтарилиб бориши аниқланди. Суякнинг ушбу кўрсаткичи 24 ойликда сезиларсиз камайиб ( $2,53 \pm 0,07$  см,  $K=0,91$ ), 36 ва 60 ойликларда уни деярли ўзгармаслиги (мос равишда:  $2,56 \pm 0,05$  см,  $K=1,01$ ;  $2,68 \pm 0,04$  см,  $K=1,05$ ;  $p<0,02$ ) қайд этилди. Қўйлар елка суяги дистал эпифизи қалинлиги мутлоқ кўрсаткичининг ўсиш коэффициенти постнатал ривожланишнинг 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар давр давомида 1,95 мартагача ортиши кузатилди.

Тоғолди ҳудудидаги қоракўл қўйлар елка суяги проксимал эпифизи қалинлигининг мутлоқ кўрсаткичи постнатал ривожланишнинг 3 кунлигидан 3 ойлигига гача  $1,59 \pm 0,03$  см дан  $2,65 \pm 0,07$  см ёки шу давр мобайнида ўсиш коэффициенти 1,67 мартагача ортиши, 6 ойликда деярли ўзгармасдан ( $2,58 \pm 0,05$  см,  $K=0,97$ ;  $p<0,02$ ), 12 ойликда –  $2,94 \pm 0,08$  см ( $K=1,14$ ;  $p<0,03$ ) гача, 18 ойликда –  $3,41 \pm 0,09$  см ( $K=1,16$ ,  $p<0,03$ ) гача кўтарилиши қайд этилди. Суякнинг мазкур кўрсаткичи 18 ойликдан катта ёшдаги қўйларда сезиларди ўзгармаслиги ва 24 ойликда –  $3,17 \pm 0,05$  см ( $K=0,93$ ) га, 36 ойликда –  $3,24 \pm 0,06$  см ( $K=1,02$ ) га, 60 ойликда –  $3,34 \pm 0,06$  см ( $K=1,03$ ;  $p<0,02$ ) га тенг бўлиши кузатилди. Қўйлар елка суяги проксимал эпифизи қалинлиги мутлоқ кўрсаткичининг ўсиш коэффициенти постнатал онтогенезининг 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар 2,1 мартагача ортиши аниқланди.

Тоғолди ҳудудидаги қоракўл қўйлар елка суяги дистал эпифизи қалинлигининг мутлоқ кўрсаткичи постнатал ривожланишнинг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар бирмунча жадал ортиб,  $1,35 \pm 0,02$  см дан  $2,41 \pm 0,05$  см ( $K=1,78$ ;  $p<0,02$ ) га етиши, 6 ойликда бу кўрсаткичнинг деярли ўзгармаслиги ( $2,33 \pm 0,06$  см,  $K=0,97$ ;  $p<0,03$ ), 12 ойликда –  $2,58 \pm 0,04$  см ( $K=1,11$ ;  $p<0,02$ ) гача, 18 ойликда –  $2,92 \pm 0,07$  см ( $K=1,13$ ;  $p<0,03$ ) гача кўтарилиб бориши кузатилди. Елка суягининг ушбу кўрсаткичи 24 ойлик қўйларда

бироз камайиб ( $2,78 \pm 0,08$  см,  $K=0,95$ ;  $p < 0,03$ ), ундан кейинги ёшларда сезиларли ўзгармаслиги ва 36 ойликда –  $2,83 \pm 0,06$  см ( $K=1,02$ ) ни, 60 ойликда –  $2,68 \pm 0,04$  см ( $K=0,95$ ) ни ташкил этиши аниқланди. Елка суяги дистал эпифизи қалинлиги мутлоқ кўрсаткичининг ўсиш коэффициенти қўйлар постнатал онтогенезининг дастлабки 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар 1,97 мартагача ортиши қайд этилди.

Хулоса:

- елка суяги проксимал ва дистал эпифизининг мутлоқ кўрсаткичи қоракўл қўйларнинг яшаш шариоитидан қатъий-назар, постнатал онтогенезнинг дастлабки 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар жадал ортиши, 18 ойликда уларнинг физиологик вояга етган даври билан боғлиқ равишда мазкур кўрсаткични бошқа ёшдагиларга нисбатан энг юқори бўлиши қузатилади;

- елка суяги эпифизларининг мутлоқ кўрсаткичлари қоракўл қўйлар постнатал онтогенезининг 18 ойлигидан кейинги босқичларида уларнинг бўғозлик даври билан боғлиқ ҳолда қуйи ёшдагиларга нисбатан сезиларли ўзгармаслиги қайд этилди;

- елка суяги эпифизларининг қалинлиги постнатал ривожланишнинг ўрганилган босқичларида худудларнинг географик рельефи билан боғлиқ ҳолда тоғолди худудидаги қоракўл зотли қўйларда чўл худудидагиларга нисбатан юқори бўлиши қайд этилди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Бирих В.К., Удовин Г.М. Возрастная морфология крупного рогатого скота // – Пермь, 1972. – С. 192–204.

2. Былинская Д.С., Щипакин М.В., Зеленецкий Н.В., Прусаков А.В., Вирунен С.В., Васильев Д.В. Морфология и морфометрия костей плечевого поя-

са, звеньев стило- и зейгоподия грудной конечности выдры речной (*lutralutra*) // Иппология и ветеринария. М., 2017. № 3 (25). – С. 53-58.

3. Глаголев П.А., Ипполитова В.И. Анатомия сельскохозяйственных животных с основами гистологии и эмбриологии: учеб. пособие. – М.: Колос, 1977. – 480 с.

4. Геращенко Л.В. Продуктивность, биологические особенности молодняка овец разных пород при откорме // Автореф. дис. ... канд. с.-х. наук. – Ставрополь, 2006. – 28 с.

5. Зеленецкий Н.В., Зеленецкий К.Н. Анатомия животных. + DVD. // учебное пособ., 1-е изд. Лань, 2014. – 848 с.

6. Клыкова В.А., Треус М.Ю. Морфология и биомеханический анализ скелета конечностей каньны // – Киев, 1991. – 36 с.

7. Dyce K.M., Sack W.O., Wensing C. J. G. Textbook of Veterinary Anatomy – 3rd ed. – WB Saunders, 2002. – 840 p.

8. Makungu M., Merere B. Morphology of the thoracic limb of goat as evidenced by gross osteology and radiology // Journal of Veterinary Medicine Series C: Anatomia Histologia Embryologia 46(6), 2017, Tanzania, pp. 509-518.

9. Christianes Per. Scaling of the limb long bones to body mass in terrestrial mammalis // Morphol. 1999. – Vol. 239, № 2 – С. 167-190.

10. Faure C., Merloz Ph. Atlas of Anatomical Section for the External Fixation of Limb // SpringerVerlag Berlin Heideberg, 1987. – 129 p.

11. Frandson R.D., Fails A.D., Wilke W.L. Anatomy and Physiology of Farm Animals // 6th ed. – [S.l.]: Lippincott Williams & Wilkins Publishers, 2003. – 600 p.

12. Pasquini C., Spurgeon T., Pasquini S. Anatomy of Domestic Animals: Systemic and Regional Approach // 9th ed. – [S.l.]: Sudz Publ., 1999. – 651 p.

## ЧОРВАЧИЛИҚДА АКУШЕР ГИНЕКОЛОГИК ДИСПАНСЕРИЗАЦИЯ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Аннотация:** В данной статье описана сущность акушерско-гинекологической диспансерной работы в животноводстве, а диспансеризация в животноводстве имеет большое значение в профилактике многих акушерско-гинекологических заболеваний, своевременном выявлении заболеваний, профилактике бесплодия самок крупного рогатого скота, получении здорового приплода. Акушерско-гинекологический диспансер обычно проводится одновременно в определенный период. Диспансеризация считается важной частью технологического процесса и не исключает ежедневного зоотехнического и ветеринарного контроля за здоровьем животных, текущими и плановыми мероприятиями. Диспансерный осмотр включен в годовой план ветеринарных мероприятий.

**Abstract:** This article describes the essence of obstetric and gynecological dispensation work in cattle breeding, and dispensation in livestock breeding is of great importance in preventing many obstetric and gynecological diseases, timely detection of disease, prevention of infertility in female cattle and obtaining healthy offspring. Obstetric and gynecological dispensation is usually carried out at the same time in a certain period. Dispensary is considered an important part of the technological process, and does not exclude daily zootechnical and veterinary control over animal health, current and planned activities. Dispensary inspection is included in the annual plan of veterinary activities.

**Калит сўзлар:** қорамол, бўғозлик, диспансеризация, акушер-гинекологик, репродуктив органлар, мацион, мастит, эндометрит, лактация, елин, туғриқ даври, бенуштлиқ, гунажин, рацион.

**Кириш.** Республикамизда чорва ҳайвонлари, айниқса сигирларнинг гинекологик касалликларини камайтириш, уларни даволаш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш энг асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Чорвачилик соҳасига замонавий инновацион усулларни жорий этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва чорвачилик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-120-сонли қарори қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган чорвачиликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда фермер ҳамда хусусий хўжалиқлардаги қорамоллар бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, улардан соғлом насл олиш мақсадида тўғри парваришlash ва турли юқумли, инвазион ва юқумсиз хусусиятли касалликлардан сақлашда акушер-гинекологик диспансеризация ишларини ўз вақтида тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини исботидир.

Мавзунинг долзарблиги. Диспансеризация соғлом, маҳсулдор, конституцияси мустаҳкам пода яратишга йўналтирилган режали диагностик, профилактик ва даволаш тадбирлари комплексини ўз ичига олади. Диспансеризациянинг асосий мақсади ҳайвонлар организмда касалликнинг эрта босқичида хасталикни ўз вақтида аниқлаш ҳисобланади, бу касаллик тарқалишининг тезроқ

олдини олиш ва барҳам бериш имконини яратади. Фермер хўжалиқлари ва аҳоли қармоғидаги чорвачиликни интенсив кўпайтиришни ташкил этишни такомиллаштириш сигирларнинг сабабсиз қисир қолиши ва чиқим бўлишини камайтиришга қаратилган режали кундалиқ ишларни назарда тутади.

Сигирларнинг репродуктив органлари функциясини оширишнинг энг самарали йўли поданинг наслдорлигини акушерлик-гинекологик диспансеризация кўрикдан ўтказиш ҳисобланади. Акушерлик-гинекологик диспансеризация кўрик деганда ҳайвонларнинг репродуктив қобилияти ва маҳсулдорлигини сақлаш, уларни ўз вақтида уруғлантириш ва соғлом насл олишга қаратилган чорва молларини ветеринария хизмати кўрсатиш тизими тушунилади.

Акушерлик диспансеризация кўриги, бу диспансер кўрик давомида диагностика, даволаш ва профилактика тадбирлари комплекси бўғозлик, туғиш ва туғриқдан кейинги даврни таъминлашга қаратилган. Қуйидаги чора-тадбирларни тавсия этади.

1. Ойда бир марта бўғоз сигирларнинг қони биокимёвий текширувидан ўтказилди, елин яширин мастит учун секретция таҳлили билан текширилади. Ҳар ўн кунда бериладиган озиқанинг озуқавий қиймати аниқланади ва қон ва озуқа таҳлили маълумотларига асосланиб, бўғозликнинг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда озиқалар ўзгартирилади. Рационга минерал витамин қўшимчалари ва бошқа компонентлар киритилади. Сутдан чиқган бўғоз си-

гирлар ва бўғоз ғуножинлар ҳар куни сайрлар (матцион) ташкил этилади. Биноларда микроклим параметрларини кузатиб борилади.

2. Туғишига 50-60 кун қолганда уларни сутдан чиқариш амалга оширилади сигирларни ўз вақтида ва тўғри сутдан чиқаришда ширали концентранган озуқа беришни икки бароборга камайтириб, сифатли пичан миқдори оширилади. Бу даврда пичан миқдори ва сифати кузатилади. Бу даврда елиннинг ҳолати ҳам кузатилади.

3. Сигирлар ва ғунажинларни туғишга тайёрлашда туғилишдан икки ҳафта олдин уларнинг ратционидан ширали озиқалар концентранган емлар икки баравар камайтирилади ва ратционда углеводларга бой озуқалар мавжудлигига алоҳида эътибор бериб, сифатли беда пичан берилади.

4. Сигир ва ғунажинларнинг ўз вақтида туғишга тайёрлашда туғишидан икки ҳафта олдин тизимли равишда назорат қилинади. Ғунажинлар елини секин уқалаш орқали соғишга ўргатилади.

5. Туғишдан кейинги даврда эрта акушерлик диспансеризация кўриқдан ўтказилди, унинг мақсади туғриқдан кейинги оғир асоратларни олдини олиш ва репродуктив органларнинг ҳолатини ташхиллашдан иборат.

Туғиш жараёнини ҳисобга олган ҳолда, барча бўғоз сигирларни уч гуруҳга бўлиш тавсия этилади.

Биринчи гуруҳга меъерий туғиш жараёнида бўлган сигирлар киради. Бу ҳайвонларда лохиянинг ажралиши, шишнинг йўқолиши вақти, ташки жинсий аъзоларнинг ҳолати, тос суягининг боғловчи бўғин ва сут безининг ҳолати назорат қилинади. Жинсий органларнинг инволюцияси жараёнларини тезлаштириш учун ушбу гуруҳнинг сигирларига туғилгандан 3-4 кун ўтгач, юриш ёки кўпроқ матцион берилади.

Иккинчи гуруҳга ҳомиланинг қийин чиқиши ва йулдошнинг 6-8 соатгача ёки ундан кўпроқ вақт давомида ушлаб турилиши, кейинчалик унинг ўз-ўзидан ажралиши каби туғилишнинг асоратлари бўлган сигирлар киради. Бундай ҳайвонларга тери остига бачадон қисқартирувчи (окситоцин, прозерин, утиратон ва бошқалар), бачадон ичига маҳаллий препаратлар карбоказ ихлүковит, йодопэн қўйилади ва 3-4 кун кўпроқ юриш матцион қилдириш зарур бўлади.

Учинчи гуруҳга туғриқ ва туғриқдан кейинги даврда туғриқ асоратлари билан акушерлик ёрдами кўрсатилган сигирлар киради. Бу гуруҳдаги сигирларда туғриқдан кейинги оғир асоратлар ривожланиши мумкин. Кейинчалик бепуштликга ҳам олиб келиши мумкин. Бундай ҳайвонлар

туғилгандан кейин 7 ва 14 кундан кейин яна текширилади.



Акушер гинекологик диспансеризация текшириш натижалари, кўрилган даволаш ва профилактика чоралари махсус журналда қайд этилади. Акушерлик асоратлари билан касалланган сигирларни даволаш стационар даволаш пунктида, фермада бўлса махсус ажратилган кўраларда амалга оширилади. Бундай даволашни ўтказишда сигирларни тўғри боқиш ва қўйилган талабларга риоя қилишга алоҳида эътибор бериш керак. Ветеринария-санитария қоидалари билан биргаликда, ҳар бир хўжалик учун махсус ишлаб чиқилган схема бўйича унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, сигирларда туғриқдан кейинги асоратларни мажбурий фармакопрофилактикасини амалга ошириш керак.

Гинекологик диспансеризация кўриқ ҳайвонларда бепуштликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашга, уларнинг репродуктив орган ҳолати ва юқори сут маҳсулдорлигини тиклашга қаратилган диагностика, даволаш ва профилактика тадбирлари мажмуасидир. Сигирлар туққандан 45 кун ўтгач, ғунажинлар эса физиологик етукликга эришгандан сўнг гинекологик текширувдан ўтказилади. Иш қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади; а) анамнез маълумотларни тўплаш, б) озиқлантириш ва яшаш шароитларини ўрганиш, в) қон зардобининг биокимёвий кўрсаткичлари, д) озуқанинг кимёвий таҳлили асосида озиқанинг таркиби, е) озуқавий қийматини аниқлаш, г) туғмайдиган сигирлар ва ғунажинларни гинекологик текширувдан ўтказиш.

Акушер гинекологик диспансеризация одатда маълум бир даврда бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Шу муносабат билан бу ҳодиса акушер гинекологик диспансеризация текшируви деб аталади. Кўрсаткич вақтига қараб улар ажратадилар. Ҳар ойида ўтказиладиган диспансеризация қўйидаги тадбирларни ўз ичига қамраб олади ойлик акушер-

лик гинекологик диспансирзация: Бўғоз сигирлар учун ректал текширув уруғлантирилгандан кейинги даври 2-3 ой бўлган сигирларда; бепуштликнинг клиник ва гинекологик текшируви сигирлар ва ғунажинлар; лактация ва сутдан чиқган сигирларни клиник ва субклиник маститга текшириш; бепушт сигирларни даволаш; репродуктив органларини рағбатлантириш тухумдондан овулятцияни синхронизациялаш: жинсий циклни нормаллаштиришни поданинг кўпайиши ва умумий ҳолатини таҳлил қилинади.

Мавсумий акушерлик-гинекологик диспансирзация кўриги ҳайвонларни яйловга чиқаришдан олдин ва қишлоқ учун фермага қайтганда ўтказиладиган диспансирзация.

Ушбу акушер гинекологик диспансирзация кўрик кўйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

- туғмайдиغان сигирлар ва ғунажинларни клиник ва гинекологик текшириш;
- маҳсулдорлиги паст;
- хўжалик учун фойда келтирмайдиган қари(зуббрак);
- бепушт ярқисиз сигир ва ғунажинларни репродуктив органларида физиологик жихатдан талабга жавоб бермайдиганларини пода структурасидан чиқариш;
- жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар ва инвазияларнинг лаборатория диагностикаси (агар кўрсатилса);
- озуқа сифатини таҳлил қилиш; поданинг кўпайиш ҳолатини таҳлил қилиш ва сигирларнинг репродуктив орган функциясини оширишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.

Акушер гинекологик диспансир кўригидан ўтказишда фермадаги барча сигирлар репродуктив органининг тизимининг ҳолатига қараб, бўғозлик даври, туғриқдан кейинги даври, куйикиш даври, уруғлантириш даври, уруғлантирилган сигирлар ректал текширувда бўғозлиги аниқ бўлган даври, бепуштлик даврларига бўлинади. Алоҳида, эндометрит билан оғриган, жинсий аъзолар ёки сут безлари тўқималарида қайтмас патологик жараёнлар билан оғриган ҳайвонлар ҳисобга олинади. Тадқиқот натижалари тўғрисидаги маълумотлар “Акушер гинекологик диспансирзация кўрик доскасида ва урғочи касал ҳайвонларни даволаш журнали”га киритилади. Гинекологик касал ҳайвонларни даволаш журналида кўйидаги графалар бўлиши тавсия этилади: серия рақами, туғилган йили, охирги тукқан санаси, уруғлантириш санаси, бўғозлик ректал текшириш натижалари ёки бепуштлик сабабларини аниқлаш,

терапевтик ва профилактика чора-тадбирлар, эслатмалар. Охирги графада кўпинча сигирларнинг брак қилиш сабаблари ҳақида маълумотни ўз ичига олади.

#### **Хулосалар.**

1. Акушер-гинекологик диспансирзация кўрик ҳайвонларда бепуштликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашга, уларнинг репродуктив орган ҳолати ва юқори сут маҳсулдорлигини тиклашга қаратилган диагностика, даволаш ва профилактика тадбирлари мажмуасидир.

2. Акушер-гинекологик диспансирзация кўрикларни ўтказиш ветеринария врачлари (гинеколог), бош сонини тиклаш учун олиб бориладиган ишлар сунъий уруғлантириш оператори, бош зоотехник, ферма мудирлари, хўжалик бошқаруви раиси ҳамда чорвачиликга тааллуқли барча мутахассислар зиммасига юклатилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ата-Курбанов Ш.Б., Б.М.Эшбуриев. Ветеринария акушерлиги фанидан амалий-лаборатория машғулоти. Самарқанд, 2009. 236.б.
2. Багманов М.А. Акушерско-гинекологическая патология коров (диагностика, комплексная терапия и профилактика) // Монография. – Ульяновск, 2005. – 207 с.
3. Кузьмич Р.Г. и др. Лечебно-профилактические мероприятия при акушерских и гинекологических болезнях коров. Метод. Пособ. Витебск. 2012. 44-с.
4. Некрасов Г.Д., Суманова И.А. Акушерство, гинекология и биотехника воспроизводства животных: Учебное пособие. Барнаул: Изд-во АГАУ, 2007. 204 с.
5. Сороколетова В.М., Горб Н.Н. Акушерство и гинекология. Болезни органов репродуктивной системы сельскохозяйственных животных инвазионной и инфекционной природы. Учебное пособие. Новосибирск. 2013. -52 с.
6. Эшбуриев Б.М., Эшбуриев С.Б., Жуманов С.М. Ветеринария акушерлиги фанидан амалий-лаборатория машғулоти. Ўқув қўлланма. СамДУ таҳририй-нашриёт бўлими. ISBN: 978-9943-63-19-7-7. Самарқанд 2020.
7. Эшбуриев Б.М. Ветеринария акушерлиги. Дарслик. Тошкент. 2018.
8. Студенцов А.П., Шипилов В.С. и др.; Ветеринария акушерство, гинекология и биотехника размножения/-7-е изд., перераб. И доп. – М.: Колос, 1999.

## СОҒИН СИГИРЛАР КЕТОЗИНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

**Аннотация:** Для лечения продуктивного кетоза коров необходимо заменить 2 кг силоса в рационе на 2 кг сахарной свеклы с добавлением 50 г витаминно-минерального премикса LPP-1 на голову коровьего иссопа, 60 г бикарбоната натрия, 20 мл руминактив 2 раза в день, запивая водой. вода с 400 мл 25%-ного раствора глюкозы улучшает обмен веществ в организме, нормализует кетогенез, обеспечивает снижение количества кетоновых тел в крови и моче в среднем до  $1,034 \pm 0,05$  ммоль/л и  $1,604 \pm 0,04$  ммоль/л соответственно.

**Annotation:** To treat productive ketosis of cows, it is necessary to replace 2 kg of silage in the diet with 2 kg of sugar beet with the addition of 50 g of vitamin and mineral premix LPP-1 per head of cow hyssop, 60 g of sodium bicarbonate, 20 ml of ruminative 2 times a day, washed down with water with 400 ml of a 25% glucose solution improves metabolism in the body, normalizes ketogenesis, and reduces the number of ketone bodies in blood and urine to an average of  $1,034 \pm 0.05$  mmol/l and  $1,604 \pm 0.04$  mmol/l, respectively.

**Калим сўзлар:** субклиник кетоз, ацидоз, кетон таначалари, бета-оксимой кислотаси, ацетон, анемия, гипоглобинемия, диспротеинемия, кетонурия, иштаҳа пасайиши, ЛПП-1, Мультивит + минераллар.

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикамизда чорвачиликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 март 2021 йилдаги ПҚ 5017-сонли «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида қорамолчилик тармоғида озуқа базасини мустаҳкамлаш, қорамоллар учун тўла қийматли, баланслашган сифатли озуқалар ишлаб чиқариш учун янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва уни қайта ишлаш йўли билан қорамолчиликни жадал ривожлантириш, мавжуд муаммолар устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, ишлаб чиқилган янги замонавий инновацион технологияларни амалиётга кенг жорий этиш назарда тутилган.

Қорамолчиликни интенсив ривожлантириш, зотли сигирлардан юқори маҳсулот ва соғлом бузоқлар олиш учун юқумсиз касалликлар катта тўсқинлик қилмоқда. Бу касалликлар орасида соғин сигирлар кетози катта салмоққа эга бўлиб, касалликнинг асосий сабаблари сигирлар рационининг баланслашмаганлиги, таркибида кўп мой кислотаси сақловчи сифатсиз силос, сенаж каби озикаларнинг берилиши, озикалар таркибида витаминлар, макро-ва микроэлементларнинг етишмовчилиги ва гиподинамия бўлиб ҳисобланади.

Соғин сигирлар кетози оқибатида маҳсулдорликнинг кескин пасайиши, бепуштлиқ, юқори маҳсулдор сигирлардан хўжаликда фойдаланиш муддатининг қисқариши, ҳаётчанлиги паст ва касалликларга берилувчан гипотрофик бузоқларнинг

туғилиши, маҳсулот ишлаб чиқариш учун озика сарфининг кўпайиши ҳисобидан фермер хўжалиқларига катта иқтисодий зарар етказмоқда [1,4].

Хориждан келтирилган маҳсулдор сигирларда учрайдиган кетозни барвақт аниқлаш, ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳамда ветеринария амалиётига жорий этиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотлар жойи, объекти ва услублари. Тадқиқотларнинг тажриба қисми маҳсулдор сигирлар кетозини даволаш воситаларини танлаш ва уларни сигирлар организмга таъсирини ўрганиш мақсадида Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманидаги «К.Элдор» қорамолчилик хўжалигидаги голштин зотига мансуб сигирларда ўтказилди.

Тажрибалар учун хўжаликда 5-6 ёшли сигирлардан 15 бош танлаб олинди, улар ҳар бирида 5 бошдан бўлган 3 та гуруҳга ажратилди ва даволаш тажрибалари ўтказилади.

Биринчи тажриба гуруҳидаги сигирларга хўжалик рационидидаги 2 кг силоснинг ўрнига 2 кг қанд лавлаги берилди ва бунга қўшимча равишда ЛПП-1 витамин минералли премикси қунига бир бошга 50 г омухта емга қўшилди. Натрий гидрокарбонат 60г/бир бошга қунига бир марта сув билан аралаштириб ичирилди. 25% ли глюкоза эритмасидан 400 мл кун ора (жами 7 марта) вена қон томирига юборилди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги сигирларга хўжалик рационидидаги 2 кг силоснинг ўрнига 2 кг қанд лавлаги берилди ва бунга қўшимча равишда ЛПП-1 витамин минералли премикси қунига бир бошга 50 г омухта емга қўшилди. Натрий гидрокар-

бонат 60г/бир бошга кунига бир марта, руминактив 20 мл кунига 2 марта сув билан аралаштириб 10 кун давомида ичирилди. 25% ли глюкоза эритмасидан 400 мл кун ора бир марта вена қон томирига (жами 7 марта) юборилди. Мультивит + минераллар препаратидан даволашнинг биринчи ва 10-кунни мускул орасига 20 мл инебекция қилинди.

Учинчи тажриба гуруҳидаги сигирлар назорат сифатида олиниб, хўжаликда жорий қилинган ана-навий усулларда даволанди. Даволаш тажрибалари 20 кун давомида ўтказилди.

Сигирлар тажрибаларнинг бошида ва даволаш-нинг 10-, ва 15-кунлари клиник, гематологик ва кат-та қорин суюқлиги ҳамда сийдикда текширишлар ўтказиб турилди. Сигирларнинг куйга келиши ва сервис даврининг давомийлиги аниқланиб борил-ди. Қон ва сийдик таркибидаги кетон таначалари Wellion vet BELUA ва KETONE URS-1K индикатор-ли тест ёрдамида аниқланди. Қондаги АлАт ва АсАт ферменти фаолликлари анализатор тест-система Cobas 6000; Roche Diagnostics (Швейцария) аппара-ти ёрдамида аниқланди.

Сигирлардан олинган қон намуналари Самарқанд Давлат ветеринария медицинаси, чор-вачилик ва биотехнологиялар университети, ички юкумсиз касалликлар кафедрасининг “Гематоло-гия” лабораторияда умумқабул қилинган усуллар-да биокимёвий таҳлил қилинди. Илмий тадқиқот натижаларидан олинган рақамли маълумотларга математик-статистик ишлов бериш таҳлили Стью-дент ва Фишер мезонлари ёрдамида Microsoft Excel электрон жадвалида амалга оширилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Самарқанд вилояти Пастдарғом туманига қарашли “К.Элдор” қорамолчилик фермер хўжалигидаги голштин зотли сигирларда ўтказилган диспан-сер текшириш натижаларига асосан хўжаликдаги сғин сигирларда кетозни даволаш тажрибалари ўтказилди. Диспансер текширишлар билан шундай хулосага келдикки, сигирларда кетоз кетонурия, кетонемия ва витамин-минерал моддалар алма-шинуви бузилишлари билан кечади. Хўжаликдаги соғин сигирлар рационининг таҳлилига кўра раци-ондаги озиқалар тўйимлилиги сигирлар эҳтиёжини тўлиқ қондирмайди, қанд-протеин ва кальций-фос-фор нисбатларининг номуносивлиги, кетоген хусусиятли мой кислотасини сақлайдиган силос микдорининг кўплиги аниқланди.

Организмига кетоген таъсир хусусиятга эга эканлиги аниқланган. Адабиёт маълумотларида ҳам силос таркибида 0,4-0,6% мой кислотаси бўлиши меъёрий кўрсаткичдан ортиқча эканлиги ва кетоз-

нинг ривожланишига ёрдамчи факторлар сифати-да молхоналардаги юқори намлик, заҳарли газлар стресс омил сифатида таъсир этиши мумкин байн етилган [6, 8, 9].

Тажрибаларнинг бошида барча тажриба гуру-ҳидаги сигирларда умумий ҳолсизланиш, ишта-ҳанинг пасайиши, тери қопламасининг хурпайиши, ялтироқлигининг йўқолганлиги, туёқлар деформа-цияси, шиллиқ пардалар рангининг оқарганлиги, кесувчи тишларнинг кимирлаши каби белгилар аниқланди.

Қондаги гемоглобин миқдори тажрибаларнинг бошида биринчи тажриба гуруҳидаги сигирларда ўртача 82,6±3,5 г/л ни, даволашнинг 10 кунни ўртача 86,6±3,8 г/л ни ташкил этган бўлса, 15 кунига ке-либ ўртача 88,5±4,6 г/л гача ортиши аниқланди. Қондаги глюкоза шунга мос ҳолда ўртача 2,18±0,05 ммол/л, 2,22±0,08, 2,36±0,06 ммоль/л, умумий оксил ўртача 78,8±4,5 г/л, 75,6±5,8 г/л, 76,2±4,2 г/л, каро-тин - 0,284±0,22 мг%, 0,289±0,23 мг%, 0,313±0,36 мг%, ишқорий заҳира -42,3±2,8 ҳажм%CO<sub>2</sub>, 44,5±4,5 ҳажм%CO<sub>2</sub>, 49,8±4,2 ҳажм%CO<sub>2</sub> гача кўпайганлиги қайд (P< 0,01) қилинди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги сигирларда қондаги гемоглобин миқдори тажрибаларнинг бошида ўртача 84,6±3,8 г/л ни, 10-кунда ўртача 92,5±4,8 г/л, 15- кунда ўртача 102,6±5,8 г/л ни ташкил этди. Қондаги глюкоза шунга мос ҳолда - 2,16±0,06 ммол/л, 2,26±0,08 ммол/л, 2,52±0,09 ммол/л, умумий оксил -79,2±3,2 г/л, 78,5±5,3 г/л, 72,6±4,2 г/л, каро-тин - 0,266±0,36 мг%, 0,295±0,43 мг%, 0,324±0,46 мг%, ишқорий заҳира -43,5±2,5 ҳажм%CO<sub>2</sub>, 48,2±3,2 ҳажм%CO<sub>2</sub>, 53,6±5,1 ҳажм%CO<sub>2</sub> га ошганлиги (P< 0,05) аниқланди.

Назорат гуруҳидаги сигирларда тажрибалар бо-шида бошқа гуруҳларга нисбатан деярли бир хил кўрсаткичлар билан намён бўлган бўлса, даволаш-нинг 10- кунига келиб қондаги гемоглобин миқдори ўртача 86,5±2,8 г/л ни, 15- кунда ўртача 82,6±3,7 г/л ни ташкил қилди. Глюкоза миқдори шунга мос ра-вишда ўртача - 2,18±0,03 ммол/л, 2,09±0,07 ммол/л, умумий оксил - 79,6±3,5 г/л, 75,6±3,4 г/л, каротин - 0,268±0,22 мг%, 0,252±0,37 мг%, ишқорий заҳира ўртача - 42,5±2,5 ҳажм%CO<sub>2</sub>, 39,1±2,7 ҳажм%CO<sub>2</sub> гача камайиши (P< 0,05) кузатилди.

Сигирлар қон зардобидида аспартатаминотранс-фераза (АсАТ) ферменти фаоллиги биринчи тажри-ба гуруҳида даволашнинг бошида ўртача 0,78±0,05 мкмоль.с/л.ни, 10- кунни ўртача 0,72±0,06 мкмоль.с/л. ни, 15- кунни ўртача 0,68±0,05 мкмоль.с/л.ни, ала-нинаминотрансфераза (АлАТ) фаоллиги шунга мос равишда 0,66±0,05 мкмоль.с/л.ни, 0,62±0,06



Тажрибадаги сигирларнинг гематологик кўрсаткичлари (n=5)

Гуруҳлар	Даволаш вақти (кун)	Гемоглобин, г/л	Глюкоза, ммоль/л	Умумий оксил, г/л	Каротин, мг%	Ишқорий захира, ҳажим%CO <sub>2</sub>	АсАТ, ммоль.с/л	АлАТ, ммоль.с/л
1 тажриба	бошида	82,6±3,5	2,18±0,05	78,8±4,5	0,284±0,22	42,3±2,8	0,78±0,05	0,66±0,05
	10- кун	86,6±3,8	2,22±0,08	75,6±5,8	0,289±0,23	44,5±4,5	0,72±0,06	0,62±0,06
	15- кун	88,5±4,6	2,36±0,06	76,2±4,2	0,313±0,36	49,8±4,2	0,68±0,05	0,58±0,06
2 тажриба	бошида	84,6±3,8	2,16±0,06	79,2±3,2	0,266±0,36	43,5±2,5	0,74±0,08	0,68±0,06
	10- кун	92,5±4,8	2,26±0,08	78,5±5,3	0,295±0,43	48,2±3,2	0,70±0,06	0,57±0,04
	15- кун	102,6±5,8	2,52±0,09	72,6±4,2	0,324±0,46	53,6±5,1	0,60±0,05	0,45±0,08
3 назорат	бошида	83,6±2,5	2,18±0,06	77,8±3,2	0,272±0,21	43,4±4,1	0,73±0,06	0,65±0,05
	10- кун	86,5±2,8	2,18±0,03	79,6±3,5	0,268±0,22	42,5±2,5	0,80±0,06	0,72±0,06
	15- кун	82,6±3,7	2,09±0,07	75,6±3,4	0,252±0,37	39,1±2,7	0,84±0,06	0,76±0,08

ммоль.с/л.ни, 0,58±0,06 ммоль.с/л.ни ташкил этди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги сигирларда қон зардобидидаги аспаратаминотрансфераза (АсАТ) аниқлаш натижаларига кўра тажрибалар бошида 0,74±0,08 ммоль.с/л.ни ташкил этган бўлса, 10- кунда ўртача 0,70±0,06 ммоль.с/л., 15-кунда ўртача 0,60±0,05 ммоль.с/л.ни, аланинаминотрансфераза (АлАТ) фаоллиги шунга мос равишда 0,68±0,06 ммоль.с/л.ни, 0,57±0,04 ммоль.с/л.ни, 0,45±0,08 ммоль.с/л.ни ташкил (2.-жадвал) этди.

Назорат гуруҳидаги сигирларда ҳам тажрибаларнинг бошида бу кўрсаткичлар деярли бир хил кўрсаткичларни намоён этган бўлсада, аммо даволашнинг 10-15-кунларига келиб АсАТ фаоллиги ўртача 0,80±0,06 -дан 0,84±0,06 ммоль.с/л. гача, АлАТ фаоллиги шунга мос равишда ўртача 0,72±0,06 ммоль.с/л. дан 0,76±0,08 ммоль.с/л.гача ошиши (P<0,05) кузатилди (меъёр – АсАТ - 0,6-0,64 ва АлАТ - 0,2-0,42 ммоль.с/л).

Сигирлардан олинган қон таркибида кетон таначалар миқдори биринчи тажриба гуруҳида даволаш тажрибаларининг бошида ўртача 1,123±0,06 ммоль/л ни ташкил этиб, даволашнинг 10- кунда ўртача 1,118±0,05 ммоль/л, 15- кунда ўртача 1,104±0,06 ммоль/л ни ташкил этди. Иккинчи тажриба гуруҳидаги соғин сигирларда шунга мос равишда ўртача этди. Назорат гуруҳидаги сигирлар қонидаги кетон таначалар миқдори тажрибалар бошида ўртача 1,142±0,04 ммоль/л ни ташкил этган бўлса, даволашнинг 10-кунига келиб ўртача 1,154±0,05

ммоль/л, 15 -кунигача 1,158±0,06 ммоль/л гача ошганлиги (меъёр - 0,172-1,032 ммол/л) кузатилди.

Сийдик намуналарида кетон таначалар миқдори аниқлаш натижалари биринчи тажриба гуруҳида тажрибаларнинг бошида ўртача 1,823±0,06 ммоль/л, даволашнинг 10- кунда ўртача 1,741±0,08 ммоль/л, 15- кунда 1,731±0,05 ммоль/л гача пасайганлигини кўрсатди.

Кетон таначаларининг миқдори иккинчи тажриба гуруҳида шунга мос ҳолда, ўртача 1,822±0,05 ммоль/л, 1,632±0,06 ммоль/л, 1,604±0,04 ммоль/л гача камайиш тенденциясини намоён этди. Назорат гуруҳидаги сигирлар сийдигидаги кетон таначалар миқдорининг даволашнинг охирига келиб, ўртача 1,862±0,05 ммоль/л гача (меъёр - 1,548-1,720 ммоль/л) ошганлиги кузатилди.

Бу ҳолат сигирларда лактациянинг кучайиб юбориши билан улар организмда кетонемия ва кетонурия ҳолатларининг кучайганлигидан далолат беради. Илмий манбаларда ҳам сигирларда энергетик танқислик оқибатида «Кребс занжири» тормозланиши ва кетогенез жараёнининг кучайиши, гиперкетонемия, гиперкетонлактая, гиперкетонурия ривожланиши, жигар, бош мия, юрак, буйрақлар, гипофиз, буйрак усти, қалқонсимон ва қалқонолди безлари фаолиятининг бузилиши таъкидланган [9].

Хулоса: Маҳсулдор сигирлар кетозини даволаш учун бир бош сигир ҳисобига омихта емга қўшиб 50 г ЛПП-1 премикси 60 г натрий гидрокарбонат бериш, 10 кун давомида бир кунда 2 марта 20 мл Руминактив ичириш, кун ора (жами 7 марта) 400

Тажрибадаги согин сизирлар организмидаги кетон таначалар миқдори (n=3)

Кетон таначалари	Даволаш кунлари	Биринчи тажриба	Иккинчи тажриба	Учинчи назорат
Қонда (ммоль/л)	Бошида	1,123±0,06	1,135±0,06	1,142±0,04
	10- кун	1,118±0,05	1,058±0,06	1,154±0,05
	15- кун	1,104±0,06	1,034±0,05	1,158±0,06
Сийдикда (ммоль/л)	бошида	1,823±0,06	1,822±0,05	1,826±0,05
	10- кун	1,741±0,08	1,632±0,06	1,832±0,06
	15- кун	1,731±0,05	1,604±0,04	1,862±0,05

мл 25% ли глюкозани вена томирига юбориш ҳамда даволашнинг 1 чи ва 10-кунлари мускул орасига Мультивит + минераллар препаратидан инеъекция қилишнинг терапевтик самараси юқори бўлиб, сизирлар организмида модда алмашинувини яхшилайдди, қон ва сийдикдаги кетон таначалар миқдорини меъёрлар даражасида бўлишини таъминлайди, сут маҳсулдорлиги назоратга нисбатан ўртача 5,3 лга оширади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бабухин С.Н. Диагностика, терапия и профилактика субклинического кетоза с осложнением беременности у импортных нетелей. Автореф. дис....канд. вет.наук: 16.00.01. Саратов 2018. С. 144.
2. Требухов А.В. Субклинический кетоз коров: Диагностика, лечение, профилактика: дис...канд. вет.наук: 16.00.02, 16.00.01 /А.В.Требухов.- Барнаул, 2005. -180 с.
3. Шкуратова И.А., Верещак Н.А., Белоусов А.И. Опыт применения кормовой добавки высоко-

продуктивным коровом/ Актуальные вопросы электрофизиологии и незаразной патологии животных. Материалы. Межд. Науч. практ. конф. посвящ. 70-лет. Зав. каф. терапии и клин. диагностики. проф. Ю. А. Тарнуева. 26-28 июня. 2009 г. Улан – Удэ.

4. Эшбуриев С.Б. Этиопатогенез и профилактика вторичной остеоидистрофия у коров. Дисс....канд. вет. наук. Самарканд: 2011. - С. 46.

5. Норбоев, К. (2022). Сизирлар субклиник кетозининг симптомлари. Перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности, 1(1), 239-241.

6. Норбаев, К. Н., Даминов, А. С., & Эшбуриев, С. Б. (2019). Этиопатогенез вторичной остеоидистрофии у коров.

7. Norboyev, Q. N., Bakirov, B. B., & Eshbo'riyev, B. M. (2020). Hayvonlarning ichki yuqumsiz kasalliklari. Darslik-Samarqand-2007. -С, 214-226.

8. Норбоев, К. Н., Бакиров, Б. Б., & Эшбуриев, Б. М. (2020). Хдйвонларнинг ички юкумсиз касалликлари. Дарслик. Самарканд, 485.

9. Eshburiev Sobir. Etiopathogenesis and symptoms of vitamin- mineral metabolism violation in cows. IJAR.

## ТЕРАПИЯ КОКЦИДИОЗА КРОЛИКОВ

**Аннотация.** В статье представлены результаты клинического проявления кокцидиоза кроликов и эффективность его лечения с использованием антикокцидийных препаратов и иммуномодуляторов.

**Annotation.** The article presents the results of clinical manifestation of coccidiosis of rabbits and effectiveness of its treatment with the use of anticoccidial preparations and immunomodulators.

**Ключевые слова:** кокцидиоз, терапия, кролики, Эриприм БТ, Ветом 3, Соликокс.

**Введение.** Степень проявления кокцидиоза связана с возрастом, индивидуальными особенностями организма хозяина, сезоном, полом и внутривидовой конкуренцией как у домашних, так и у диких животных. Однако немаловажную роль в процессе развития болезни имеют также вид эймерий и интенсивность инвазии. Лечение паразитарных заболеваний должно быть комплексным, направленным не только на устранение этиологического агента, но и на восстановление нарушенных функций организма. Для этих целей могут использоваться препараты, направленные на повышение естественной резистентности и восстановление микробиоценоза желудочно-кишечного тракта [1, 2].

Цель исследований - оценка динамики клинических признаков при кокцидиозе кроликов и эффективности лечения.

Объектом исследования являлись кролики беспородные и породистые, возрастом от 1 до 5 месяцев. Для проведения эксперимента были созданы две опытные группы. В каждой группе по 5 животных, масса от 0,5 до 1 кг, возраст от 1 до 5 месяцев. Группы формировались по принципу аналогов. Первая группа получала Эриприм БТ (орально с водой 1 гр на 100 мл воды, в течение 5 дней) + Ветом 3 (орально с кормом 50 мг на 1 кг живой массы) + Катозал (в дозе 0,5 мл вводят внутримышечно один раз в 24 часа, 5 раз); вторая группа - Соликокс (орально по 0,2 мл препарата на 100 мл воды, 5 дней) + Ветом 3 (орально с кормом 50 мг на 1 кг живой массы) + Катозал (в дозе 0,5 мл вводят внутримышечно один раз в 24 часа, 5 раз).

При анализе регистрации случаев кокцидиоза кроликов нами установлено, что кокцидиоз кроликов в ветеринарной клинике «АльфаВет» г. Стерлитамак регистрируется ежегодно.

Наибольшая интенсивность и экстенсивность инвазии кокцидиоза происходит у кроликов с 1 по 4 месяцы жизни.

Динамика клинических признаков при кокцидиозе кроликов представлена в таблице 1.

В результате проведенных исследований было установлено, что у кроликов, больных кокцидиозом вначале заболевания отмечали угнетенное общее состояние. Шерсть тусклая, в области задних конечностей загрязнена фекалиями светло-коричневого цвета, с характерным зловонным запахом. У некоторых животных наблюдали понижение аппетита и двигательной активности. Больные кролики чаще лежали, поджав под себя конечности и вытянув шею и голову. Вставали неохотно, опустив голову и сгорбив спину. При пальпации стенок живота отмечалась болезненность. Позже, в процессе выздоровления, фекалии приобретали форму отдельных твердых комков, цвет их менялся на серовато – белый.

При изучении литературы было выяснено, что из-за обширного поражения разных отделов кишечника происходит сокращение поверхности всасывания, это объясняет возникновение диареи, как наиболее характерного клинического признака этой инвазии, наряду с серьезными биохимическими нарушениями пищеварения у зараженных животных.

Таким образом, нами было установлено, что

Динамика клинических признаков при кокцидиозе кроликов

Кличка кролика	Дни проявления диареи					Продолжительность диареи	Количество ооцист в 1 г фекалий до начала лечения	Кол-во ооцист в 1 г фекалий на 5-ый день лечения
	1	2	3	4	5			
1 группа (Эриприм БТ+ Ветом 3 + Катозал)								
Атос	+	+	±			3	7777	0
Ёлка	+	±				2	12221	1111
Боня	+	±				2	8888	0
Глория	+	±				2	11110	0
Винни	+	±				2	7777	0
2 группа (Соликоккс + Ветом 3 + Катозал)								
Кекс	+	+	+	+		±	12221	1111
Жулька	+	+	+	+		±	11110	1111
Дымок	+	+	+	±		4	5555	0
Ириска	+	+	+	±		4	7777	0
Кнопка	+	+	±			3	6666	0

Примечание: + - кролики с признаками диареи, ± - кролики с признаками прекращающей диареи.

в первой группе кроликов диарея прекратилась на  $2,2 \pm 0,15$  день от начала лечения, сохранность кроликов 100%. Во второй группе кроликов диарея продолжалась  $4,0 \pm 0,2$  дня, сохранность также 100%.

#### Список литературы

1. Семихацкая Е.И., Миронова А.А., Тазаян А.Н. Опыт экспериментального заражения кокцидиозом цыплят для отработки эффективных методов лечения сельскохозяйственных животных / Семихацкая Е.И., Миронова А.А., Тазаян А.Н. // Актуальные

проблемы и методические подходы к диагностике, лечению и профилактике болезней животных. Материалы международной научно-практической конференции, 2020. С. 142-145.

2. Семихацкая Е.И. Опыт лечения цыплят поверхностно-активным веществом при экспериментальном кокцидиозе Семихацкая Е.И. // Перспективы развития научной и инновационной деятельности молодежи. Материалы международной научно-практической конференции студентов, магистрантов, аспирантов и молодых ученых. 2020. С. 16-19.

## YOSH ITLARDA RAXIT KASALLIGINING KELIB CHIQISH SABABLARI

**Аннотация:** В статье описаны причины гиповитаминоза D у молодых собак, дистрофические изменения костной ткани вследствие нарушения витаминно-минерального обмена у молодых собак, причины функциональных изменений организма и морфологических изменений в его органах.

**Summary:** The article describes the causes of hypovitaminosis D in young dogs, degenerative changes in bone tissue due to impaired vitamin-mineral metabolism in young dogs, the causes of functional changes in the body and morphological changes in its organs.

**Kalit soʻzlar:** D vitamin, Raxit, osteodistrofiya, kalsiy, fosfor, gipovitaminoz, kalsiferol, ultrabinafsha nurlar, lizuha, shilliq parda, oʻsish, umurtqa, oyoq, boʻgʻin, deformatsiya, qorin, ogʻriq, mushak, tetaniya.

**Mavzuning dolzarbligi.** Respublikamiz kuch sa-lohiyatiga ega boʻlgan Davlat tashkilotlari hisoblangan Ichki ishlar vazirligi, Mudofaa vazirligi, Davlat xavf-sizlik xizmati hamda Bojxona xizmati tasarrufidagi kinologiya markazlari pitomniklariga qarashli xizmat itlari, shu jumladan Samarqand shahri aholisi qar-amogʻidagi itlarda D gipovitaminozning etiologiyasi, patomorfalogiyasi, diagnostikasi oʻsish va rivojlanish davrida kuzatiladigan mineral va vitaminlar almashi-nuvi buzilishi Raxit (gipovitaminoz D) kasalligiga olib keladi. Mamlakatimiz sarhadlarida tinchlik va osoy-ishtalikni saqlash qurol va gortlovchi moddalar hamda norkotiklarning respublikamiz xududiga kirishini oldini olish, jinoyatchilik va aholi tinchligini saqlashda xizmat itlarining vazifalari beqiyosdir.

Itlarning oʻsish davrida vitamin va mineral moddalar almashinuvi buzilishlari oqibatida suyak toʻqimasida distrofik oʻzgarishlar yuzaga keladi, natijada organizm da funksional oʻzgarishlar kelib chiqib ularning ish qobiliyati pasayadi, harakat aʼzolaridagi morfologik oʻzgarishlari juda qiyin tiklanadi. Shuning uchun organizm da vitamin va mineral moddalar almashinuvi bu-zilishlarini uning boshlangʻich bosqichida yaʼni organizm da kasallikning klinik belgilari paydo boʻlmasdan oldin aniqlash va uni oldini olish boʻyicha tadbirlar ish-lab chiqish va amaliyotga joriy etish veterinariya amali-yotidagi dolzarb muammolardan biri hisoblanadi. [3, 6]

Kasallik asosan bir yoshgacha boʻlgan yosh itlarda uchrab, organizm da kalsiy-fosfor almashinuvining bu-zilishi suyak toʻqimasidagi distrofik oʻzgarishlar, suyak-lanish jarayonining kechikishi bilan xarakterlanadi. Kasallikning asosiy sababi organizm da kalsiy-fosfor al-mashinuvining buzilishi va D vitaminning yetishmasli-gi boʻlib hisoblanadi. [1, 2]

**Tekshirish usul va materiallari.** Ilmiy tadqiqot ishlari 2021-2023 yillar davomida Samarqand shaxar va unga tutash axoli itlarida, Samarqand davlat veter-inariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar

universitetining “Veterinariya jarrohligi va akusher-lik” kafedrasiga kelgan kasal itlarda hamda Samarqand viloyati kinologiya xizmati markazi sharoitida bajarildi. Tekshirishlar obyekt sifatida Samarqand shahri aholi qaramogʻidagi itlarda Raxit bilan kasallangan har hil zot va yoshdagi jami 38 bosh itlarda oʻtkazildi. Yosh it-larda klinik tekshirishlar oʻtkazish orqali umumiy klinik holati, ishtahaning bor-yoʻqligi, semizlik darajasi, tash-qi taʼsurotlarga javob berish reaksiyasi, koʻzga koʻrin-adigan shilliq pardalar, teri va teri qoplamasi, harakat aʼzolarining holati, 1 daqiqadagi yurak urishi va nafas soni aniqlandi.

**Olingan natijalar tahlili:** Tadqiqotimiz natijasiga asosan tekshirilgan bir yoshgacha boʻlgan har hil zot zo-tiga mansub 38 bosh itlarning 10 boshida (26,3%) raxit kasalligi yengil-boshlangʻich klinik belgilar aniqlandi.

Xususan klinik tekshirilgan bir yoshgacha boʻlgan choʻpon itlarda 19 boshidan 4 boshida (22,8%) raxitga xos klinik belgilar qayd etildi. Boshqa mahalliy zotda mansub 8 boshidan 4 boshida (20,2%) raxit kasalligi klinik belgilari.

Klinik tekshirishlar natijalarida asosida, raxit belgilari aniqlangan kuchukchalarning bir onadan 6-7 tadan tugʻil-ganligi, onasidan 10 kunligigacha boʻlgan vaqtda ajratib olinganligi, ratsion tarkibida sutning kamligi, toʻyimli moddalar (oqsil, kalsiy, fosfor)ning etishmasligi aniqlandi.

Raxit kasalligi aniqlangan itlarning deyarli bar-chasida ona itlarning yaxshi oziqlantirilmaganligi, erkin yayrab yurish uchun sharoitning yoʻqligi, homiladorlik davrida ularning ratsioni tarkibiga mineralli-vitaminli oziqa aralashmalarining qoʻshilmaganligi aniqlandi [5, 7]. Demak, embrional taraqqiyot davrida kuchukchalar organizm da vitamin va mineral moddalarning yetish-masligi, tugʻilgandan keyingi davrda sutga toʻymagan-ligi rivojlanishning birinchi oyida vitamin D saqlovchi va kalsiy elementiga boy boʻlgan preparatlarning ber-ilmaganligi ularda raxit kasalligining kelib chiqishiga asosiy sabab boʻlgan deb hisoblaymiz [4, 8].

Raxit kasalligi aniqlangan har hil zot zotiga mansub bosh kuchukchalarning 5 boshida ishtahaning pasayishi va o'zgarishi (lizuxa), tengdoshlariga nisbatan o'sishdan qolish, kamharakatlik kabi belgilar bilan namoyon bo'luvchi kasallikning yengil-boshlang'ich bosqichi, 3-boshida oldingi oyoq bo'g'inlari va suyak to'qimasining deformatsiyasi, vaqti-vaqti bilan tetaniyaga xos tana muskullarining qaltirashi bilan kechayotgan o'rtacha og'irlikdagi bosqichi va 2 bosh kuchukchalarda kasallikning og'ir shakli ya'ni oldingi va orqa oyoq suyaklari bo'g'inlari deformatsiyasi, trubkasimon suyaklarning kaltaligi va ularning epifiz qismining qalinlashuvi, oqsash, qabirg'alarining umurtqaga tutash joylaridagi qalinlashuvi, ularda o'sishdan qolish, tanaga nisbatan boshning kattaligi, qorin devorining osilganligi, qiynalib xarakatlanish va kamqonlik belgilari kuzatildi [9, 10].

Raxit kasalligi aniqlangan 5 bosh O'rta Osiyo (nemis) ovcharkasiga mansub kuchukchalarning barchasida kasallik o'rtacha og'irlikda kechib, oldingi oyoq bo'g'inlarining o'zgarishi, suyaklar deformatsiyasi namoyon bo'ldi.

#### **Xulosalar.**

1. Yosh itlarda raxit (D gipovitaminoz) kasalligining asosiy sababi ona itlarning homiladorlik davrida yaxshi oziqlantirilmasligi, kuchukchalarni sutdan erta ayirish, ularga tarkibida kalsiy, fosfor va kalsiferol saqlovchi preparatlarning berilmasligi, yayratish maydonchalari va ultrabinafsha nurlarning yetishmasligi bo'lib hisoblanadi.

2. Raxit (D gipovitaminoz) tez o'suvchi, og'ir vaznli nemis ovcharkasi, O'rta Osiyo ovcharkasi zotli itlarda ko'proq uchrashiga asosiy sabab, tez o'sayotgan yosh oraganizmning bialogik faol moddalarga (vitamin D, kalsiy, fosfor) bo'lgan fiziologik ehtiyojini yetarli darajada qondirilmasligidir.

3. Raxit (D gipovitaminoz) yosh itlarda ishtahaning o'zgarishi, shilliq pardalarning oqarishi, teri qoplamasi yaltiroqlikning yo'qolishi, o'sish va rivojlanishdan qolish, umurtqa pog'onasi, old va orqa oyoqlar bo'g'inlari deformatsiyalashuvi, qorinning osilishi, suyaklarning og'riqli bo'lishi mushaklarda qaltirash va ularning zaiflashuvi kabi klinik belgilar bilan kechadi.

#### **Faydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Norboev, K. N., Rakhmonov, U. A., Ruzikulov, N. B., & Eshburiev, S. B. (2022). Effectiveness of Vitaprem and Probiotic Bio-3s in Group-Prophylaxis of Hens' Hypovitaminoses. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 9(11), 308-314.

2. Norboev, K. N., H.Bektanova (2022). Yosh itlarda Raxit kasalligining etiologiyasi "Veterinariya meditsinasi" ilmiy ommobop jurnali № 6-soni 2021 yil mart 16-17.

3. Amanda J. Hawthorne Turli xil naslli kuchuklarning o'sish xususiyatlari [matn] Amanda J. Xotorn // J. Fokus.- Valtam, 2004. - T. 14. - № 3. - B.23 - 27.

4. Vinnikov, N.T.Veterinariya laboratoriya diagnostikasi [matn] / N.T.Vinnikov.- Saratov, 2003. - 360 p.

5. Norboyev, Q. N., Bakirov, B. B., & Eshbo'riyev, B. M. (2020). Hayvonlarning ichki yuqumsiz kasalliklari. *Darslik-Samarqand-2007,-C*, 214-226.

6. Норбоев, К. Н., Бакиров, Б. Б., & Эшбуриев, Б. М. (2020). Хдйвонларнинг ички юкумсиз касалликлари. *Дарслик. Самарканд*, 485.

7. Norboyev, Q. N., Bakirov, B., & Eshburiyev, B. M. (2009). Yosh hayvonlar yuqumsiz kasalliklari patologiyasi va terapiyasi. *O'quv qo'llanma. Samarqand*.

8. Slesarenko N.A. Itlardagi suyak gomeostazining funktsional buzilishlarining tarkibiy korrelyatorlari [matn]. N.A.Slesarenko. Uy hayvonlari kasalliklari diagnostikasi, terapiyasi va oldini olishning dolzarb muammolari: Mat. Xalqaro ilmiy.- amaliy konferentsiyalar. Voronej, 2006. - S. 270-272.

9. Norboev, K. N., H.Bektanova (2022). Yosh itlarda D gipovitaminozining klinik belgilari. *Агробиотехнология ва ветеринария тиббиёти журнал*.

10. Norboev, K. N., Rakhmonov, U. A., Ruzikulov, N. B., & Eshburiev, S. B. (2022). Effectiveness of Vitaprem and Probiotic Bio-3s in Group-Prophylaxis of Hens' Hypovitaminoses. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 9(11), 308-314.

SIGIRLARDA ALIMENTAR BEPUSHTLIKLARNI KLINIK  
BELGILARI

**Аннотация:** В этой статье описываются клинические признаки, наблюдаемые при алиментарном бесплодии у молочных коров.

**Abstract:** This article describes the clinical signs observed in nutritional infertility in dairy cows.

**Kalit so'zlar:** Alimentar bepushtlik, dispanser, simptom, sindrom, kartogramma, ekotizim, endemik, teri qoplamasi, teri elastikligi, ishtaha, shilliq pardalar, alopesiya, anemiya, lizuxa.

**Mavzuning dolzarbligi.** Respublikamizda chorvachilikni xususi mulkchilik asosida jadal rivojlantirish orqali ichki bozorni go'sht, sut, tuxum, baliq kabi hayotiy muxim oziq-ovqat mahsulotlarini bilan barqoror to'ldirish va aholini turmush darajasini oshirish katta e'tibor qaratilgan. Shu muomolarni samarali hal etish hayvonlarni bepushtliklari katta to'sqinlik qilmoqda. Shu kasalliklarni orasida hayvonlarda modda almashinuvi buzilishi oqibatida alimentar bepushtliklar asosiy o'rini egallaydi.

Hozirgi vaqtda qoramolchilik fermer xo'jaliklarida bir xilda oziqlantirish, oziqalar to'yimligi va sifatini pastligi ozuqa rasionlarining hayvonlar organizmi talablarini qondira olmaslik va shu jumladan masionning yo'qligi sigirlar organizimda modda almashinuvi buzilishi hamda alimentar bepushtliklari bilan kechadigan kasalliklarining ko'payishiga sabab bo'lmoqda.

Respublikamizning Orolbo'yi ekotizimidagi chorvachilik fermer xo'jaliklari sharoitida chetdan keltirilgan sigirlarda alimentar bepushtliklarini tarqalishi, sabablari, ularning kelib chiqishida alimentar va ekologik omillarning ahamiyati, rivojlanish mexanizmlari va ertachi diagnostikasi o'rganilmagan hamda kasalliklarni oldini olish va davolash usullarning ishlab chiqilmagan.

Hayvonlar uchun ozuqa yetishtiriladigan maydonlarni kartogrammasi o'rganilmaganligi. Tuproqlarning sho'rlanishi va mineral o'g'itlardan noto'g'ri tarzda foydalanish hayvonlar orasida gipokobaltoz, gipokuproz, anemiya, buqoq kabi endemik kasalliklarning ko'p uchrashiga va sigirlarni alimentar bepushtliklariga sabab bo'lmoqda.

Ellik qala tumanidagi "Amir oq chashma" qoramolchilik fermer xo'jaligiga qarashli sigirlardan 10 bosh ajratilib, ularda klinik-fiziologik tekshirishlar olib borildi.

Sigirlarning yillik sut mahsuldorligi o'rtacha 3000 kg ni, 100 bosh sigirdan buzoq olish o'rtacha 60-65

boshni tashkil etadi. Chorvachilik xo'jaligida poda sindromatikasini tahlil qilish, sigirlarning saqlash sharoitlari va zoogigienik talablar me'yor darajasida emasligi, pushtdorlik va mahsuldorlik ko'rsatkichlarining pastligi ularda modda almashinuvlari qoniqarsiz darajada ekanligini ko'rsatdi.

Chorva fermer xo'jaliklaridagi sigirlarning 35-40 foizida alimentar bepushtliklarga xos klinik belgilarning borligi aniqlandi. Sog'in sigirlarda alimentar bepushtliklar shilliq pardalarning oqarishi, ishtahaning o'zgarishi (lizuxa), bo'yin va ko'zlar atrofida junlarning tushishi, xurpayishi va yaltiroqligining pasayishi, bo'g'inlar va tuyoqlarning deformatsiyasi kabi klinik belgilar bilan kechdi.

